– ишнинг мақсади ва мазмуни ҳақида умумий тасаввурга эга бўлса;

– компьютердан мустақил фойдаланиш маҳоратига эга бўлмай, иш давомида, четдан бўладиган ҳар хил ёрдамларга муҳтож бўлса;

– иш натижаларини қайта ишлаб чиқиш ва иш бўйича ҳисобот тайёрлашда ёрдамларга муҳтож бўлса;

– Ҳисоботда айрим хатоликларга йўл қўйилган бўлса.

назорат учун ажратилган баллнинг 55–70% гача қўйилади.

Амалий ва лаборатория машғулотлар бўйича:

– режадаги амалий машғулот бажарилмаган бўлса;

– амалий машғулот мавзусига доир ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмаса;

– иш натижаларини қайта ишлаш ва олинган натижалар юзасидан ҳисобот тайёрлаш маҳоратига эга бўлмаса;

– иш натижаларининг бошқалардан кўчириб олинганлиги сезилиб турса;

– машғулотга доир воситалар ва компьютердан тўғри фойдалана олмаса ва шу туфайли уларга зарар етказилса.

назорат учун ажратилган баллнинг 0–55% гача қўйилади.

III. Ёзма ишларни баҳолаш мезонлари:
(якуний баҳолаш мезонлари)

– вариант саволларининг барчасига атрофлича, аниқ ва тўғри жавоблар ёзилган бўлса;

– ўқув режадан ташқари (замонавий) материаллардан хабардорлиги билиниб турса;

– қонун– қоидалар, назария ва тахминлар,тушунчалар ва тасаввурлар, формула ва тенгламалар тўғри ва аниқ ёзилган бўлса;

— баёнда илмий хатоликларга йўл қўйилмай, матетиал мазмунининг илмий ва мантиқийлиги сақланган ҳолда пухта ёзилган бўлса;
— баёнда орфографик ва грамматик камчиликлар учрамаса

назорат учун ажратилган баллнинг 86—100% гача қўйилади.

— вариант саволларига ёзилган жавоблар ўқув дастури талаблари доираси билан чекланган, аммо тўғри;
— жавобларда илмийлик бузилмаган:
— баён мазмунида мантиқ сақланган;
— қонун— қоидалар, назария ва тахминлар,тушунча ва тасаввурлар баёнида хатоликлар учрамаса;
— баёнда орфографик ва грамматик хатолар учрамаса;
— берилган топшириқларнинг биттасига тўлиқ жавоблар ёзилмаган бўлса

назорат учун ажратилган баллнинг 71—85% гача қўйилади.

— саволларнинг 2/3 га тўғри жавоб ёзилган бўлса;
— вариант саволларига ёзилган жавоблар юзаки, аммо баъзи бир хатоликлар инобатга олинмаганда, умуман тўғри;
— баёнда баъзан мантиқий чалкашликлар қайд этилса;
— қонун— қоидалар, назария ва тахминлар,тушунча ва тасаввурларда баъзи бир ноаниқликларга йўл қўйилган бўлса;
— баён орфографик ва грамматик томондан яхши бўлмаса

назорат учун ажратилган баллнинг 55—70% гача қўйилади.

— вариант саволларининг 1/3 га ёки умуман жавоб ёзилмаган бўлса;
— вариант саволларига ёзилган жавоблар нотўғри ёки аниқ ёзилмаган бўлса;
— жавобларга мужмаллик, ноаниқлик ва мантиқий чалкашликлар қайд этилса;
— илмий хатоликларга йўл қўйилса;
— баён матнида орфографик ва грамматик жиҳатидан хатолар кўп бўлса

назорат учун ажратилган баллнинг 0—54% гача қўйилади.

5. Таълим технологияси

Ҳозирги компьютер технологиялари ривожланаётган даврда фан курсларини шу технологиялар ёрдамида олиб боришни тақозо этмоқда. Фанларни чуқур ўрганиш ва уларни ҳаётга тадбиқ эта билиш давр талаби ҳисобланади.

Ҳисоблаш математикаси курсини ўқитишда 3-курс талабаларига асосан ҳисоблаш методлари ва уларнинг назарий тушунчалари ўргатилади. Назарий тушунчалар асосида тақрибий ҳисоблаш методларининг бирини иккинчисидан афзаллик томонлари амалий мисол-масалалар ечиш орқали аниқланади. Афзалликларни аниқлаш учун компьютер технологияларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Бунинг учун таққосланаётган методлар программалаш тилларидан фойдаланиб дастур тузишни тақозо этади. Бирор метод учун дастур тузилиб унинг бир неча қадамлардаги графиклари аниқланиб улар орқали графиклар анимациялари кўриб чиқилади.

Талабаларга ҳам назарий ҳам амалий машғулотлар давомида пухта билим берилади. Бу билимларга қўшимча компьютер технологияларидан фойдаланиш ва уни фанга қўллай билиш мақсадга мувофиқдир.

Талабалар юқоридаги айтиб ўтилган билим кўникмаларига эга бўлган ҳолдагина “Ҳисоблаш математикаси” курсида ижобий қатнашган деб баҳоланади.

6. Маъруза матнлари

МАЪРУЗА МАТНИ

I. ХАТОЛИК НАЗАРИЯСИ

Фараз қилайлик, a — бирор миқдорнинг аниқ қиймати бўлиб, a^* унинг маълум тақрибий қиймати бўлса, у вақтда тақрибий a^* сонининг абсолют хатоси деб $\Delta a^* = |a - a^*|$ га айтилади.

Абсолют хатони тақрибий миқдорнинг абсолют қийматига нисбати тақрибий соннинг *нисбий хатоси δa^* деб айтилади:*

$$\delta a^* = \frac{\Delta a^*}{|a^*|}$$

Абсолют хатодан кичик бўлмаган, ҳар қандай сонга тақрибий a^* соннинг *лимит абсолют хатолиги дейилади* ва у учун қуйидаги тенгсизлик ўринлидир:

$$\Delta a^* \le \Delta(a^*).$$

Худди шунга ўхшаш лимит нисбий хато $\delta(a^*)$ тушунчасини киритиш мумкин.

$$\delta(a^*) = \frac{\Delta(a^*)}{|a^*|}.$$

Бундан $\Delta(a^*) = \delta(a^*)|a^*|$ келиб чиқади.

II. ФУНКЦИЯНИ ИНТЕРПОЛЯЦИЯЛАШ

Масаланинг қўйилиши: даражаси n дан ошмаган шундай алгебраик кўпҳад курилсинки, у берилган турли $n+1$ та $x_0, x_1, \dots, x_n$ тугун нуқталарда берилган

$$f(x_0),\quad f(x_1),\quad \dots,\quad f(x_n)$$

қийматларни қабул қилсин, яъни

$$P_n(x) = a_0 + a_1 x + \dots + a_n x^n \tag{1}$$

кўпҳад учун ушбу

$$a_0 + a_1 x_k + \dots + a_n x_k^n = f(x_k) \quad \left(k = \overline{0, n}\right) \tag{2}$$

тенгликлар бажарилсин. Бу тенгламалар системасининг матрицаси Вандермонд матрицасидир, у эса махсус эмас, чунки

$$x_i \ne x_j, \quad i \ne j.$$

Демак, (2) система ягона ечимга эга, бу эса (1) кўпҳад ягоналигини билдиради. Биз қуйида (2) шартни бажарадиган (1) кўпҳадни турли кўринишларини келтирамиз:

$$P_n(x)=\sum_{i=0}^{n}\frac{\omega_{n+1}(x)}{(x-x_i)\omega'_{n+1}(x_i)}f(x_i), \qquad (3)$$

бу ерда $\omega_{n+1}(x)=(x-x_0)(x-x_1)...(x-x_n)$. Бу кўринишдаги кўпҳад Лагранж интерполяцион кўпҳади дейлади. Агар $f(x)$ функция $[a,b]$ да $(n+1)-$тартибли узлуксиз ҳосилага эга бўлса, у ҳолда интерполяция қолдиқ ҳадини

$$R_n(x)=f^{(n+1)}(\xi)\frac{\omega_{n+1}(x)}{(n+1)!}$$

кўринишда ифодалаш мумкин. Бу ерда $\xi\in[a,b]$. Қолдиқ ҳад баҳоси

$$R_n\le\frac{M_{n+1}}{(n+1)!}\max_{a\le x\le b}|\omega_{n+1}(x)|,$$

бу ерда $M_{n+1}=\max\limits_{a\le x\le b}\left|f^{(n+1)}(x)\right|$.

III. ЎРТА КВАДРАТИК ЯҚИНЛАШИШ

Фараз қилайлик $\{\varphi_i(x)\}_{i=0}^{n}$ функциялар системаси чизиқли эркли бўлиб, етарлича силлиқ бўлсин. $L_p^2[a,b]$га тегишли $f(x)$ функцияни $P_n(x)=\sum\limits_{i=0}^{n}a_i\varphi_i(x)$ — умумлашган кўпҳад билан алмаштирайликки, қуйидаги

$$\delta_n=\int_a^b p(x)[P_n(x)-f(x)]^2dx=\int_a^b p(x)\left[\sum_{i=0}^{n}a_i\cdot\varphi_i(x)-f(x)\right]^2dx$$

ифода энг кичик қийматга эга бўлсин, яъни $\delta_n=\delta(a_0,a_1,...,a_n)$ функция $a_0,a_1,...,a_n$ ларга нисбатан квадратик кўпҳад ва $\delta_n\ge 0$ бўлганлиги учун унинг минимуми мавжуд.

$$\frac{1}{2}\frac{\partial\delta_n}{\partial a_k}\equiv\int_a^b p(x)\left[\sum_{i=0}^{n}a_i\varphi_i(x)-f(x)\right]\cdot\varphi_k(x)dx=0 \quad \left(k=\overline{0,n}\right).$$

IV. ИНТЕРПОЛЯЦИОН КУБИК СПЛАЙН ҚУРИШ

Қуйидаги тўрт шартни қаноатлантирувчи ушбу $S_3(x)$ функция интерполяцион кубик сплайн дейилади:

1. Ҳар бир $[x_i,x_{i+1}]$ $\left(i=\overline{0,n-1}\right)$ оралиқда $S_3(x)\in H_3(P)$ — даражаси учдан ошмайдиган кўпҳадлар тўплами.
2. $S_3(x)\in C_2[a,b]$.
3. $S(x_i)=f(x_i)$ $\left(i=\overline{0,n-1}\right)$

4. $S_3''(x)$ учун

$$S_3''(a)=S_3''(b)=0 \tag{1}$$

чегаравий шартлар ўринли.

$S_3''(x)$ $[x_{i-1},x_i]$ кесмада узлуксиз бўлганлигидан $x_{i-1}\le x\le x_i$ да ушбу

$$S_3''(x)=M_{i-1}\frac{x_i-x}{h_i}+M_i\frac{x-x_{i-1}}{h_i} \tag{2}$$

тенгликни ёзиш мумкин. Бу ерда $h_i=x_i-x_{i-1}$, $M_i=S_3''(x_i)$.

(2) тенгликни икки марта интеграллаймиз:

$$S_3(x)=M_{i-1}\frac{(x_i-x)^3}{6h_i}+M_i\frac{(x-x_{i-1})^3}{6h_i}+A_i\frac{(x_i-x)}{h_i}+B_i\frac{(x-x_{i-1})}{h_i}, \tag{3}$$

бунда A_i ва B_i интеграллаш доимийлари бўлиб, улар таърифнинг учинчи шартидан топилади, яъни (3) да $x=x_{i-1}$, $x=x_i$ деб, мос равишда

$$M_{i-1}\frac{h_i^2}{6}+A_i=f_{i-1},\quad M_i\frac{h_i^2}{6}+B_i=f_i$$

ларни ҳосил қиламиз. Бундан A_i ва B_i ни топиб (3)га қўйиб, қуйидагига эга бўлиш мумкин:

$$S_3(x)=M_{i-1}\frac{(x_i-x)^3}{6h_i}+M_i\frac{(x-x_{i-1})^3}{6h_i}+\left(f_{i-1}-\frac{M_{i-1}h_i^2}{6}\right)\frac{(x_i-x)}{h_i}+$$

$$+\left(f_i-\frac{M_ih_i^2}{6}\right)\frac{(x-x_{i-1})}{h_i}. \tag{4}$$

V.ТЕНГЛАМАЛАРНИ ТАҚРИБИЙ ЕЧИШ

5.1. Алгебраик тенгламаларнинг илдизлари чегараси

Теорема 1. Алгебраик

$$f(x)=a_0x^n+a_1x^{n-1}+...+a_n=0 \tag{1}$$

тенгламанинг барча коэффициентлари ҳақиқий ва $a_0\ne 0, a_n\ne 0$ бўлсин. У ҳолда (1) тенгламанинг барча илдизлари

$$r=\frac{1}{1+A_1}<|x|<1+A=R$$

халқа ичида ётади. Бу ерда

$$A=\max_{1\le k\le n}\left|\frac{a_k}{a_0}\right|,\quad A_1=\max_{0\le k\le n}\left|\frac{a_k}{a_n}\right|. \tag{2}$$

Шуни эслатиш лозимки, (1) тенгламанинг барча мусбат илдизлари (r,R) оралиқда, барча манфий илдизлари эса $(-R,-r)$ оралиқда ётади. Лекин, илдизларнинг чегараси учун бу баҳолар анча қўполдир. Қуйидаги теоремалар бунга нисбатан яхшироқ баҳоларни беради.

Лагранж теоремаси. Агар (1) тенгламанинг манфий коэффициентларидан энг биринчиси (чапдан) a_k бўлиб, B манфий коэффициентларнинг абсолют қийматлари бўйича энг каттаси бўлса, у ҳолда мусбат илдизларнинг юқори чегараси

$$R = 1 + \sqrt[k]{\frac{B}{a_0}} \tag{3}$$

сон билан ифодаланади.

Ньютон теоремаси. Агар $x = c$ учун $f(x)$ кўпҳад ва унинг $f'(x), f''(x), \ldots, f^{(n)}(x)$ ҳосилалари номанфий, яъни $f^{(k)}(c) \geq 0,\ \ k = \overline{0,n}$, бўлса у ҳолда $R = c$ ни (1) тенгламанинг мусбат илдизлари учун юқори чегара деб олиш мумкин.

Қуйидаги кўпҳадларни ҳосил қилайлик

$$f_1(x) = (-1)^n f(-x) = a_0x^n - a_1x^{n-1} + a_2x^{n-2} + \ldots + (-1)^n a_n,$$

$$f_2(x) = x^n f\left(\frac{1}{x}\right) = a_nx^n + a_{n-1}x^{n-1} + \ldots + a_0,$$

$$f_3(x) = (-x)^n f\left(-\frac{1}{x}\right) = a_nx^n - a_{n-1}x^{n-1} + \ldots + (-1)^n a_0.$$

$f(x)$, $f_1(x)$, $f_2(x)$ $f_3(x)$ ларнинг мусбат илдизларининг юқори чегараларини мос равишда R, R_1, R_2, R_3 деб белгилайлик, у ҳолда (1) тенгламанинг барча мусбат илдизлари $\frac{1}{R_2} \leq x^+ \leq R$, ҳамма манфий илдизлари $-R_1 \leq x^- \leq -\frac{1}{R_3}$ тенгсизликларни қаноатлантиришини кўриш мумкин.

5.2. Ньютон методи

Фараз қилайлик,

$$f(x) = 0 \tag{1}$$

Тенгламанинг $[a,b]$ да ягона илдизи $x = \alpha$ мавжуд бўлсин, яъни $f(a)f(b) < 0$ бўлсин. Бундан ташқари $[a,b]$ да $f'(x)$, $f''(x)$ ишора сақласин, яъни $y = f(x)$ функция $[a,b]$ да монотон ва унинг графиги ботиқ ёки қавариқ. У ҳолда

$$x_{n+1}=x_n-\frac{f(x_n)}{f'(x_n)},\ \ n=0,1,... \tag{2}$$

формула ёрдамида α илдизга яқинлашувчи кетма—кетликни ҳосил қиламиз. (2) кетма—кетликни тузиш учун x_0 деб $[a,b]$ га тегишли ва $f(x)f''(x)>0$ шартни қаноатлантирувчи ихтиёрий нуқтани олиш мумкин, хусусан, $x_0=a$ ёки $x_0=b$ бўлади.

Агар $f'(x_n)$ ни ҳисоблашда катта қийинчиликлар ҳосил бўлса, (2) формуланинг қуйидаги модификациясини қўллаш мумкин:

$$x_{n+1}=x_n-\frac{f(x_n)}{f'(x_0)},\ \ n=0,1,... \tag{3}$$

5.3. Ватарлар методи

$f(x)=0$ тенгламанинг $[a,b]$ да ягона $x=\alpha$ илдизи мавжуд ва $f'(x)$, $f''(x)$ лар $[a,b]$ да ишора сақласин. У ҳолда, у илдизга $x_0=a$ бўлса,

$$x_{n+1}=x_n-\frac{f(x_n)}{f(b)-f(x_n)}(b-x_n),\qquad n=0,1,... \tag{4}$$

$x_0=b$ бўлса,

$$x_{n+1}=x_n-\frac{f(x_n)}{f(a)-f(x_n)}(a-x_n),\qquad n=0,1,... \tag{5}$$

кетма—кетликлар орқали яқинлашилади.

Илдизнинг бошланғич қиймати сифатида $[a,b]$ га тегишли ва $f(x)f''(x)<0$ шартни бажарувчи ихтиёрий нуқтани олиш мумкин, хусусан, $x_0=a$ ёки $x_0=b$ дейиш мумкин.

5.4. Оддий итерация методи

Фараз қилайлик, $f(x)=0$ тенгламани $[a,b]$ да ягона илдизи $x=\alpha$ мавжуд бўлсин. Берилган тенгламани унга тенг кучли бўлган

$$x=\varphi(x) \tag{6}$$

тенгламага алмаштирамиз. $[a,b]$ га тегишли ихтиёрий x_0 нуқтани олиб

$$x_{n+1}=\varphi(x_n),\quad n=0,1,2,... \tag{7}$$

кетма—кетликни тузамиз.

Агар

$$\lim_{n\to\infty} x_n = \alpha \tag{8}$$

бўлса (7) жараён яқинлашувчи дейилади. (7) жараён яқинлашувчи бўлишлиги учун ёки (8) лимит мавжуд бўлиши учун қуйидаги шарт ўринли бўлиши керак

$$\max_{x\in[a,b]} |\varphi'(x)| \le q < 1. \tag{9}$$

(9) шарт ўринли бўлса, (7) ёрдамида тузилган $\{x_n\}$ кетма-кетлик фундаментал бўлади ва

$$|\alpha - x_n| \le \frac{\eta}{1-q} q^n \tag{10}$$

тенгсизликни ҳосил қилиш мумкин. Бу ерда $\eta = |x_1 - x_0|$. Бу тенгсизлик итерация жараёнини яқинлашиш тезлигини ифодалайди.

VI. ЧИЗИҚЛИ АЛГЕБРАИК ТЕНГЛАМАЛАР СИСТЕМАСИНИ ЕЧИШДА ИТЕРАЦИОН УСУЛЛАР

6.1. Вектор ва матрицаларнинг нормалари

X векторнинг нормаси деб қуйидаги уч шартни қаноатлантирувчи ҳақиқий $\|X\|$ сонга айтилади:

1. $\|X\| \ge 0$ ва $X = 0$ бўлгандагина $\|X\| = 0$;
2. ҳар қандай α сон учун $\|\alpha X\| = |\alpha| \cdot \|X\|$;
3. $\|X + Y\| \le \|X\| + \|Y\|$ — учбурчак тенгсизлиги.

$X = (x_1 x_2, \dots, x_n)^T$ векторнинг кўп учрайдиган нормаларидан учтасини келтирамиз.

1. Кубик норма:

$$\|X\|_1 = \max_{1\le i\le n} |x_i|.$$

2. Октаэдрик норма:

$$\|X\|_2 = \sum_{i=1}^{n} |x_i|.$$

3. Сферик норма:

$$\|X\|_3 = \sqrt{\sum_{i=1}^{n} |x_i|^2}.$$

A квадрат матрицанинг нормаси деб қуйидаги тўрт шартни қаноатлантирувчи ҳақиқий сонга айтилади.

1. $\|A\| \ge 0$ ва $A = 0$ бўлгандагина $\|A\| = 0$;
2. Ихтиёрий α сон учун $\|\alpha A\| = |\alpha| \cdot \|A\|$;

3. $\|A+B\| \le \|A\| + \|B\|$;

4. $\|A \cdot B\| \le \|A\| \cdot \|B\|$, хусусан, $\|A^p\| \le \|A\|^p$.

Агар ҳар қандай квадрат A матрица учун ва ўлчами матрица тартибига тенг бўлган ихтиёрий x вектор учун

$$\|Ax\| = \|A\| \cdot \|x\|$$

тенгсизлик бажарилса, у ҳолда матрица нормаси векторнинг берилган нормаси билан мослашган дейилади.

Ҳар қандай A матрица учун Ax вектор нормасининг узлуксизлигига кўра

$$\|A\| = \max_{\|x\|=1} \|Ax\| \tag{1}$$

тенгликда максимумга эришилади, яъни шундай $x^{(0)}$ вектор топиладики, $\|x^{(0)}\| = 1$ ва $\|Ax^{(0)}\| = \|A\|$ тенгликлар бажарилади.

(1) тенглик билан киритилган матрица нормаси векторнинг берилган нормасига бўйсунган дейилади.

Энди матрицанинг векторларнинг юқорида киритилган нормаларига бўйсунган нормаси кўринишларини келтирамиз.

1. Кубик норма:

$$\|A\|_1 = \max_{1 \le i \le n} \sum_{k=1}^{n} |a_{ik}|.$$

2. Октаэдрик норма:

$$\|A\|_2 = \max_{1 < k \le n} \sum_{i=1}^{n} |a_{ik}|.$$

3. Сферик норма:

$$\|A\|_3 = \|A\| = \sqrt{\lambda_1}.$$

Бу ерда λ_1 $A'A$ матрицанинг энг катта хос сони.

6.2. Оддий итерация усули

Фараз қилайлик,

$$Ax = b \tag{2}$$

чизиқли тенгламалар системаси бирор усул билан

$$x = Bx + c \tag{3}$$

кўринишга келтирилган бўлсин. Қандай келтириш кераклигини кейинчалик кўрсатамиз ва дастлабки яқинлашиш вектори $x^{(0)}$ топилган бўлсин. Агар кейинги яқинлашишлар

$$x^{(k)} = Bx^{(k-1)} + c, \qquad k = 1,2,... \tag{4}$$

рекуррент формулалар ёрдамида топилса, бундай метод оддий итерация методи дейилади. Агар (4) кетма—кетликнинг лимити x^* мавжуд бўлса, бу лимит (2) системанинг ечими бўлади. Ҳақиқатан (4) лимитга ўтсак, $x^* = Bx^* + c$ келиб чиқади.

Оддий итерация методининг яқинлашиш шартини келтирамиз.

Теорема 1. (4) оддий итерация жараёни ихтиёрий $x^{(0)}$ да яқинлашувчи бўлиши учун B матрицанинг барча хос сонлари модуллари бўйича бирдан кичик бўлиши зарур ва етарлидир.

Бу теорема назарий жиҳатдан фойдали, лекин амалий ишлар учун ярамайди. Шунинг учун B матрицанинг элементлари орқали ифодаланадиган етарли шартларни келтирамиз.

Теорема 2. (4) оддий итерация жараёнининг яқинлашувчи бўлиши учун B матрицанинг бирор нормаси бирдан кичик бўлиши етарлидир.

Теорема 2 етарли шартни қуйидагича ифодалашга имкон беради.

(4) оддий итерация методи яқинлашиши учун B матрицанинг элементлари қуйидаги

$$\max_i \sum_{j=1}^{n} |b_{ij}| \le \mu < 1, \tag{5}$$

$$\max_j \sum_{i=1}^{n} |b_{ij}| \le \mu < 1, \tag{6}$$

$$\sum_{i,j=1}^{n} |b_{ij}|^2 \le \mu < 1, \tag{7}$$

тенгсизликларнинг бирортасини қаноатлантириши етарлидир.

Энди (2) ни (3) кўринишга келтириш хусусида тўхталиб ўтамиз.

а) Агар $a_{ii} \ne 0$ $\left(i = \overline{1,n}\right)$ бўлиб қуйидаги тенгсизликларнинг

$$\max_i \sum_{j=1,\, j\ne i}^{n} \left|\frac{a_{ij}}{a_{ii}}\right| < 1, \tag{8}$$

$$\max_j \sum_{i=1,\, i\ne j}^{n} \left|\frac{a_{ij}}{a_{ii}}\right| < 1, \tag{9}$$

$$\sum_{j=1}^{n} \frac{1}{|a_{jj}|^2} \sum_{i=1,\, i\ne j}^{n} |a_{ij}|^2 < 1 \tag{10}$$

бирортаси бажарилса, B матрица қуйидагича

$$B=\begin{bmatrix} 0 & -\frac{a_{12}}{a_{11}} & -\frac{a_{13}}{a_{11}} & \dots & -\frac{a_{1n}}{a_{11}} \\ -\frac{a_{21}}{a_{22}} & 0 & -\frac{a_{23}}{a_{22}} & \dots & -\frac{a_{2n}}{a_{22}} \\ \dots & \dots & \dots & \dots & \dots \\ -\frac{a_{n1}}{a_{nn}} & -\frac{a_{n2}}{a_{nn}} & -\frac{a_{n3}}{a_{nn}} & \dots & 0 \end{bmatrix}$$

бўлиб, мос равишда (5) — (7) тенгсизликлар B матрица учун бажарилади ва (4) оддий итерация жараёни яқинлашувчи бўлади.

б) A матрица учун (8) — (10) тенгсизликларнинг ҳеч қайсиси бажарилмаса, у ҳолда (2) тенгламалар системасида шундай чизиқли алмаштиришлар бажариш керакки, ҳосил бўлган янги тенгламалар системасининг коэффициентлари учун (8) — (10) тенгсизликларнинг бирортаси ўринли бўлиши керак.

6.3. Зейдель методи

Бу метод оддий итерация методидан шу билан фарқ қиладики, ҳисоблашлар қуйидаги схема асосида бажарилади:

$$x_1^{(k+1)}=\frac{b_1}{a_{11}}-\sum_{j=2}^{n}\frac{a_{1j}}{a_{11}}x_j^{(k)},$$

$$x_2^{(k+1)}=\frac{b_2}{a_{22}}-\frac{a_{21}}{a_{22}}x_1^{(k+1)}-\sum_{j=3}^{n}\frac{a_{2j}}{a_{22}}x_j^{(k)},$$

$$\dots\dots\dots\dots\dots\dots\dots\dots\dots\dots\dots\dots$$

$$x_n^{(k+1)}=\frac{b_n}{a_{nn}}-\sum_{j=1}^{n-1}\frac{a_{nj}}{a_{nn}}x_j^{(k+1)}.$$

Бу схемани матрица кўринишга келтириш учун $A=C+D$ деймиз, бу ерда

$$C=\begin{bmatrix} a_{11} & 0 & \dots & 0 & 0 \\ a_{21} & a_{22} & \dots & 0 & 0 \\ \dots & \dots & \dots & \dots & \dots \\ a_{n1} & a_{n2} & \dots & a_{nn-1} & a_{nn} \end{bmatrix}, \qquad D=\begin{bmatrix} 0 & a_{12} & \dots & a_{1n-1} & a_{1n} \\ 0 & 0 & \dots & a_{2n-1} & a_{2n} \\ \dots & \dots & \dots & \dots & \dots \\ 0 & 0 & \dots & 0 & 0 \end{bmatrix}.$$

У ҳолда $Ax=b$ системани $Cx=-Dx+b$ кўринишда ифодалаб оламиз.

Зейдель методи эса

$$Cx^{(k+1)}=-Dx^{(k)}+b$$

кўринишдаги итерациядан иборат. Бу тенгликни $x^{(k+1)}$ га нисбатан ечсак,

$$x^{(k+1)}=-C^{-1}Dx^{(k)}+C^{-1}b$$

ҳосил бўлади. Бу — матрицаси $-C^{-1}D$ бўлган оддий итерация методининг ўзгинаси. Теорема 1 га асосан буни яқинлашиши учун $-C^{-1}D$ матрицанинг барча хос сонлари модуллари бўйича бирдан кичик бўлиши зарур ва етарлидир. Бу ўз навбатида қуйидаги

$$\begin{vmatrix} a_{11}\lambda & a_{12} & a_{13} & \dots & a_{1n} \\ a_{21}\lambda & a_{22}\lambda & a_{23} & \dots & a_{2n} \\ \dots & \dots & \dots & \dots & \dots \\ a_{n1}\lambda & a_{n2}\lambda & a_{n3}\lambda & \dots & a_{nn}\lambda \end{vmatrix} = 0$$

тенгламанинг барча илдизлари модуллари бўйича бирдан кичик бўлиши зарур ва етарлигига эквивалентдир. Шуни кўрсатамиз, яъни

$$\det\left(\lambda E + C^{-1}D\right) = 0 \text{ ва } \det\left(\lambda C + D\right) = 0$$

тенгламалар бир хил илдизга эга:

$$\det\left(\lambda E + C^{-1}D\right) = \det(C^{-1}C\left(\lambda E + C^{-1}D\right)) = \det\left[C^{-1}\left(\lambda C + D\right)\right] = \det C^{-1} \det\left(\lambda C + D\right).$$

Бу ерда $\det C^{-1} \neq 0$, демак

$$\det\left(\lambda E + C^{-1}D\right) = \det\left(\lambda C + D\right).$$

Оддий итерация методи билан Зейдель методининг яқинлашиш соҳалари умуман фарқли деган хулосага келамиз. Ҳақиқатан ҳам, шундай системалар мавжудки, улар учун оддий итерация методи яқинлашади, аммо Зейдель методи узоқлашади ва аксинчаси ҳам ўринлидир.

Лекин, қуйидаги

$$\max_i \sum_{\substack{j=1 \\ j\neq i}}^{n} \left|\frac{a_{ij}}{a_{ii}}\right| < 1, \qquad \max_j \sum_{\substack{i=1 \\ i\neq j}}^{n} \left|\frac{a_{ij}}{a_{ii}}\right| < 1$$

шартларнинг бирортаси бажарилса, оддий итерация ҳам Зейдель методи ҳам яқинлашувчи бўлиб, бунда биринчи шарт ўринли бўлса, Зейдель методининг яқинлашиши оддий итерация методининг яқинлашидан секин бўлмайди.

VII. МАТРИЦАЛАРНИНГ ХОС СОН ВА ХОС ВЕКТОРЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ

Агар бирор нолдан фарқли x вектор учун

$$Ax = \lambda x$$

тенглик бажарилса, у ҳолда λ сон A квадрат матрицанинг хос сони дейилади. Бу тенгликни қаноатлантирадиган нолдан фарқли x вектор A матрицанинг λ хос сонига мос келадиган хос вектори дейилади.

$$D(\lambda)=\det(A-\lambda E)=\begin{vmatrix} a_{11}-\lambda & a_{12} & \cdots & a_{1n-1} & a_{1n} \\ a_{21} & a_{22}-\lambda & \cdots & a_{2n-1} & a_{2n} \\ \cdots & \cdots & \cdots & \cdots & \cdots \\ a_{n1} & a_{n2} & \cdots & a_{nn-1} & a_{nn}-\lambda \end{vmatrix}=0 \qquad (1)$$

тенглама A матрицанинг характеристик тенгламаси дейилади.

$$\det(A-\lambda E)=(-1)^n(\lambda^n-p_1\lambda^{n-1}-...-p_n) \qquad (2)$$

A матрицанинг хос ёки характеристик кўпҳади дейилади.

7.1. Крилов методи

Ихтиёрий нолдан фарқли $y^{(0)}$ вектор оламиз ва $y^{(k)}=A^k y^{(0)}$, $k=\overline{0,n}$ векторларни хосил қиламиз.

Кели – Гамильтон муносабатини ёзамиз:

$$A^n y^{(0)}-p_1A^{n-1}y^{(0)}-...-p_ny^{(0)}=0$$

ёки

$$p_1y^{(n-1)}+p_2y^{(n-2)}+...+p_ny^{(0)}=y^{(n)}$$

вектор тенглама ҳосил қилинади. Буни очиб ёзайлик

$$\left.\begin{array}{l} p_1y_1^{(n-1)}+p_2y_1^{(n-2)}+...+p_ny_1^{(0)}=y_1^{(n)} \\ p_1y_2^{(n-1)}+p_2y_2^{(n-2)}+...+p_ny_2^{(0)}=y_2^{(n)} \\ - \quad - \quad - \quad - \quad - \quad - \\ p_1y_n^{(n-1)}+p_2y_n^{(n-2)}+...+p_ny_n^{(0)}=y_n^{(n)} \end{array}\right\} \qquad (3)$$

(3) тенгламалар системасини мисол учун Гаусс методи билан ечамиз ва $p_1,p_2,...,p_n$ ларни топамиз, натижада (2) хос кўпҳад қурилган бўлади, сўнг

$$D(\lambda)=0$$

тенгламани ечиб $\lambda_1,\lambda_2,...,\lambda_n$ лар топилади.

Энди хос векторларни топамиз.

$y^{(k)}$, $k=\overline{0,n-1}$ ларни $x^{(i)}$, $i=\overline{1,n}$ векторлар орқали ёйиб оламиз

$$y^{(k)}=\sum_{i=1}^{n}c_i\cdot A^kx^{(i)}=\sum_{i=1}^{n}c_i\cdot\lambda_i^kx^{(i)}, \quad k=\overline{0,n-1}.$$

Қуйидаги кўпҳадни тузамиз

$$\varphi_i(\lambda)=\lambda^{n-1}+q_{1,i}\lambda^{n-2}+...+q_{n-1,i}, \quad i=\overline{1,n}.$$

$y^{(k)}$, $k=\overline{0,n-1}$ векторларнинг қуйидаги комбинациясини тузамиз

$$y^{(n-1)}+q_{1i}y^{(n-2)}+\ldots+q_{n-1i}y^{(0)}=c_1\varphi_i(\lambda_1)x^{(1)}+c_2\varphi_i(\lambda_2)x^{(2)}+\ldots+c_n\varphi_i(\lambda_n)x^{(n)}. \quad (5)$$

Агар $\varphi_i(\lambda)=\dfrac{D(\lambda)}{\lambda-\lambda_i}$ $\quad i=\overline{1,n}$ десак, $\varphi_i(\lambda_j)=0,\ i\neq j$ бўлганлиги учун

$$C_i\varphi_i(\lambda_i)x^{(i)}=y^{(n-1)}+q_{1,i}y^{(n-2)}+\ldots+q_{n-1,i}y^{(0)} \qquad i=\overline{1,n}$$

бўлади. $q_{j,i}$ коэффициентлар эса

$$q_{0i}=1,$$
$$q_{ji}=\lambda_i q_{j-1,i}+p_j$$

рекуррент формула ёрдамида топилади.

Агар (3) тенгламалар системасини ечишда Гаусс усулини тўғри йўлини m та қадами бажарилса, у ҳолда $y^{(0)},y^{(1)}\ldots y^{(m-1)}$ векторлар чизиқли эрклидир. Шунинг учун (3) тенгламалар ўрнига қуйидаги

$$\left.\begin{array}{l} p_1y_1^{(m-1)}+p_2y_1^{(m-2)}+\ldots+p_my_1^{(0)}=y_1^{(m)} \\ \ldots \quad \ldots \quad \ldots \quad \ldots \quad \ldots \\ p_1y_n^{(m-1)}+p_2y_n^{(m-2)}+\ldots+p_my_n^{(0)}=y_n^{(m)} \end{array}\right\}$$

тенгламалар системасини ечиб $p_1,p_2,\ldots,p_m$ лар топилади ва $\lambda^m-p_1\lambda^{m-1}-\ldots-p_m=0$ тенгламадан $\lambda_1,\lambda_2,\ldots,\lambda_m$ ларни топамиз.

$\lambda^m-p_1\lambda^{m-1}-\ldots-p_m$ кўпҳад A матрицанинг минимал кўпҳади дейилади.

Хос вектор эса қуйидагича топилади

$$x^{(i)}=\beta_{i1}y^{(0)}+\ldots+\beta_{im}y^{(m-1)},$$

бу ерда

$$\beta_{im}=1$$
$$\beta_{im-1}=\lambda_i-p_1$$
$$\beta_{im-2}=\lambda_i^2-p_1\lambda_i-p_2$$
$$\ldots \quad \ldots \quad \ldots \quad \ldots$$
$$\beta_{i1}=\lambda_i^{m-1}-p_1\lambda_i^{m-2}-\ldots-p_{m-1}$$

7.3. Модули бўйича энг катта хос сонни ва унга мос хос векторни топиш

1–ҳол. $|\lambda_1|>|\lambda_2|\geq\ldots\geq|\lambda_n|$ бўлсин.

$$\lambda_1\approx\frac{y_i^{(k+1)}}{y_i^{(k)}}, \qquad i=\overline{1,n}, \quad (1)$$

бу ерда $y^{(k)}=A^ky^{(0)}$, $\quad y^{(0)}\neq(0,0,\cdots,0)^1$, $\quad y^{(k)}=(y_i^{(k)},\cdots,y_n^{(k)})^1$

$$y^{(k)}=A^ky^{(o)}=\sum_{j=1}^n b_jA^kx^{(j)}=\sum_{j=1}^n b_j\lambda_j^kx^{(j)};$$

Агар (1) тақрибий тенглик барча $i=\overline{1,n}$ учун берилган аниқликда бажарилса, λ_1 нинг қиймати топилган бўлади.

Хос векторини $y^{(k)} \approx b_1 \lambda_1^k x^{(1)}$ деб олиш мумкин, чунки $y^{(k)}$ $x^{(1)}$ дан сонли кўпайтувчи билан фарқ қилади.

2–ҳол. $\lambda_1 = \lambda_2 = \cdots = \lambda_s$ бўлсин

$$|\lambda_1| > |\lambda_{s+1}| \geq \cdots \geq |\lambda_n|$$

$$\lambda_1 \cong \frac{y_i^{(k+1)}}{y_i^{(k)}}, \qquad i=\overline{1,n}$$

Хос вектор $x^{(1)}$ 1–ҳолдагидек топилади.

3–ҳол.

$$\lambda_1 = \cdots = \lambda_r = -\lambda_{r+1} = \cdots = -\lambda_{r+p}$$

$$|\lambda_1| = \cdots |\lambda_{r+p}| > |\lambda_{r+p+1}| \geq \cdots \geq |\lambda_n|$$

$$\lambda_1^2 \cong \frac{y_i^{(2k+2)}}{y_i^{(2k)}}, \qquad i=1,n$$

$$\lambda_1^2 \cong \frac{y_i^{(2k+1)}}{y_i^{(2k-1)}}, \qquad i=1,n$$

тақрибий тенгликлардан λ_1, $-\lambda_1$ топилади. $\frac{y_i^{(k+1)}}{y_i^{(k)}}$ нисбат эса $k \to \infty$ да лимитга эга бўлмайди. λ_1 га мос келган хос вектор сифатида $y^{(k+1)} + \lambda_1 y^{(k)}$ ни оламиз. Агар r ва p ёки буларнинг бирортаси бирдан катта бўлса, у ҳолда бошқа дастлабки вектор танлаб жараённи бажариш керак.

7. Масалалар ва машқлар тўплами

I. КИРИШ

1. Сонли усулларни ўрганишга киришиш

1-мисол. Усул хатолиги. Ушбу мисолда $t := 0.1, 0.2..3$ дискрет нуқталарда $f(t) := \sin(t)$ функция қийматини ҳисоблаб берувчи тақрибий усулнинг хатолиги ҳисобланади. Усул аниқлигини баҳоловчи параметр сифатида $n := 1$ оламиз. Функция қийматини ҳисоблайдиган тақрибий усул сифатида эса қуйидаги қаторни оламиз:

$$Z(t) := \sum_{k=1}^{n} (-1)^{k-1} \cdot \frac{t^{2k-1}}{(2\cdot k-1)!}.$$



1-расм. Аниқ қиймат ва тақрибий усул ёрдамида топилган қийматнинг солиштириш графиги.

2-мисол. Алгоритмларни солиштириш. Ушбу мисолда $t := 0, 0.1..1$ дискрет нуқталарда $f(t) := \sin(t)$ функция қийматларини ҳисоблаб берадиган иккита алгоритм аниқлиги солиштирилади. Ушбу функция тақрибий қийматини ҳисоблайдиган A-алгоритм сифатида $ya(t) := t - \frac{t^3}{3!}$ ва B-алгоритм сифатида $yb(t) := t - \frac{t^3}{3!} + \frac{t^5}{5!}$ формулаларни оламиз.



2 расм. A-алгоритм ва B-алгоритм бўйича ҳисобланган функция қийматларини солиштириш графиги.

<u>3-мисол. Турғун бўлмаган усул.</u> Ушбу мисолда $x := 25 \cdot \pi$ нуқтада $y(x) := \sin(x)$ функция қийматини турғун бўлмаган тақрибий усул ёрдамида ҳисоблаганда усул хатолиги жуда катта бўлишини кузатамиз. Тақрибий усул сифатида $ya(x) := x - \frac{x^3}{3!} + \frac{x^5}{5!} - \frac{x^7}{7!}$ формулани оламиз. У ҳолда усул хатолиги $\Delta(x) := y(x) - ya(x)$ формула ёрдамида ҳисобланиб, унинг қиймати $\Delta(x) = 3.633 \cdot 10^9$ тенг бўлади.

<u>4-мисол. Турғун ва турғун бўлмаган усуллар.</u> Бу мисолда $x := 0,0.1..1$ дискрет нуқталарда $y(x) := \ln(1+x)$ функция қийматлари турғун усул ёрдамида ҳисобланади. Ушбу усулнинг ўзи $z := 1,1.1..5$ тугун нуқталарда турғун бўлмаслигининг гувоҳи бўламиз. Усул аниқлигини характерловчи параметр сифатида $N := 50$ оламиз. Функция кийматларини ҳисобловчи турғун усул сифатида $yA(x) := \sum_{k=1}^{N} (-1)^{k+1} \cdot \frac{x^k}{k}$ формулани оламиз.



3-расм. Турғун усул.



4-расм. Турғун бўлмаган усул.

II. АЛГЕБРАНИНГ СОНЛИ УСУЛЛАРИ

2. Чизиқли алгебраик тенгламалар системасини ечишнинг тўғри усуллари

<u>Гаусс усули (умумий ҳол).</u> Гаусс усулининг асосий ғояси

$$A \cdot x = f \tag{1}$$

системани эквивалент алмаштиришлар билан тўғри тўртбурчакли системадан учбурчакли системага олиб келишдан иборат.

<u>Гаусс усулининг тўғри йўли</u>.

(1) - системани қуйидаги кўринишда ёзамиз:

$$\begin{aligned} a_{11} \cdot x_1 + a_{12} \cdot x_2 + \ldots + a_{1n} \cdot x_n &= f_1 \\ a_{21} \cdot x_1 + a_{22} \cdot x_2 + \ldots + a_{2n} \cdot x_n &= f_2 \\ \ldots \ldots \ldots \ldots \ldots & \ldots \ldots \ldots \ldots \\ a_{n1} \cdot x_1 + a_{n2} \cdot x_2 + \ldots + a_{nn} \cdot x_n &= f_n \end{aligned} \tag{2}$$

$a_{11} \neq 0$ деб фараз қиламиз, акс ҳолда тенгламаларнинг ўрнини алмаштириш ва қайта белгилаш билан системани шу кўринишга келтирамиз.

Биринчи тенгламани a_{11} га бўлиб,

$$x_1 + c_{12} \cdot x_2 + \ldots + c_{1n} \cdot x_n = y_1 \tag{3}$$

тенгламани ҳосил қиламиз, бу ерда

$$c_{1j} = \frac{a_{ij}}{a_{11}},\ j = 2,\ldots,n,\ y_1 = \frac{f_1}{a_{11}}$$

Энди (2) системанинг қолган тенгламаларини қараймиз

$$a_{i1} \cdot x_1 + a_{i2} \cdot x_2 + \ldots + a_{in} \cdot x_n = f_i,\ i = 2,3,\ldots,n \tag{4}$$

(3) тенгликни a_{i1} - га кўпайтириб, (4) системанинг i-тенгламасидан айирамиз, $i = 2,3,\ldots,n$. Натижада

$$\begin{array}{c} x_1 + c_{12} \cdot x_2 + \ldots + c_{1j} \cdot x_j + \ldots + c_{1n} \cdot x_n = y_1 \\ a_{22}^{(1)} \cdot x_2 + \ldots + a_{2j}^{(1)} \cdot x_j + \ldots + a_{2n}^{(1)} \cdot x_n = f_2^{(1)} \\ \ldots \ldots \ldots \ldots \ldots \ldots \ldots \ldots \ldots \ldots \ldots \ldots \\ a_{n2}^{(1)} \cdot x_2 + \ldots + a_{nj}^{(1)} \cdot x_j + \ldots + a_{nn}^{(1)} \cdot x_n = f_n^{(1)} \end{array} \tag{5}$$

тенгламалар системасини ҳосил қиламиз. Бу ерда

$$a_{ij}^{(1)} = a_{ij} - c_{1j} \cdot a_{i1},\ f_i^{(1)} = f_i - y_1 \cdot a_{i1},\ i, j = 2,3,\ldots,n \tag{6}$$

(5)- тенгламалар системасининг матрицаси

$$\begin{bmatrix} 1 & c_{12} & \ldots & c_{1n} \\ 0 & a_{22}^{(1)} & \ldots & a_{2n}^{(1)} \\ \ldots & \ldots & \ldots & \ldots \\ 0 & a_{n2}^{(1)} & \ldots & a_{nn}^{(1)} \end{bmatrix}$$

кўринишга эга. Бундай кўринишдаги матрицани

$$\begin{bmatrix} 1 & \times & \ldots & \times \\ 0 & \times & \ldots & \times \\ \ldots & \ldots & \ldots & \ldots \\ 0 & \times & \ldots & \times \end{bmatrix}$$

каби белгилаш қабул қилинган. Бу ерда "×" белги билан ноль бўлмаган элементлар белгиланган. (5) системадаги x_1 номаълум фақат (1) тенгламада иштирок этиб, бошқа тенгламалардан йўқотилган.

Шундай қилиб, Гаусс усулининг биринчи қадами амалга оширилди.

Бундан сўнг

$$\begin{array}{c} a_{22}^{(1)} \cdot x_2 + \ldots + a_{2j}^{(1)} \cdot x_j + \ldots + a_{2n}^{(1)} \cdot x_n = f_2^{(1)}, \\ \ldots \ldots \ldots \ldots \ldots \ldots \ldots \ldots \ldots \ldots \ldots \\ a_{n2}^{(1)} \cdot x_2 + \ldots + a_{nj}^{(1)} \cdot x_j + \ldots + a_{nn}^{(1)} \cdot x_n = f_2^{(1)} \end{array} \tag{7}$$

тенгламалар системаси билан ишлаймиз.

Агар $a_{22}^{(1)} \neq 0$ бўлса, у ҳолда (7) системадан худди биринчи қадамдагидек, x_2 ни йўқотиб, (2) системага эквивалент бўлган, матрицаси

$$\begin{bmatrix} 1 & \times & \times & \dots & \times \\ 0 & 1 & \times & \dots & \times \\ 0 & 0 & \times & \dots & \times \\ \dots & \dots & \dots & \dots & \dots \\ 0 & 0 & \times & \dots & \times \end{bmatrix}$$

кўринишдаги системага келамиз. Бунда (5) системанинг биринчи тенгламаси ўзгаришсиз қолади. Худди шундай $x_3, x_4, \dots, x_n$ ўзгарувчиларни йўқотиб, (2) системага эквивалент бўлган

$$\begin{gathered} x_1 + c_{12} \cdot x_2 + \dots + c_{1n} \cdot x_n = y_1, \\ x_2 + \dots + c_{2n} \cdot x_n = y_2, \\ \dots\dots\dots\dots\dots\dots\dots \\ x_{n-1} + c_{n-1} \cdot x_n = y_{n-1}, \\ x_n = y_n \end{gathered} \tag{8}$$

системага эга бўламиз.

Бу система матрицаси

$$C = \begin{bmatrix} 1 & c_{12} & \dots & c_{1n-1} & c_{1n} \\ 0 & 1 & \dots & c_{2n-1} & c_{2n} \\ \dots & \dots & \dots & \dots & \dots \\ 0 & 0 & \dots & 1 & c_{n-1n} \\ 0 & 0 & \dots & 0 & 1 \end{bmatrix} \tag{9}$$

бош диагоналидан пастдаги барча элементлари нолдан иборат. Бундай матрицаларни юқори учбурчакли матрица деб айтиш қабул қилинган.

Гаусс усулининг тескари йўли $x_1, x_2, \dots, x_n$ номаълумларни (8) тенгламалар системасидан кетма-кет топишдан иборат. (8) система матрицаси учбурчакли бўлганлиги учун x_n дан бошлаб кетма-кет $x_{n-1}, x_{n-2}, \dots, x_1$ номаълумларни топиш мумкин.

Ҳақиқатан ҳам, $x_n = y_n, x_{n-1} = y_{n-1} - c_{n-1n} \cdot y_n$ ва ҳоказо. Тескари йўлнинг умумий формулалари

$$\begin{gathered} x_n = y_n, \\ x_i = y_i - \sum_{j=i+1}^{n} c_{ij} \cdot x_j, \quad i = n-1, n-2, \dots, 1 \ . \end{gathered} \tag{10}$$

1-мисол. Гаусс усули. $Ax = f$ чизиқли алгебраик тенгламалар системасини ечиш талаб қилинган бўлсин. Бу ерда A n-ўлчовли квадрат матрица; f n-ўлчовли берилган вектор; x - топилиши лозим бўлган n - ўлчовли номаълум вектор. Ечимни $\varepsilon := 10^{-2}$ аниқлик билан топиш талаб қилинган бўлсин. Соддалик учун A матрица ва f вектор сифатида

$$A := \begin{pmatrix} 6 & 1 & -3 \\ -2 & 8 & -4 \\ 1 & -6 & 10 \end{pmatrix}, \ f := \begin{pmatrix} 4 \\ 2 \\ 5 \end{pmatrix}, \ m := rows(A)$$

оламиз. Бу ерда $rows(A)$ - A матрицанинг қаторлар сонини ҳисоблаб берувчи Mathcad тизимининг ички қурилган функцияси. Гаусс усулини қўллашни бошлаймиз. Шу мақсадда A матрица ва f - вектор биринчи қаторини A матрицанинг биринчи қаторидаги биринчи элементига бўламиз. Бунда ушбу элемент нолдан фарқли деб фараз қиламиз.

$$A1 := \frac{submatrix(A,1,1,1,3)}{A_{1,1}}, \quad A1 = \begin{pmatrix} 1 & 0.167 & -0.5 \end{pmatrix},$$

$$y_1 := \frac{f_1}{A_{1,1}}, \quad y_1 = 0.667 .$$

Бу ерда $submatrix(A,ir,jr,ic,jc)$ - A матрицанинг ir қаторидан jr қаторигача ва ic устунидан jc устунигача бўлган элементларидан иборат матрицани қайтарадиган Mathcad тизимининг ички қурилган функцияси.

A матрицанинг биринчи сатр элементларини ва y_1 ни A матрицанинг иккинчи сатрдаги биринчи элементига кўпайтирамиз, сўнг мос равишда A матрица ва f - векторнинг иккинчи қаторидан айирамиз:

$$A2 := submatrix(A,2,2,1,3) - A1 \cdot A_{2,1}, \quad A2 = \begin{pmatrix} 0 & 8.333 & -5 \end{pmatrix}$$

$$f_2 := f_2 - A_{2,1} \cdot y_1, \quad f_2 = 3.333$$

A матрицанинг биринчи сатр элементларини ва y_1-ни A матрицанинг учинчи сатрдаги биринчи элементига кўпайтирамиз, сўнг мос равишда A матрица ва f - векторнинг иккинчи қаторидан айирамиз.

$$A3 := submatrix(A,3,3,1,3) - A1 \cdot A_{3,1}, \quad A3 = \begin{pmatrix} 0 & -6.167 & 10.5 \end{pmatrix}$$

$$f_3 := f_3 - A_{3,1} \cdot y_1, \quad f_3 = 5 .$$

Ушбу амалларни бажаришдан сўнг A матрица

$$AH := stack(A1, A2), \quad AH = \begin{pmatrix} 1 & 0.167 & -0.5 \\ 0 & 8.333 & -5 \end{pmatrix},$$

$$\overline{A} := stack(AH, A3), \quad \overline{A} := \begin{pmatrix} 1 & 0.167 & -0.5 \\ 0 & 8.333 & -5 \\ 0 & -6.167 & 10.5 \end{pmatrix}.$$

кўринишни қабул қилади. Бу ерда $stack(A,B)$ - A ни B тепасига жойлаштириб, ҳосил бўладиган массивни қайтарадиган Mathcad тизимининг ички қурилган функцияси. $A1$ - матрицани хотирага $C1$ - ном билан ёзиб қўямиз: $C1 := A1$. $\overline{A}$ матрица ва f - вектор иккинчи қаторини $\overline{A}$ матрицанинг иккинчи қаторидаги иккинчи элементига бўламиз.

$$A2 := \frac{A2}{A_{2,2}}, \quad A2 = \begin{pmatrix} 0 & 1 & -0.6 \end{pmatrix},$$

$$y_2 := \frac{f_2}{A_{2,2}}, \quad y_2 = 0.4\,.$$

$\bar{A}$ матрицанинг иккинчи қатори ва y_2-ни $\bar{A}$ матрицанинг учинчи қаторидаги иккинчи элементига кўпайтирамиз, сўнг мос равишда $\bar{A}$ матрица ва f - векторнинг учинчи қаторидан айирамиз:

$$A3 := A3 - A2 \cdot A_{3,2}, \quad A3 = \begin{pmatrix} 0 & 0 & 6.8 \end{pmatrix}$$

$$f_3 := f_3 - A_{3,2} \cdot y_2, \quad f_3 = 6.8\,,$$

$$C2 := A2, \quad C := stack(C1, C2).$$

Ушбу амалларни бажаришдан сўнг $\bar{A}$ матрица

$$\bar{A} := stack(A1, stack(A2, A3)), \quad \bar{A} := \begin{pmatrix} 1 & 0.167 & -0.5 \\ 0 & 1 & -0.6 \\ 0 & 0 & 6.8 \end{pmatrix}$$

кўринишни қабул қилади. Шундай қилиб кетма-кет алмаштиришлар ёрдамида А - матрица учбурчакли кўринишга (диагоналдан пастда жойлашган барча элементларноллардан иборат) келтирилди. Ушбу жараён Гаусс усулининг тўғри йўли дейилади. Гаусс усулидаги тескари йўли ёрдамида илдизларни топамиз:

$$x_3 := \frac{f_3}{A_{3,3}},$$

$$x_2 := y_2 - C_{2,3} \cdot x_3,$$

$$x_1 := y_1 - C_{1,2} \cdot x_2 - C_{1,3} \cdot x_3\,.$$

Илдизлар $x_1 = 1, \quad x_2 = 1, \quad x_3 = 1$ дан иборат бўлади. Ушбу илдизлар дастлабки тенгламалар системасининг ҳақиқий илдизлари эканлигини бевосита ўрнига қўйиш усули билан текширамиз.

$$r := AM \cdot x - fM\,, \quad r = \begin{pmatrix} 0 \\ -1.332 \cdot 10^{-15} \\ 0 \end{pmatrix}, \quad |r| = 1.332 \cdot 10^{-15}.$$

Бу ерда r - хатолик вектори бўлиб, унинг нормаси берилган аниқликдан кичиклиги кўриниб турибти. Демак, масала тўла ҳал қилинди.

Ушбу мисолда Гаусс усулини қўллаш учун

$$\frac{m \cdot (m^2 + 3 \cdot m - 1)}{3} = 17$$

бўлиш ва кўпайтириш амалини бажариш лозим. A матрицанинг шартланганлик сони эса

$$conde(A) = 10.036$$

га тенг бўлади.

2-мисол. Гаусс усули. $Ax = f$ чизиқли алгебраик тенгламалар системасини ечиш талаб қилинган бўлсин. Бу ерда $A - n$ ўлчовли квадрат матрица; $f - n$ ўлчовли берилган вектор; x - топилиши лозим бўлган n - ўлчовли номаълум вектор. Ечимни $\varepsilon := 10^{-3}$ аниқлик билан топиш талаб қилинган бўлсин. Масалан, A матрица ва f вектор сифатида

$$A := \begin{pmatrix} 1 & 10 & 9 & 13 \\ 2 & 6 & 44 & 14 \\ 3 & 177 & 16 & 15 \\ 4 & 8 & 12 & 26 \end{pmatrix}, \quad f := \begin{pmatrix} 33 \\ 32 \\ 41 \\ 50 \end{pmatrix}$$

оламиз.

А - матрицадаги қаторлар сонини Mathcad системасидаги ички қурилган $m := rows(A)$ функциясидан фойдаланиб ҳисоблаймиз. Бизнинг мисолимиз учун $m = 4$ бўлади. Mathcad системасида $Ax = f$ кўринишидаги чизиқли алгебраик тенгламалар системасини Гаусс усули ёрдамида ечиб, x - номаълум вектор қийматини қайтарувчи $Gauss(A, f)$ функциясини тузамиз:

$$\mathrm{Gauss}(A, f) := \left|\begin{array}{l}
\text{for } k \in 1..m-1 \\
\quad \left|\begin{array}{l}
\text{for } j \in k+1..m \\
\quad \left|\begin{array}{l}
c_{k,j} \leftarrow \dfrac{(A_k)_{k,j}}{(A_k)_{k,k}} \\
\text{for } i \in k+1..m \\
\quad \left|\begin{array}{l}
A1_{i,j} \leftarrow (A_k)_{i,j} - (A_k)_{i,k}\, c_{k,j} \\
y_k \leftarrow \dfrac{(f_k)_k}{(A_k)_{k,k}} \\
f1_i \leftarrow (f_k)_i - (A_k)_{i,k} \cdot y_k
\end{array}\right.
\end{array}\right. \\
A_{k+1} \leftarrow A1 \\
f_{k+1} \leftarrow f1
\end{array}\right. \\
x_m \leftarrow \dfrac{(f_m)_m}{(A_m)_{m,m}} \\
\text{for } i \in m-1..1 \\
\quad x_i \leftarrow y_i - \displaystyle\sum_{j=i+1}^{m} c_{i,j} \cdot x_j \\
x
\end{array}\right.$$

Ушбу функция ёрдамида юқорида келтирилган чизиқли алгебраик тенгламалар системасини ечиб, $x := Gauss(A, f)$ номаълумларни аниқлаймиз. Қаралаётган мисол учун

$$x := \begin{pmatrix} -7.132 \\ 0.094 \\ 0.102 \\ 2.944 \end{pmatrix}$$

бўлади. Энди ушбу топилган ечимни Mathcad системаси ички функцияси ёрдамида топилган ечим билан солиштирамиз:

$$y := (A_1)^{-1} \cdot f_1, \quad y := \begin{pmatrix} -7.132 \\ 0.094 \\ 0.102 \\ 2.944 \end{pmatrix}, \quad x - y := \begin{pmatrix} 3.553 \cdot 10^{-15} \\ 0 \\ 0 \\ 0 \end{pmatrix}.$$

$$x_1 = -7.132, \quad x_2 = 0.094, \quad x_3 = 0.102, \; x_4 = 2.944.$$

Ушбу мисолда Гаусс усулини қўллаш учун

$$\frac{m \cdot (m^2 + 3 \cdot m - 1)}{3} = 36$$

бўлиш ва кўпайтириш амалини бажариш лозим. A матрицанинг шартланганлик сони:

$$conde(A_1) = 205.393$$

га тенг бўлади.

МИСОЛЛАР:

Гаусс усулидан фойдаланиб, қуйидаги чизиқли тенгламалар системасини $\varepsilon = 0.5 \cdot 10^{-4}$ аниқлик билан ҳисобланг:

№1. $A = \begin{pmatrix} 1.1161 & 0.1254 & 0.1397 & 0.1490 \\ 0.1582 & 1.1675 & 0.1768 & 0.1871 \\ 0.1968 & 0.2071 & 1.2168 & 0.2271 \\ 0.2368 & 0.2471 & 0.2568 & 1.2671 \end{pmatrix}, \; b = \begin{pmatrix} 1.5471 \\ 1.6471 \\ 1.7471 \\ 1.8471 \end{pmatrix}.$

№2. $A = \begin{pmatrix} 7.9 & 5.6 & 5.7 & -7.2 \\ 8.5 & -4.8 & 0.8 & 3.5 \\ 4.3 & 4.2 & -3.2 & 9.3 \\ 3.2 & -1.4 & -8.9 & 3.3 \end{pmatrix}, \; b = \begin{pmatrix} 6.68 \\ 9.95 \\ 8.6 \\ 1 \end{pmatrix}$. №3. $A = \begin{pmatrix} 4 & 3 & 2 & 1 \\ 3 & 6 & 4 & 2 \\ 2 & 4 & 6 & 3 \\ 1 & 2 & 3 & 4 \end{pmatrix}, \; b = \begin{pmatrix} 3 \\ 6 \\ 4 \\ 7 \end{pmatrix}$

№4. $A = \begin{pmatrix} 0.14 & 0.24 & -0.84 \\ 1.07 & -0.83 & 0.56 \\ 0.64 & 0.43 & -0.38 \end{pmatrix}, \; b = \begin{pmatrix} 1.11 \\ 0.48 \\ -0.83 \end{pmatrix}$. №5. $A = \begin{pmatrix} 6 & -1 & -1 \\ -1 & 6 & -1 \\ -1 & -1 & 6 \end{pmatrix}, \; b = \begin{pmatrix} 11.33 \\ 32 \\ 42 \end{pmatrix}.$

№6. $A = \begin{pmatrix} 2.74 & -1.18 & 3.17 \\ 1.12 & 0.83 & -2.16 \\ 0.81 & 1.27 & 0.76 \end{pmatrix}, \; b = \begin{pmatrix} 2.18 \\ -1.15 \\ 3.23 \end{pmatrix}.$

Қуйидаги ЧАТС ларни ε аниқликда ечинг:

$$№7.\quad A=\begin{pmatrix} a_1 & a_2 & a_3 & \dots & a_n \\ -x_1 & x_2 & 0 & \dots & 0 \\ 0 & -x_2 & x_3 & \dots & 0 \\ \dots & \dots & \dots & \dots & \dots \\ 0 & 0 & 0 & \dots & x_n \end{pmatrix},\ b_n=\begin{pmatrix} n \\ 1 \\ 1 \\ \dots \\ 1 \end{pmatrix},\ a_k=\left(1+\frac{1}{k}\right),\ x_k=2-\frac{1}{k}$$

бу ерда $\varepsilon=0.5\cdot10^{-3}, n=1000, 1001, 1002, ..., 1010$.

$$№8.\quad A_n=\begin{pmatrix} 1 & 0 & 0 & 0 & \dots & 0 & 1 \\ 1 & a_1 & 0 & 0 & \dots & 0 & 0 \\ 1 & 1 & a_2 & 0 & \dots & 0 & 0 \\ 1 & 0 & 1 & a_3 & \dots & 0 & 0 \\ \dots & \dots & \dots & \dots & \dots & \dots & \dots \\ 1 & 0 & 0 & 0 & \dots & 1 & a_{n-1} \end{pmatrix},\ b_n=\begin{pmatrix} \sin\left(\frac{\pi}{n}\right) \\ \sin\left(\frac{\pi}{n-1}\right) \\ \dots \\ \sin\left(\frac{\pi}{1}\right) \end{pmatrix},\ a_n=1+n\cdot0.01$$

бу ерда $\varepsilon=0.5\cdot10^{-5}, n=100,101,102,...,120$.

$$№9.\quad A_n=\begin{pmatrix} 0 & 1 & 1 & 1 & \dots & 1 & 1 \\ x_1 & a_1 & 0 & 0 & \dots & 0 & 0 \\ x_2 & x_2 & a_2 & 0 & \dots & 0 & 0 \\ x_3 & x_3 & x_3 & a_3 & \dots & 0 & 0 \\ \dots & \dots & \dots & \dots & \dots & \dots & \dots \\ x_n & x_n & x_n & x_n & \dots & x_n & a_n \end{pmatrix},\ b_n=\begin{pmatrix} 1 \\ 1 \\ 1 \\ 1 \\ \vdots \\ 1 \end{pmatrix},\ a_k=k,\ x_k=\frac{1}{k}$$

бу ерда $\varepsilon=0.5\cdot10^{-5}, n=100,101,102,...,110$.

$$№10.\quad A=\begin{pmatrix} x_1 & a_2 & \dots & a_n \\ a_1 & x_2 & \dots & a_n \\ \dots & \dots & \dots & \dots \\ a_1 & a_2 & \dots & x_n \end{pmatrix},\ b=\begin{pmatrix} 1 \\ \frac{1}{2} \\ \vdots \\ \frac{1}{n} \end{pmatrix},\ a_k=(-1)^k\cdot k,\ x_k=\frac{1}{k}$$

бу ерда $\varepsilon=0.5\cdot10^{-7}, n=10,11,12,...,20$.

$$№11.\quad A=\begin{pmatrix} 8.64-\alpha & 1.71 & 5.42 \\ -6.39 & 4.25 & 1.84+\alpha \\ 4.21 & 7.92-\alpha & -3.41 \end{pmatrix},\ b=\begin{pmatrix} 10.21-\beta \\ 3.41+\beta \\ 12.29 \end{pmatrix},$$

$\alpha=0.5\cdot k, k=0,1,...,4,\ \beta=0.2\cdot k, k=0,1,...,5$, бу ерда $\varepsilon=10^{-5}$.

№12. $A=\begin{pmatrix} 8.30 & 2.62+\alpha & 4.10 & 1.90 \\ 3.91 & 8.45 & 7.78-\alpha & 2.46 \\ 3.77 & 7.21+\alpha & 8.04 & 2.28 \\ 2.21 & 3.65-\alpha & 1.69 & 6.99 \end{pmatrix}$, $b=\begin{pmatrix} -10.65+\beta \\ 12.21 \\ 15.45-\beta \\ -8.35 \end{pmatrix}$,

$\alpha = 0.2\cdot k, k=0,1,...,4,\ \beta = 0.2\cdot k, k = 0,1,...,5$ бу ерда $\varepsilon = 10^{-5}$.

№13. $A=\begin{pmatrix} 3 & -2 & 5.3 & -2.1 & 1 \\ 1 & 4 & -6 & 4.5 & -6 \\ 3 & 6 & -7.3 & -9 & 3.4 \\ -2 & -3 & 1 & -4 & 6 \\ 1 & -4 & 6.5 & 1 & -3 \end{pmatrix}$, $b_n=\begin{pmatrix} 28.3 \\ -36.2 \\ 24.5 \\ 16.2 \\ 4.3 \end{pmatrix}$ бу ерда $\varepsilon = 10^{-5}$.

№14. $A=\begin{pmatrix} 2 & 1 & -2.1 & 1 \\ 0.4 & 0.5 & 4 & -8.5 \\ 0.3 & -1 & 1 & 5.2 \\ 1 & 0.2 & 2.5 & -1 \end{pmatrix}$, $b=\begin{pmatrix} 2.7 \\ 21.9 \\ -3.9 \\ 9.9 \end{pmatrix}$ бу ерда $\varepsilon = 10^{-5}$.

№15. $A=\begin{pmatrix} 3.24 & -2.18 & 5.09 & -2.37 & 1.21 \\ 0.73 & 3.85 & -6.23 & 4.8 & -5.93 \\ 2.88 & 5.73 & -7.02 & -9.17 & 3.58 \\ 2.1 & 3.02 & -0.78 & 3.85 & -6 \\ 1.2 & -4.13 & 6.48 & 0 & -3.24 \end{pmatrix}$, $b_n=\begin{pmatrix} 28.38 \\ -36 \\ 24.48 \\ -16.23 \\ 4.34 \end{pmatrix}$ бу ерда $\varepsilon = 10^{-5}$.

№16. $A=\begin{pmatrix} 4.21 & 22.42+\alpha & 3.85 \\ 2.31 & 31.49 & 1.52 \\ 3.49 & 4.85 & 28.72+\alpha \end{pmatrix}$, $b=\begin{pmatrix} 30.24 \\ 40.95-\beta \\ 42.81 \end{pmatrix}$, $\alpha = 0.25\cdot k, k=0,1,...,4,$

$\beta = 0.35\cdot k. k = 0,1,....5$ бу ерда $\varepsilon = 10^{-5}$.

№17. $A=\begin{pmatrix} 3.81 & 0.25 & 1.28 & 0.75+\alpha \\ 2.25 & 1.32 & 4.58+\alpha & 0.49 \\ 5.31 & 6.28+\alpha & 0.98 & 1.04 \\ 9.39+\alpha & 2.45 & 3.35 & 2.28 \end{pmatrix}$, $b=\begin{pmatrix} 4.21 \\ 6.47+\beta \\ 2.38 \\ 10.48+\beta \end{pmatrix}$,

$\alpha = 0.5\cdot k, k=0,1,...,4\,;\beta = 0.5\cdot k, k = 0,1,...,5$ бу ерда $\varepsilon = 10^{-5}$.

№18. $A=\begin{pmatrix} 2.6 & -4.5 & -2 \\ 3 & 3 & 4.3 \\ -5 & 3.5 & 3 \end{pmatrix}$, $b=\begin{pmatrix} 19.07 \\ 3.21 \\ -18.25 \end{pmatrix}$, бу ерда $\varepsilon = 10^{-5}$.

№19. $A=\begin{pmatrix} 21.547 & -95.51 & -96.121 \\ 10.223 & -91.065 & -7.343 \\ 51.218 & 12.269 & 86.457 \end{pmatrix}$, $b=\begin{pmatrix} -49.93 \\ -12.465 \\ 60.812 \end{pmatrix}$, бу ерда $\varepsilon=10^{-4}$.

№20. $A=\begin{pmatrix} 2 & 4.2 & 1.6 & -3 \\ -0.4 & 3 & -2.4 & 0 \\ 1.6 & -0.8 & 1 & -1 \\ 1 & -2 & -1 & 1.5 \end{pmatrix}$, $b=\begin{pmatrix} 3.2 \\ -1.6 \\ -1 \\ 0 \end{pmatrix}$, бу ерда $\varepsilon=10^{-5}$.

№21. $A=\begin{pmatrix} 2.91121 & 0.52112 & 0.67563 & 0.12144 \\ 0.52111 & 4.00152 & 0.81613 & 0.72184 \\ 0.67563 & 0.81612 & 5.551613 & 0.41404 \\ 0.21141 & 0.72182 & 0.41403 & 6.75504 \end{pmatrix}$, $b=\begin{pmatrix} -0.9964 \\ 0.8683 \\ 2.8520 \\ 6.9013 \end{pmatrix}$, бу ерда $\varepsilon=10^{-5}$.

№22. $A=\begin{pmatrix} 2.1 & -4.5 & -2 \\ 3 & 2.5 & 4.3 \\ -6 & 3.5 & 2.5 \end{pmatrix}$, $b=\begin{pmatrix} 19.07 \\ 3.21 \\ -18.25 \end{pmatrix}$, бу ерда $\varepsilon=10^{-3}$.

№23. $A=\begin{pmatrix} 2 & 6 & -1 \\ 5 & -1 & 2 \\ -3 & -4 & 1 \end{pmatrix}$, $b=\begin{pmatrix} -12 \\ 29 \\ 5 \end{pmatrix}$, бу ерда $\varepsilon=10^{-4}$.

№24. $A=\begin{pmatrix} 0.15 & 2.11 & 30.75 \\ 0.64 & 1.21 & 2.05 \\ 3.21 & 1.53 & 1.04 \end{pmatrix}$, $b=\begin{pmatrix} -26.38 \\ 1.01 \\ 5.23 \end{pmatrix}$.

№25. $A=\begin{pmatrix} 1.15 & 0.42 & 100.71 \\ 1.19 & 0.55 & 0.32 \\ 1 & 0.35 & 3 \end{pmatrix}$, $b=\begin{pmatrix} -198.7 \\ 2.29 \\ -0.65 \end{pmatrix}$.

Қуйидаги мисолларни $\varepsilon=10^{-3}$ аниқлик билан ҳисобланг:

№26. $A=\begin{pmatrix} -4.2 & 3.5 & 4.8 \\ 0.6 & 3.4 & 1.7 \\ 1.7 & 2.4 & -10 \end{pmatrix}$, $b=\begin{pmatrix} 7.6 \\ -0.34 \\ 5.4 \end{pmatrix}$. №27. $A=\begin{pmatrix} 5.4 & -3.3 & 6.4 \\ 5.3 & -2.7 & -2.3 \\ 5.6 & -3.4 & 5.6 \end{pmatrix}$, $b=\begin{pmatrix} -4.5 \\ 2.8 \\ 1.7 \end{pmatrix}$.

№28. $A=\begin{pmatrix} 4.6 & 2.7 & -5.7 \\ 3.7 & -4.6 & 2.9 \\ 2.5 & 5.5 & 4.3 \end{pmatrix}$, $b=\begin{pmatrix} 4.8 \\ 1.4 \\ 2.6 \end{pmatrix}$. №29. $A=\begin{pmatrix} 6.8 & -3.7 & -1.7 \\ 4.4 & -3.6 & -7.7 \\ -1.8 & 1.3 & 3.5 \end{pmatrix}$, $b=\begin{pmatrix} 2.9 \\ -3.4 \\ -2.2 \end{pmatrix}$.

№30. $A=\begin{pmatrix} 0.77 & 0.04 & -0.21 & 0.18 \\ -0.45 & 0.77 & -0.06 & 0 \\ -0.26 & -0.34 & 0.89 & 0 \\ -0.05 & 0.26 & -0.34 & 1.12 \end{pmatrix}$, $b=\begin{pmatrix} 1.24 \\ -0.88 \\ 0.62 \\ -1.17 \end{pmatrix}$.

3. Чизиқли алгебраик тенгламалар системасини ечишнинг итерация усуллари

1-мисол. Якоби усули. $Ax=f$ чизиқли алгебраик тенгламалар системасини ечиш талаб қилинган бўлсин. Бу ерда A $n-$ўлчовли квадрат матрица; f $n-$ўлчовли берилган вектор; x - топилиши лозим бўлган $n-$ўлчовли номаълум вектор.

Якоби усулида дастлаб A матрица $A=L+D+U$ кўринишда ифодаланади, бу ерда L - диагонали нолга тенг бўлган қуйи учбурчакли матрица; U - диагонали нолга тенг бўлган юқори учбурчакли матрица; D- фақат диагоналидаги элементлари нолдан фарқли матрица.

Ечимни $\varepsilon:=10^{-2}$ аниқлик билан топиш талаб қилинган бўлсин. Соддалик учун $L,D,U-$ матрицалар ва $f-$ вектор сифатида

$$L:=\begin{pmatrix} 0 & 0 & 0 \\ 1 & 0 & 0 \\ 5 & -3 & 0 \end{pmatrix},\quad D:=\begin{pmatrix} 6 & 0 & 0 \\ 0 & -5 & 0 \\ 0 & 0 & 9 \end{pmatrix},\quad U:=\begin{pmatrix} 0 & 2 & 3 \\ 0 & 0 & 2 \\ 0 & 0 & 0 \end{pmatrix},\quad f:=\begin{pmatrix} 11 \\ -2 \\ 11 \end{pmatrix}$$

берилган бўлсин. Якоби усулидаги ўтиш матрицасини $B:=-D^{-1}\cdot(L+U)$ формула ёрдамида ҳисоблаймиз. Ўтиш матрицасининг спектрал радиусини эса $\rho:=\max(|eigenvals(B)|)$ формула ёрдамида ҳисоблаймиз. Бу ерда $eigenvals(B)$ B - матрицасининг хос сонларидан ташкил топган вектор. Ечимни ε аниқликда топиш учун лозим бўладиган итерациялар сонини эса

$$n0 := ceil\left[\frac{\ln\frac{1}{\varepsilon}}{\ln\frac{1}{\rho+\varepsilon}}\right]$$

формула ёрдамида ҳисоблаймиз. Бу ерда $ceil[r]$ - r сонидан кичик бўлмаган энг кичик бутун сон. Ҳисоблаш натижаларига кўра $n0\ =11$ бўлади.

Бошланғич яқинлашиш вектори сифатида

$$x^{\langle 0\rangle}:=\begin{pmatrix} 0.5 \\ 0.5 \\ 0.5 \end{pmatrix}$$

$g1(t) := \frac{d^2}{dt^2} f(t)$, $\varepsilon := 10^{-9}$ - аниқлик берилган бўлсин . Тенгламанинг илдизлари $(-3,-2.9)$ ва $(1.5.2)$ оралиқларда етади. Биринчи оралиқни қарайлик.

Бошланғич яқинлашиш сифатида $x_0 := -3$ ни олиш мумкин, чунки $f(-3)\cdot g1(-3) > 0$. Канторович теоремаси шартларини текширамиз:

1. $g(x_0) := -70, B := \left|(g(x_0))^{-1}\right|$
2. $\eta := \left|\frac{f(x_0)}{(g(x_0))}\right|$
3. $i := 0,1,...,100, Z_i := \left|g1\left(\frac{-2.9+3.1}{100}\cdot i - 3.1\right)\right|, K := \max(Z), K = 105.32$
4. $h := B\cdot K\cdot\eta, h = 0.086, h \le 0.5, \delta := \frac{1-\sqrt{1-2\cdot h}}{h}, \delta = 1.047$

Демак, яқинлашиш шартлари бажарилади. Берилган аниқликда илдизни топиш учун лозим бўладиган итерациялар сонини ҳисоблаймиз:

$N := 0$

$$N := ceil\left[root\left[\left[\frac{(2\cdot h)^{2\cdot N-1}\cdot\eta}{2^{N-1}} - \varepsilon\right], N\right]\right], N = 2$$

Ҳисоблашларни Ньютон формуласи бўйича бажарамиз:

$$j := 0..N-1$$

$$x_{j+1} := x_j - \frac{f(x_j)}{g(x_j)}$$

$i := 0..N$



Расм 1. Илдизга яқинлашиш графиги.

x -ордината ўқи – яқинлашиш қиймати;
i -абсцисса ўқи - итерациялар тартиби.

$|x_N - x_{N-1}| = 0$ - хатолик.

Тенгламанинг ечими қуйидагича кетмағкетликдан аниқланади:

x =

	0
0	-3
1	-2.943
2	-2.94
3	-2.94
4	-2.94
5	-2.94
6	-3.14
7	-3.08
8	-3.02
9	-2.96
10	-2.9
11	-2.84
12	-2.78
13	-2.72
14	-2.66
15	-2.6

МИСОЛЛАР:

Қуйидаги системалар Ньютон усули қўлланилиб, $\varepsilon = 0.001$ аниқлик билан ечилсин:

№1. $\begin{cases} x^7 - 5\cdot x^2\cdot y^4 + 11.321303 = 0 \\ y^5 - 3\cdot x^4\cdot y - 3.642436 = 0 \end{cases}$

№2. $\begin{cases} (x\cdot y)^3 - 3\cdot x^3 - 6\cdot y^3 + 17.25 = 0 \\ x^4 - 9y - 2.5 = 0 \end{cases}$

№3. $\begin{cases} 3\cdot x^2 - x\cdot y - y^2 + 4\cdot x - 3\cdot y + 1.52 = 0 \\ y\cdot \cos(y) + x - 1.234829 = 0 \end{cases}$

№4. $\begin{cases} \sin(0.7x + y^2) + x^2 - y^2 - 0.8060918 = 0 \\ 25\cdot x^2 - y^2 - 9\,615 = 0 \end{cases}$

№5. $\begin{cases} e^{xy} - x^2 + y = 1.7676106 \\ (x+0.5)^3 + y^3 = 3.234 \end{cases}$

№6. $\begin{cases} \sin(x + 2y) - xy = -0.70201589 \\ x^2 - y^2 = -0.5376 \end{cases}$

№7. $\begin{cases} \sin(x - y) + 2.3x = 4.9256629 \\ x^2 + y^2 = 5.5864188 \end{cases}$

№8. $\begin{cases} 5x - 6y + 20\lg(x) + 16 = 0 \\ 2x + y - 10\lg(y) - 0.834224 = 0 \end{cases}$

№9. $\begin{cases} \sin(x - 2.2y) - xy + 4.6754632 = 0 \\ \dfrac{x^3}{1.75} - y^2 + 1.7142858 = 0 \end{cases}$

№10. $\begin{cases} tg(y - x) + xy = -9.1310061 \\ x^2 + y^2 = 18.32 \end{cases}$

№11. $\begin{cases} \sin(x + \alpha) + \beta y = \gamma \\ ax + b\cos(y + c) = d \end{cases}$ бу ерда: $\alpha = 1, a = 2$; $\beta = -1, b = 1$; $\gamma = 1.2, c = 0$

№12. $\begin{cases} \cos(x + \alpha) + \beta y = \gamma \\ ax + b\cos(y + c) = d \end{cases}$ бу ерда: $\alpha = -1, a = 1$; $\beta = 1, b = -1$; $\gamma = 0\ 5\ c = 0$

№13. $\begin{cases} tg(x + \alpha) + \beta y = \gamma \\ ax + b\sin(y + c) = d \end{cases}$ бу ерда: $\alpha = 0, a = 2$; $\beta = 1, b = -1$; $\gamma = 1.5, c = -0.5$

№14. $\begin{cases} \sin(x + \alpha) + \beta y = \gamma \\ ax + b\sin(y + c) = d \end{cases}$ бу ерда: $\alpha = -1, a = 1$; $\beta = 1, b = -1$; $\gamma = 1.3, c = 1$

$\varepsilon = 0.00001$ аниқлик билан ҳисобланг.

№15. $\begin{cases} tg(xy + k) = x^2 \\ ax^2 + 2\cdot y^2 = 1 \end{cases}$ бу ерда: $x > 0, y > 0$ $\alpha = 0.5 + 0.1\cdot m$; $k = 0.1\cdot m$

№16. $\begin{cases} e^{xy} = x^2 - y + \alpha \\ (x+0.5)^2 + y^2 = k \end{cases}$ бу ерда: $x > 0, y > 0 \quad \alpha = 1 + 0.1 \cdot m$
$m = 0,1,...,4 \quad k = 0.6 + 0.1 \cdot m$

№17. $\begin{matrix} x^2 \cdot y^2 - 3 \cdot x^3 - 6 \cdot y^3 + 8 = 0 \\ x^4 - 9 \cdot y + 2 = 0 \end{matrix}$ №18. $\begin{cases} \sin(x) - y = 1.32 \\ \cos(y) - x = -0.85 \end{cases}$

$y = 0, y = x, x = 0.5$ чизиқлар билан чегараланган соҳадаги ечимларни топинг.

№19. $\begin{cases} 2 \cdot x^2 - xy - y^2 + 2x - 2y + 6 = 0 \\ y - x - 1 = 0, d = 1 \end{cases}$

№20. $\begin{cases} \alpha \cdot x^3 - y^2 - 1 = 0 \\ x \cdot y^3 - y - 4 = 0 \end{cases}$, $\begin{matrix} \alpha = 1 + 0.5 \cdot k \\ k = 0,1,...,5, d = 0.8 \end{matrix}$

№21. $\begin{cases} \alpha \cdot x^3 - y^2 - 1 = 0 \\ x \cdot y^3 - y - 4 = 0 \end{cases}$, $\begin{matrix} \alpha = 1 + 0.5 \cdot k \\ k = 0,1,...,5, d = 2 \end{matrix}$

$\varepsilon = 0.01$ аниқлик билан тенглама илдизларини ҳисобланг.

№22. $x^3 - 1.5x^2 + 0.58x - 0.057 = 0$

№23. $x^4 - 4x^3 + 5.5x^2 + 0.5 = 0$

№24. $x^5 - 5x^4 - 4x^3 + 20x^2 + 25 = 0$

№25. $x^5 + 11x^4 + 101x^2 + 11x + 10 = 0$

№26. $\sqrt{\frac{\pi}{2}} \cdot e^{\alpha x} + \frac{x}{a^2 + x^2} = 0, a = 0.1k, k = 0,1$

№27. $e^{0.724x + a} - 2.831x = 0, a = 0.1k, k = 0,1,2,3$

№28. $x^3 - 2.5x^2 - x + 2 = 0$

№29. $x^4 - 7.99x^3 - 24.10x^2 + 47.81x + 80.21 = 0$

№30. $x^3 - 0.4x + 0.08 = 0$

III. ФУНКЦИЯЛАРНИ ЯҚИНЛАШТИРИШ

9. Функцияларни яқинлаштириш. Алгебраик кўпҳадлар билан интерполяциялаш

Фараз қиламиз, $[a,b]$ кесмада $a := -1, b := 1$ бўлган ҳолда $N := 4,\ i := 0..N,\ x_i := a + \frac{b-a}{N} \cdot i$ берилган тугун нуқталарда $f(x) := e^x$ функциянинг қийматлари $y_i := f(x_i)$ маълум бўлсин. Берилган x_i тугун нуқталарда қиймати $f(x)$ функция қийматига тенг бўлган n-тартибли Лагранж интерполяцион кўпҳадини қурамиз.

Лагранж интерполяцион кўпҳади.

$$L(y,x,t) := \left| \begin{array}{l} N \leftarrow rows(y) - 1 \\ L \leftarrow \sum_{k=0}^{N} if\left(k = 0, 1, \prod_{j=0}^{k-1} \frac{t - x_j}{x_k - x_j}\right) \cdot if\left(k = N, 1, \prod_{j=k+1}^{N} \frac{t - x_j}{x_k - x_j}\right) y_k \end{array} \right.$$

Функция қийматларини Лагранж интерполяцион кўпҳади ёрдамида тугун нуқталардан иборат бўлмаган $[a,b]$ кесмада ётувчи бошқа нуқталарда ҳисоблаш талаб қилинган бўлсин:

$M := 21,\ j := 0..M,\ b_j := a + \frac{b-a}{M} \cdot j$



1-расм. Функция графиги.



2-расм. Интерполяцион кўпҳад графиги.

b_j нуқталардаги интерполяция хатолигини ҳисоблаб чиқамиз. Интерполяция хатолиги: $m_j := f(b_j) - L(y,x,b_j)$



3-расм. Хатолик функциясининг графиги.

Ньютон интерполяцион формуласи

Ньютон интерполяцион формуласини Mathcad дастури ёрдамида тузамиз:

$$\mathrm{NewtonMatrix}(y,x) := \left| \begin{array}{l} N \leftarrow \mathrm{rows}(y) - 1 \\ \text{for } i \in 1..N \\ \quad \text{for } j \in 0..N-i \\ \qquad y_{j,i} \leftarrow \dfrac{y_{j,i-1} - y_{j+1,i-1}}{x_j - x_{j+i}} \\ y \end{array} \right.$$

NewtonMatrix функцияси айирмали бўлинмалар қийматлари жадвалини тузади.

$$\mathrm{Newton}(y,x,u) := \left| \begin{array}{l} A \leftarrow \mathrm{NewtonMatrix}(y,x) \\ N \leftarrow \mathrm{rows}(y) - 1 \\ d \leftarrow 0 \\ \text{for } i \in N..1 \\ \quad \left| \begin{array}{l} d \leftarrow d + A_{0,i} \\ d \leftarrow d\left(u - x_{i-1}\right) \end{array} \right. \\ d \leftarrow d + A_{0,0} \\ d \end{array} \right.$$

Тузилган интерполяцион кўпхаднинг b_j нуқталардаги қийматини $Nw_j := Newton(y,x,b_j)$ ифода орқали ҳисоблаймиз ва натижаларни қуйидаги графикларда тасвирлаймиз:



4-расм. Функция графиги.



5-расм. Ньютон интерполяцион

кўпҳади графиги.

b_j нуқталардаги интерполяция хатолиги $m_j := f(b_j) - Nw_j$ ни ҳисоблаб чиқамиз:



3-расм. Ньютон интерполяцион кўпҳади хатолик функциясининг графиги.

МИСОЛЛАР:

Бирор $y = f(x)$ функциянинг $x_i, i = 0,1,...,m$ нуқталардаги $f(x_i)$ қийматлари берилган. Лагранж интерполяцион формуласидан фойдаланиб, $f(x_i)$ қийматлар ҳисоблансин:

№1. $x_i = 0.41 + 0.05 \cdot (i-1), i = 1,5, f(x_i) = 1.5068, 1.5841, 1.6820.1.8220, 1.9155,$
$x_i = 0.43, 0.54, 0.57, 0.62$

№2. $x_i = 11.2 + 0.8 \cdot (i-1), i = 1,6, f(x_i) = 6.403, 6.782, 7.211, 7.746, 8.062,$
$x_i = 11.5, 12.5, 13, 15.3$

№3. $x_i = 50 + 6 \cdot (i-1), i = 1,5, f(x_i) = 0.0488, 0.0531, 0.0581, 0.0644, 0.0681,$
$x_i = 53, 60, 70, 75$

№4. $x_i = 4.1 + 0.3 \cdot (i-1), i = 1,7, f(x_i) = 166.53, 175.06, 185.89, 201.38, 211.70, 221.05$
$x_i = 0.43, 0.54, 0.57, 0.62$

№5. $x_i = 110 + 50 \cdot (i-1), i = 0,5, f(x_i) = 111.63, 117.35, 124.61, 134.98, 141.98, 152.20$
$x_i = 170, 230, 340, 370.$

№6. $x_i = 3.1 + 0.5 \cdot i, i = 0,4, f(x_i) = 1.3634, 1.4333, 1.5068, 1.5841, 1.6653,$
$x_i = 3.3, 4.3, 4.8, 5.3$

№7. $x_i = 0.51 + 0.1 \cdot i, i = 0,7, f(x_i) = 0.4822, 0.5312, 0.5728, 0.6131, 0.6518, 0.6889, 0.7112, 0.7481$
$x_i = 0.65, 0.85, 0.95, 1.22$

№8. $x_i = 41 + 5 \cdot (i-1), i = 1,6, f(x_i) = 64.83, 67.82, 71.41, 78.10, 81.24, 84.76$
$x_i = 49, 53, 64, 67$

№9. $x_i = 1100 + 10 \cdot (i-1), i = 1,5, f(x_i) = 11163, 11735, 12337, 12969, 13534,$
$x_i = 1115, 1125, 1135, 1145.$

№10. $x_i = 31+5\cdot(i-1), i=1,7, f(x_i)=55.68,60,64.81,70.71,74.16,78.74,81.16$

$x_t = 33,40,53,60$

Қуйидаги мисолларда:

1) $[a,b]$ ораликда қуйидаги қийматларни қабул қилувчи энг паст даражали интерполяцион кўпҳад тузилсин;

2) қийматлар 2 марта зичлансин ҳамда ҳар қайси y_t қийматга мос x_t қиймат ва ҳар қайси x_k га мос y_k қиймат топилсин;

3) ҳисоблаш хатолари баҳолансин:

№11. $f(5.50)=23.74$, $f(5.51)=23.84$, $f(5.52)=23.93$, $f(5.53)=24.02$, $f(5.54)=24.11$, $f(5.55)=24.19$, $f(5.56)=24.28$. $f(5.57)=24.37$, $f(5.58)=24.45$, $f(5.59)=24.54$.

№12. $f(5.60)=24.63$, $f(5.61)=24.72$, $f(5.62)=24.81$, $f(5.63)=24.89$, $f(5.64)=24.98$, $f(5.65)=25.07$, $f(5.66)=25.16$, $f(5.67)=25.25$, $f(5.68)=25.34$, $f(5.69)=25.41$.

№13. $f(5.90)=27.34$, $f(5.91)=27.43$, $f(5.92)=27.53$, $f(5.93)=27.62$, $f(5.94)=27.72$, $f(5.95)=27.81$, $f(5.96)=27.90$, $f(5.97)=27.99$, $f(5.98)=28.09$, $f(5.99)=28.18$.

№14. $f(6.30)=31.17$, $f(6.31)=31.27$, $f(6.32)=31.37$, $f(6.33)=31.47$, $f(6.34)=31.57$, $f(6.35)=31.67$, $f(6.36)=31.77$, $f(6.37)=31.87$, $f(6.38)=31.97$, $f(6.39)=32.07$.

№15. $f(6.60)=34.21$, $f(6.61)=34.32$, $f(6.62)=34.42$, $f(6.63)=34.52$, $f(6.64)=34.63$, $f(6.65)=34.73$, $f(6.66)=34.84$, $f(6.67)=34.94$, $f(6.68)=35.05$, $f(6.69)=35.15$.

x нинг берилган қийматларида кўрсатилган қийматларни қабул қилувчи ва даражаси энг паст бўлган кўпҳадлар тузилсин:

№16. $x=350, 353, 359;\quad y=0.0534522, 0.0532246, 0.0527780$.

№17. $x=55, 53, 49;\ y=0.018181818, 0.018867925, 0.02$.

№18. $x=9, 11, 14$, $y=0.3333333, 0.3015113, 0.2672612$.

№19. $x=89, 92, 96$, $y=9.4339811, 9.5916630, 9.7979590$.

№20. $x=70, 71, 74$, $y=4.1212853, 4.1408177, 4.1983367$.

№21. $x=61, 63, 66$, $y=0.016393443, 0.015873016, 0.015151515$.

№22-32. 1-10 мисоллар Ньютон интерполяцион формуласидан фойдаланиб ҳал қилинсин. Шу билан бирга кўрсатилган x нуқталарда y' ва y'' ҳосилаларнинг қийматлари топилсин ва хатолик баҳолансин.

10. Сплайн яқинлаштириш

<u>1-мисол.</u> Фараз қиламиз, $[a,b]$ (масалан, $a:=-3, b:=3$) кесмада $N:=3, i:=0..N, x_i:=a+\frac{b-a}{N}\cdot i$ берилган тугун нуқталарда $f(t):=\sin t$ функциянинг қийматлари $y_i:=f(x_i)$ маълум бўлсин. Берилган x_i тугун нуқталарда қиймати $f(x)$ функция қийматига тенг бўлган кубик сплайнни қурамиз. Шу мақсадда аввал кубик сплайннинг иккинчи тартибли ҳосилаларининг тугун нуқталардаги қийматларини ҳисоблаймиз: $c:=cspline(x,y)$. Энди ушбу қийматлардан фойдаланиб туриб $t:=a,a+0.05,...,b$ нуқталарда $f(x)$ функцияси қийматини кубик сплайн ёрдамида ҳисоблаймиз: $s(t):=\mathrm{int}erp(c,x,y,t)$, бу ерда



1-расм. Кубик сплайннинг графиги.



2 -расм. Хатолик функцияси.

y - интерполяцияланувчи функция; $s(t)$ - кубик сплайн.

Хатолик функциясини $r(t):=s(t)-f(t)$ формула ёрдамида ҳисоблаймиз.

<u>2-мисол.</u> Агарда тугун нуқталар ва ушбу нуқталарда интерполяцияланувчи функция қийматлари

$$vx:=\begin{pmatrix}0.78\\1.56\\2.34\\3.12\\3.81\end{pmatrix} \qquad vy:=\begin{pmatrix}2.5\\1.2\\1.12\\2.25\\4.28\end{pmatrix}$$

жадвал кўринишида берилган бўлса, у ҳолда берилган vx_i тугун нуқталарда қиймати vy_i функция қийматига тенг бўлган кубик сплайнни қуриш учун аввал кубик сплайннинг иккинчи тартибли ҳосилаларининг тугун нуқталардаги қийматларини ҳисоблаймиз: $vc := cspline(vx, vy)$. Энди ушбу қийматлардан фойдаланиб туриб $t := 0.78,\ 0.79,\ \ldots, 3.81$ нуқталарда vy функцияси қийматини кубик сплайн ёрдамида ҳисоблаймиз: $f(t) := \mathrm{int}erp(vc, vx, vy, t)$, $i := 0,1,\ldots,4$.



3-расм. Кубик сплайннинг графиги.
vy - интерполяцияланувчи функция; $f(t)$- кубик сплайн.

МИСОЛЛАР:

№1. $x = 0,\ 1.5,\ 3$ ва $f(x) = 1.8,\ 2.4,\ 3.5$ қийматлар берилган. Ушбу қийматлар билан берилган функцияни интерполяцияловчи а) биринчи тартибли; б) квадратик сплайнлар тузилсин.

№2. $f(x)$ функцияни интерполяциялаш учун тоқ сонли тугунларга эга бўлган текис Δ тўрда параболик сплайн тузилсин, $S_3'(a) = 0$.

$x_i, i = 0,n, x_i - x_{i-1} = h_i, x_0 = a, x_n = b$ тўрда қуйидаги шартлар билан кубик сплайн тузилсин:

№3. $S_3'(a) = 0, S_3'(b) = 1$.

№4. $S_3'(a) = S_3'(b), S_3''(a) = S_3''(b)$.

№5. $S_3''(a) = A, S_3''(b) = B$.

Кўрсатилган қийматларни қабул қилувчи ва даражаси энг паст бўлган кўпҳадлар тузилсин:

№6. $x = 350,\ 353,\ 359,\ y = 0.0534522, 0.0532246, 0.0527780$.

№7. $x = 55,\ 53,\ 49,\ y = 0.018181818,\ 0.018867925,\ 0.02$.

№8. $x = 9,\ 11,\ 14,\ y = 0.3333333,\ 0.3015113,\ 0.2672612$.

№9. $x = 89,\ 92,\ 96,\ y = 9.4339811,\ 9.5916630,\ 9.7979590$.

№10. $x = 70,\ 71,\ 74,\ y = 4.1212853,\ 4.1408177,\ 4.1983367$.

№11. $x = 61,\ 63,\ 66,\ y = 0.016393443,\ 0.015873016,\ 0.015151515$.

11. Каср рационал яқинлаштириш

1-мисол. Фараз қиламиз, $[a,b]$ (масалан $a:=-3, b:=3$) кесмада (N - тугун нуқталар сони).

$$N:=40\ i:=0..N,\ x_i:=a+\frac{b-a}{N}\cdot i$$

берилган тугун нуқталарда $f(t):=\sin(t)$ функциянинг қийматлари $y_i:=f(x_i)$ маълум бўлсин. Берилган x_i тугун нуқталарда қиймати $f(x)$ функция қийматига тенг бўлган каср рационал функцияни қурамиз.

Каср рационал функцияси суратидаги кўпҳаднинг тартиби $k:=5$ $(k<N)$ бўлсин. У ҳолда каср рационал функция махраждаги кўпҳад тартиби $l:=N-k$ тенг бўлади.

Каср рационал функциясидаги номаълум коэффициентларига нисбатан ҳосил бўладиган тенгламалар система матрицаси

$$I:=0..N\quad J:=0..N$$

$$A_{i,j}:=if\left[J\le k,(x_I)^J,-y_I\cdot(x_I)^{J-k-1}\right]$$

ва ўнг томони $F_I:=y_I\cdot(x_I)^1$ формулалар ёрдамида ҳисобланади. Каср рационал функциясидаги номаълум коэффициентларига нисбатан ҳосил бўладиган системанинг ечими эса

$$z:=A^{-1}\cdot F$$

формула ёрдамида ҳисобланади.

Фараз қиламиз, функция қийматини ҳисоблаш керак бўлган нуқталар сони $M:=20$ бўлсин ва нуқталарнинг ўзи эса $t:=a,\left(a+\frac{b-a}{M}\right)..b$ иборат бўлсин. Бу нуқталардаги каср рационал функциянинг қийматлари

$$rf(t):=\frac{\sum_{n=0}^{k} z_n\cdot(t)^n}{\sum_{n=k+1}^{N} z_n\cdot(t)^{n-k-1}+(t)^1}$$

ёрдамида ҳисобланади. Хатолик функцияси $r(t):=rf(t)-f(t)$ кўринишда бўлади.



1-расм. Каср рационал функцияси



2-расм. Хатолик функцияси



3-расм. Функция кўриниши

СОНЛИ ИНТЕГРАЛЛАШ

12. Квадратур формулалар

$[a,b]$ оралиқда интегралланувчи $f(x)$ функцияси берилган бўлсин. $\int_a^b f(x)dx$ аниқ интегрални ҳисоблаш талаб қилинсин. Масалан, a, b, $f(x)$ сифатида $a := 0$, $b := 1$, $f(x) := \sin(x)$ оламиз. $[a,b]$ оралиқнинг ўртасида ётувчи $x_0 := a + \frac{b-a}{2}$ нуқтани танлаб оламиз.

1-мисол. Тўғри тўртбурчак формуласи.

Тўғри тўртбурчак формуласи ёрдамида юқорида келтирилган аниқ интегралнинг тақрибий қиймати

$$TTF := (b-a) \cdot f(x_0), \quad TTF = 0.479$$

формула ёрдамида ҳисобланади. Интегралнинг аниқ қиймати эса

$$I := \int_a^b f(x)dx, \quad I := 0.46$$

формула ёрдамида ҳисобланади. У ҳолда тўғри тўртбурчак квадратур формуласининг хатолиги $TTF - I = 0.02$ га тенг бўлади.

2-мисол. Трапеция формуласи.

Трапеция формуласи ёрдамида юқорида келтирилган аниқ интегралнинг тақрибий қиймати

$$TTF := (b-a) \cdot \frac{f(a) + f(b)}{2}, \quad TTF = 0.4207354924$$

формула ёрдамида ҳисобланади. Интегралнинг аниқ қиймати эса

$$I := \int_a^b f(x)dx, \quad I := 0.4596976941$$

формула ёрдамида ҳисобланади. У ҳолда трапеция квадратур формуласининг хатолиги $TTF - I = -0.0389622017$ тенг бўлади.

3-мисол. Симпсон формуласи.

Симпсон формуласи ёрдамида юқорида келтирилган аниқ интегралнинг тақрибий қиймати

$$SF := \frac{(b-a)}{6} \cdot \left(f(a) + 4 \cdot f\left(\frac{a+b}{2}\right) + f(b) \right) \quad SF = 0.4589621899$$

формула ёрдамида ҳисобланади. Интегралнинг аниқ қиймати эса

$$I := \int_a^b f(x)dx \quad I := 0.4596976941$$

формула ёрдамида ҳисобланади. У ҳолда Симпсон квадратур формуласининг хатолиги $SF - I = 1.645 \cdot 10^{-4}$ тенг бўлади.

$[a,b]$ ораликни $n := 100$ бўлакка $h := \frac{b-a}{n}$ қадам билан бўлиб, $i := 0..n$, $x_i := a + i \cdot h$ тугун нуқталарни ҳосил қиламиз. Ҳар бир $[x_{k-1}, x_k]$бўлакча ичида мос равишда $k := 1..n$ $\xi_k := \frac{x_{k-1} + x_k}{2}$ ихтиёрий биттадан нуқталарни танлаб оламиз.

4-мисол. Мураккаблаштирилган тўғри тўртбурчак формуласи.

Мураккаблаштирилган тўғри тўртбурчак формуласи

$$MTTF := h \cdot \sum_{k=1}^{n} f(\xi_k) \quad MTTF = 0.4596996095$$

кўринишда бўлади. Интегралнинг аниқ қиймати эса

$$I := \int_a^b f(x)dx \quad I := 0.4596976941$$

формула ёрдамида ҳисобланади. У ҳолда мураккаблаштирилган тўғри тўртбурчак квадратур формуласининг хатолиги $MTTF - I = 1.915 \cdot 10^{-6}$ тенг бўлади. Ҳисоблашларнинг Mathcad даги алгоритми

$$MTTF(n) := \left| \begin{array}{l} h \leftarrow \frac{b-a}{n} \\ \text{for } i \in 0..n \\ \quad x_i \leftarrow a + i \cdot h \\ \text{for } k \in 1..n \\ \quad \xi_k \leftarrow \frac{x_{k-1} + x_k}{2} \\ s \leftarrow h \cdot \sum_{k=1}^{n} f(\xi_k) \end{array} \right.$$

$$n := 5..100 \quad E_n := MTTF(n) - I$$

кўринишда бўлади. Хатоликнинг график кўриниши қуйидагича бўлади:



5-мисол. Мураккаблаштирилган трапеция формуласи.

Мураккаблаштирилган трапеция формуласи

$$MTF := h \cdot \sum_{k=1}^{n} \frac{f(x_{k-1}) + f(x_k)}{2} \qquad MTF = 0.4596938633$$

кўринишда бўлади. Интегралнинг аниқ қиймати эса

$$I := \int_a^b f(x)dx \qquad I := 0.4596976941$$

формула ёрдамида ҳисобланади. У ҳолда мураккаблаштирилган трапеция квадратур формуласининг хатолиги $MTF - I = -3.831 \cdot 10^{-6}$ га тенг бўлади.

МИСОЛЛАР:

№1. Қандай n ларда $J = \int_0^1 \left(\frac{1}{2} + \frac{\sin(2x)}{4x} \right) dx$ интеграл қийматини умумлашган трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида $0.5 \cdot 10^{-6}$ аниқликда топиш мумкин? Берилган интеграл қийматини $n = 5$ учун шу формулалар билан топинг ва аниқлигини баҳоланг.

№2. $J = \int_{-1}^{1} \frac{1}{\sqrt{1 - x^2} \cdot (1 + x^2)} dx$, $n = 5$, интеграл ҳисоблансин.

№3. $J = \int_0^1 \frac{1}{1 + t^3} dt$, $n = 7$, интеграл ҳисоблансин.

№4. $J = \int_1^2 \left(\cos x - \frac{1}{x^2} + shx \right) dx$ интеграл $1 \cdot 10^{-4}$ гача аниқлик билан ҳисоблансин.

№5. $J = \int_2^4 \left[(t^2 - 2) \cdot (t^2 - 4)^{\frac{1}{2}} \right] dt$ интеграл ҳисоблансин.

№6. $\int_0^1 \frac{1}{1+x^2}dx$ интегрални трапеция формуласидан фойдаланиб, $1\cdot 10^{-3}$ аниқлик билан ҳисобланг.

Қуйидаги интеграллар трапеция ва Симпсон формулалари ёрдамида ҳисоблансин ва хатолик баҳолансин.

№7. $\int_0^1 \frac{x}{(x+3)^2}dx,\ n=10$

№8. $\int_0^3 \frac{x}{(3x+1)^3}dx,\ n=10$

№9. $\int_1^2 \frac{x^2}{(5x+1)^2}dx,\ n=10$

№10. $\int_0^1 \frac{x^3}{(3x+2)^2}dx,\ n=10$

№11. $\int_1^3 \frac{x^3}{(2x+3)^4}dx,\ n=10$

№12. $\int_1^3 \frac{1}{(4x-1)^3\cdot x}dx,\ n=10$

№13. $\int_0^3 \frac{1}{3x^2+x+4}dx,\ n=10$

№14. $\int_0^3 \frac{1}{(9+x^2)^3}dx,\ n=10$

№15. $\int_1^{2.8} \frac{1}{x\cdot(3.2^3+x^3)}dx,\ n=8$

№16. $\int_{-0.2}^{2.4} \frac{x^3}{2.81^4+x^2}dx,\ n=8$

№17. $\int_2^{2.5} \frac{1}{(9x+2)\cdot\sqrt{9.8x+4}}dx,\ n=10$

№18. $\int_{-1.2}^{2.5} \sqrt{2x+3}\cdot\sqrt{(0.8x+4)^3}\,dx,\ n=10$

№19. $\int_{-0.2}^{0.3} \sqrt{1-x^2}\cdot x^3dx,\ n=10$

№20. $\int_{-0.5}^{1} \sqrt{(3-x^2)^2}\,dx,\ n=15$

№21. $\int_{-1}^{1} \frac{x^2}{\sqrt{3.6-x^2}}dx,\ n=8$

№22. $\int_1^{1.5} \frac{1}{x\cdot\sqrt{3.61-x^2}}dx,\ n=10$

№23. $\int_{1.2}^{2.2} \frac{1}{x\cdot\sqrt{x^5+2.25}}dx,\ n=10$

№24. $\int_{1.2}^{2.2} \frac{1}{x\cdot\sqrt{x^5-2.25}}dx,\ n=10$

№25. $\int_{0.7}^{2.2} \sqrt[5]{5.2x-3.08}\,dx,\ n=10$

№26. $\int_{0.3}^{1.9} \frac{\sqrt{x}}{\sqrt{2.1^3-x^3}}dx,\ n=8$

№27. $\int_0^{\frac{\pi}{2}} \sin(0.92x)dx,\ n=6$

№28. $\int_0^{\frac{\pi}{2}} \sin(0.8x)^2dx,\ n=6$

№29. $\int_0^{\frac{\pi}{2}} \frac{1}{1+\sin(0.6x)}dx,\ n=6$

№30. $\int_0^{\frac{\pi}{2}} \cos^2(0.8x)dx,\ n=6$

№31. $\int_0^{\frac{\pi}{2}} \sin(0.32x)\cdot\sin(0.8x)dx,\ n=8$

№32. $\int_0^{\frac{\pi}{2}} \frac{\sin^3(0.7x)}{\cos^2(0.7x)}dx,\ n=8$

№33. $\int\limits_{0.2}^{\frac{\pi}{2}} ctg^3(2x)dx,\ n=8$

№34. $\int\limits_{0.2}^{\frac{\pi}{2}} \frac{ctg^3(0.3x)}{\sin^2(0.3x)}dx,\ n=12$

№35. $\int\limits_{0}^{1} e^{(x^2)}dx,\ n=10$

№36. $\int\limits_{0}^{2} e^{0.6x}\cdot\sin(0.8x)dx,\ n=10$

№37. $\int\limits_{0}^{\frac{\pi}{2}} e^{0.6x}\cdot\cos(x)dx,\ n=10$

Қуйидаги мисолларда берилган интеграллар трапеция ёки Симпсон формуласи билан ε аниқликда ҳисоблансин.

№38. $\int\limits_{1}^{2} \frac{x}{(x+3)^2}dx,\ \varepsilon=0.5\cdot10^{-4}$.

№39. $\int\limits_{0}^{3} \frac{x}{(3x+1)^3}dx,\ \varepsilon=0.5\cdot10^{-4}$.

№40. $\int\limits_{0}^{\frac{1}{3}} \frac{1}{\sqrt[3]{1-x^2}}dx,\ \varepsilon=0.5\cdot10^{-3}$.

№41. $\int\limits_{0}^{1} \frac{1}{1-x+x^2}dx,\ \varepsilon=0.5\cdot10^{-3}$.

№42. $\int\limits_{0}^{1} x\cdot\ln(1+x)dx,\ \varepsilon=0.5\cdot10^{-3}$.

№43. $\int\limits_{0}^{1} \frac{\ln(1+x)}{1+x^2}dx,\ \varepsilon=0.5\cdot10^{-3}$.

№44. $\int\limits_{0}^{1} \frac{1}{1+e^{0.3x}}dx,\ \varepsilon=0.5\cdot10^{-4}$.

№45. $\int\limits_{0.5}^{1.5} \sin\ln x dx,\ \varepsilon=0.5\cdot10^{-4}$.

№46. $\int\limits_{0}^{\frac{1}{2}} \frac{arctgx^2}{x}dx,\ \varepsilon=0.5\cdot10^{-3}$.

№47. $\int\limits_{0}^{\frac{\pi}{4}} \ln\cos x dx,\ \varepsilon=0.5\cdot10^{-5}$.

№48. $\int\limits_{0}^{\frac{\pi}{2}} \sqrt{1-0.5\sin^2 x}dx,\ \varepsilon=0.5\cdot10^{-3}$.

№49. $\int\limits_{0}^{\frac{\pi}{2}} \frac{1}{\sqrt{1-\frac{1}{4}\cdot\sin^2 x}}dx,\ \varepsilon=0.5\cdot10^{-3}$.

№50. $\int\limits_{0}^{\frac{1}{2}} \frac{\arcsin x}{x}dx,\ \varepsilon=0.5\cdot10^{-3}$.

№51. $\int\limits_{0}^{\frac{1}{2}} \frac{arctgx}{x}dx,\ \varepsilon=0.5\cdot10^{-3}$.

Қуйидаги масалаларда кўрсатилган x_i нуқталардаги $F(x_i)$ функция қийматларини $1\cdot10^{-6}$ аниқликда топинг.

№52. $F(x)=\int\limits_{0}^{x} \frac{\sin t}{t}dt$ (интеграл синус), $x=\frac{0\left(\frac{\pi}{36}\right)(\pi)}{2}$, $x=0(0.1)10$.

№53. $F(x)=\frac{11}{\sqrt{2\pi}}\cdot\int\limits_{0}^{x} \frac{\sin t}{\sqrt{t}}dt$ (Френел функцияси), $x=0(0.1)10$.

№54. $F(x)=\frac{1}{\sqrt{2\pi}}\cdot\int\limits_0^x e^{-\frac{t^2}{2}}dt$ (Лаплас функцияси), $x=0(0.1)4$.

№55. $F(x)=-\int\limits_0^x \ln\cos t dt$ (Лобачевский функцияси), $x=\frac{0\left(\frac{\pi}{36}\right)(\pi)}{3}$.

№56. $F(x)=-\int\limits_0^x \frac{1}{\sqrt{1-\alpha^2\cdot\sin^2 t}}dt$ (бир жинсли эллиптик интеграл), $x=\frac{0\left(\frac{\pi}{36}\right)(\pi)}{2}$, $\alpha^2=0.1(0.1)0.5$.

13. Каррали интеграллар

1-мисол. Каррали интегралдан такрорий интегралга ўтиш.

$$\iint\limits_D f(u,v)dudv$$

кўринишдаги интегрални $D=(y=\phi1(x), y=\phi2(x), a\le x\le b)$ соҳада ҳисоблаш талаб қилинган бўлсин. Соддалик учун $a:=0$ $b:=1$ $\phi1(z):=0$ $\phi2(z):=1$ деб оламиз. D соҳани x йўналиши бўйича $n:=100$ ва y йўналиши бўйича $m:=100$ бўлакга бўлиб чиқамиз. Натижада x йўналиши бўйича ҳосил бўладиган нуқталар тартибини $k:=0..n$ деб белгилаб, $x_k:=a+\frac{b-a}{n}\cdot k$ тугун нуқталарни ҳосил қиламиз. y йўналиши бўйича ҳосил бўладиган нуқталар тартибини $j:=0..m$ деб белгилаб, $y_{k,j}:=\phi1(x_k)+\frac{\phi2(x_k)-\phi1(x_k)}{m}\cdot j$ тугун нуқталарни ҳосил қиламиз. Интеграл остидаги функция сифатида $f(u,v):=u^2+v^2$ функцияни оламиз. Ҳар бир фиксирланган x -нинг қийматлари учун y-йўналиши бўйича трапециялар формуласини қўллаймиз.

$$F_k:=\frac{\phi2(x_k)-\phi1(x_k)}{m}\cdot\left(\frac{f(x_k,y_{k,0})}{2}+\sum_{l=1}^{m-1}f(x_k,y_{k,l})+\frac{f(x_k,y_{k,m})}{2}\right)$$

Шундан кейин x-йўналиши бўйича трапециялар формуласини яна бир карра қўллаб, қуйидаги интеграл тақрибий қийматини ҳосил қиламиз:

$$J:=\frac{b-a}{m}\cdot\left[\frac{F_0}{2}+\left[\sum_{l=1}^{m-1}(F_l)\right]+\frac{F_m}{2}\right]\qquad J=0.6667$$

Ушбу кубатур формуланинг хатолиги қуйидагича ҳисобланади:

$$R:=J-\int\limits_0^1\int\limits_{\phi1(0)}^{\phi2(1)}f(u,v)dudv\qquad R=3.333\cdot10^{-5}$$

2-мисол. Катакчалар усули.

$$\iint_D f(u,v)dudv$$

кўринишдаги интегрални $D=\{y=\phi 1(x), y=\phi 2(x), a\le x\le b\}$ соҳада ҳисоблаш талаб қилинган бўлсин. Соддалик учун $a:=0$ $b:=1$ $c:=0$ $d:=1$ деб оламиз. D соҳани x йўналиши бўйича $n:=100$ ва y йўналиши бўйича $m:=100$ бўлакга бўлиб чиқамиз. Натижада x йўналиши бўйича ҳосил бўладиган нуқталар тартибини $k:=0..n$ деб белгилаб, $x_k:=a+\frac{b-a}{n}\cdot k$ тугун нуқталарни ҳосил қиламиз. y йўналиши бўйича ҳосил бўладиган нуқталар тартибини $j:=0..m$ деб белгилаб, $y_j:=c+\frac{d-c}{m}\cdot j$ тугун нуқталарни ҳосил қиламиз. Ҳосил бўлган тўр катакчаларининг юзаларини ҳар бир $i:=1..n$ ва $l:=1..m$ учун ҳисоблаб чиқамиз:

$$S_{i,l}:=(x_i-x_{i-1})\cdot(y_l-y_{l-1})$$

Ушбу катакчалар оғирлик марказларининг координаталари қуйидагича ҳисобланади:

$$x0_i:=\frac{x_i+x_{i-1}}{2} \qquad y0_l:=\frac{y_l+y_{l-1}}{2}$$

У ҳолда интегралнинг тақрибий қиймати катакчалар усули ёрдамида қуйидагича ҳисобланади:

$$J:=\sum_{I=1}^{n}\sum_{L=1}^{m}S_{I,L}\cdot f(x0_I,y0_L)$$

Интеграл остидаги функция сифатида $f(u,v):=u^2+v^2$ функцияни оламиз. Ушбу кубатур формуланинг хатолиги қуйидагича ҳисобланади:

$$R:=J-\int_c^d\int_a^b f(u,v)dudv \qquad R=-1.667\cdot 10^{-5}$$

МИСОЛЛАР:

№1. $I=\iint\sqrt{x^2-y^2}\,dxdy$ интеграл ҳисоблансин (Ω соҳада). Ω-учлари $O(0,0)$, $A(1,0)$, $B(1,1)$ нуқталарда жойлашган учбурчак.

№2. $J=\int_0^1\int_0^{1.5}\left(10-\frac{x^2+y^2}{8}\right)dxdy$ интеграл ҳисоблансин.

№3. $I=\iint\sqrt{1+x^2+y^2}\,dxdy$ интеграл ҳисоблансин.

№4. $J=\int_0^1\int_0^1\left(\frac{x^2+y^2}{8}\right)dxdy$ интеграл ҳисоблансин.

№5. $J=\int_0^1\int_0^{1.5}\left(x-\frac{x^2+y^2}{23}\right)dxdy$ интеграл ҳисоблансин.

№6. $I = \iint \sqrt{1 + x^2 y^2 + y^2}\,dxdy$ интеграл ҳисоблансин.

№7. $J = \int_0^{1.5}\int_0^{2.4}\left(4y + \frac{x^2 y^2}{3}\right)dxdy$ интеграл ҳисоблансин.

№8. $I = \iint \left(3.2 + 5x^2 + 4y^2\right)dxdy$ интеграл ҳисоблансин.

№9. $J = \int_{0.5}^{1}\int_{0.5}^{1}\left(\frac{xy}{6} - \frac{6x^2}{4}\right)dxdy$ интеграл ҳисоблансин.

№10. $J = \int_0^{1}\int_0^{1.5}\left(x^2 + y^2 + 1\right)dxdy$ интеграл ҳисоблансин.

№11. $I = \iint \sqrt{x^2 - y^2 - 2xy}\,dxdy$ интеграл ҳисоблансин.

№12. $J = \int_0^{1}\int_0^{0.8}\sqrt{5x^2 + y^2}\,dxdy$ интеграл ҳисоблансин.

№13. $J = \int_0^{1}\int_0^{1.5}\left(\frac{x^2 + 2y}{5} - 4.3\right)dxdy$ интеграл ҳисоблансин.

№14. $J = \int_{0.2}^{1}\int_{0.2}^{1}\left(x^2 + y^2 + 2y^3\right)dxdy$ интеграл ҳисоблансин.

№15. $I = \iint (\sin(x) + \cos(y))y\,dxdy$ интеграл ҳисоблансин.

№16. $I = \iint \sqrt{x^2 + 2xy}\,dxdy$ интеграл ҳисоблансин.

№17. $I = \iint \sqrt{x^2 - y^2 - 2xy}\,dxdy$ интеграл ҳисоблансин.

№18. $J = \int_0^{1}\int_0^{1}\frac{x}{(x+3)^2}\,dxdy$ интеграл ҳисоблансин.

№19. $I = \iint \sqrt{x - xy^2}\,dxdy$ интеграл ҳисоблансин.

№20. $J = \int_0^{1}\int_0^{1}\frac{y}{\sqrt[3]{1 - x^2}}\,dxdy$ интеграл ҳисоблансин.

ОДДИЙ ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТЕНГЛАМАЛАРНИ ЕЧИШ

14. Оддий дифференциал тенгламалар учун Коши масаласи

Рунге-Кутта усуллари. Бу усуллар қўлланилганда, $y' = f(x,y)$, $y(x_0) = y_0$ Коши масаласи $y(x)$ хусусий ечимининг h қадам билан тенг узоқликда ётган x_{j+1}, $j = 0,1,2,...$ нуқталарга мос тақрибий қийматлари

$$y_{j+1} = y_j + \Delta y_j \tag{1}$$

формула бўйича изланади, бунда Δy_j орттирма $K_i(h) = h \cdot f(\xi_i, \eta_i)$ миқдорларнинг ушбу чизиқли комбинацияларидан иборат:

$$\Delta y_j = \sum_{i=1}^{q} p_i \cdot K_i \tag{2}$$

бунда

$$\xi_i = x_0 + \alpha_i \cdot h, \quad \eta_i = y_0 + \sum_{m=1}^{i-1} \beta_{im} \cdot K_m(h),\ \alpha_1 = 0;$$

$$K_1(h) = h \cdot f(x,y);$$

$$K_2(h) = h \cdot f[x + \alpha_2 \cdot h, y + \beta_{21} \cdot K_1(h)];$$

$$K_3(h) = h \cdot f[x + \alpha_3 \cdot h, y + \beta_{31} \cdot K_1(h) + \beta_{32} \cdot K_2(h)];$$

....

$$K_q(h) = h \cdot f[x + \alpha_q \cdot h, y + \beta_{q1} \cdot K_1(h) + ... + \beta_{q,q-1} \cdot K_{q-1}(h)].$$

(1) формула қўлланилганда вужудга келадиган $\varepsilon(x_i)$ хато Рунге қоидаси бўйича баҳоланиши мумкин. Унга мувофиқ x нинг ҳар қайси қийматига мос $y(x)$ қиймати h ва H қадамлар билан кетма-кет ҳисобланади, сўнг қуйидаги формуладан фойдаланилади (унда $H = h \cdot k$):

$$\varepsilon(x) \le \frac{|y_h(x) - y_H(x)|}{|h^3 - H^3|} \cdot h^3 \tag{3}$$

бунда s - (1) формуланинг бир қадамда h га нисбатан аниқлик тартиби (ёки даражаси), унинг учун $\Delta y_i = y(x_{j+1}) - y(x_j)$ тақрибий тенглик хатоси h^{s+1} тартибли катталикка эга, k - бирор сон.

1-мисол. Эйлер усули. Соддалик учун битта тенгламага Коши масаласини қараймиз:

$$\frac{d}{dt}u = f(t,u),\ t > 0;$$
$$u(0) = u_0.$$

Масалан, тенгламанинг ўнг томони сифатида $f(t,u) := t^2$ функцияни ва бошланғич шарт сифатида $u_0 := 1$ олишимиз мумкин. Одатда сонли усуллар ёрдамида Коши масаласи чекли соҳада ечилади. Шу сабабли, фараз қиламиз, қаралаётган масалани $0 < t < T$ соҳада ечиш талаб этилаётган бўлсин. Соддалик учун $T := 1$ деб оламиз. Эйлер усулида берилган $[0,T]$ кесмани n бўлакка бўламиз (масалан $n := 120$). Натижада $\tau := \frac{1}{n}$ қадамли $i := 0..n$ тартибга эга бўлган $t_i := i \cdot \tau$ тугун нуқталар тўпламини ҳосил қиламиз. Ушбу тугун нуқталарда дастлабки Коши масаласининг ечими қуйидаги тартибда топилади: аввал бошланғич шартдан фойдаланиб, $y_0 := u_0$ топилади. Сўнгра $j := 0..n-1$ деб олиб,

$$y_{j+1} := y_j + \tau \cdot f(t_j, y_j)$$

реккурент формулалар орқали $y_1, y_2, ..., y_n$ лар топилади. Топилган ечим графиги қуйидагича бўлади:



Дастлабки Коши масаласининг аниқ ечими $v(t) := \frac{t^3}{3} + 1$ бўлишини кўриш мумкин. Хатолик функцияси эса

$$z_j := y_j - v(t_j)$$

формула ёрдамида ҳисобланади. Унинг графиги қуйидагича бўлади:



Аппроксимация хатолиги

$$i := 0..n-1$$
$$\psi_i = -\frac{v(t_{i+1}) - v(t_i)}{\tau} + f(t_i, v(t_i))$$

формула ёрдамида ҳисобланиб, унинг графиги қуйидаги кўринишда бўлади:



МИСОЛЛАР:

Қуйидаги масалаларда Рунге-Кутта усулларидан бири қўлланилиб, бошланғич шартлар билан берилган дифференциал тенгламалар ва дифференциал тенгламалар системалари ечимининг $[a,b]$ оралиқдаги қийматлар жадвали $h=0.1$ қадам билан тузилсин:

№1. $y' = 0.5xy,\ y(0)=1,\ [0,1];$ №2. $y' = x^2 + y^2,\ y(0)=0,\ [0,1];$

№3. $y' = 1 + x\cdot y^2,\ y(0)=0,\ [0,1];$ №4. $y' = \dfrac{y}{x+1} - y^2,\ y(0)=1,\ [0,1];$

№5. $y' = x^2 - y^2,\ y(0)=0,\ [0.1];$ №6. $y' = x + \sqrt{y},\ y(0.5)=0.7240,\ [0.5,1.5];$

№7. $y' = e^x - y^2,\ y(0)=0,\ [0,0.4];$ №8. $y' = x\cdot\ln y - y\cdot\ln x,\ y(1)=1,\ [1,1.6];$

№9. $\begin{cases} y' = -xz, \\ z' = \dfrac{y}{x},\ y(0)=0,\ z(0)=1,[0;1]; \end{cases}$ №10. $\begin{cases} y' = (z-x)\cdot x, \\ z' = (z+x)\cdot x,\ y(0)=1,\ z(0)=1;[0;1]; \end{cases}$

№11. $x^2\cdot y'' - xy' + y = 3x^3,\ y(1)=1.75,\ y'(1)=4.25,[1;1.5]$

№12. $y'' - 3y' = x^2 + 3x,\ y(0)=1,\ y'(0)=0,[0;1]$

№13. $x\cdot y'' + y' + x\cdot y = 0,\ y(0)=1,\ y'(0)=0,[0;0.5]$

№14. $x^2\cdot(x+1)\cdot y'' - 2\cdot y = 0,\ y(1)=2,\ y'(1)=-1,[1;2]$

№15. $y'' - 3y' + 2\cdot y = x^2 + 3x,\ y(0)=6,\ y'(0)=6,[0;0.5]$

№16. $y'' - 3y' = x^2 + 3x,\ y(0)=1,\ y'(0)=3,[0;0.5]$

№17. $y' = x^2 + y^2,\ y(0)=0;$ №18. $y' = y^2 + xy + x^2,\ y(0)=1;$

№19. $y' = xy + \sqrt{x},\ y(0)=0;$ №20. $y' = y\cdot\sin x + x,\ y(0)=0;$

№21. $y' = xy^3 - 1,\ y(0)=0;$ $y(1)$ нинг қиймати $1\cdot 10^{-2}$ гача аниқликда топилсин.

№22. $y' = x + y,\ y(0) = 1;\ y(1)$ учун бошланғич бешта яқинлашиши топилсин ва уларнинг аниқлиги баҳолансин.

№23. $y' = x^2 + y^2,\ y(0) = 0.5;\ y(0{,}2)$ ҳисоблансин.

№24. $y' = \dfrac{\cos\gamma}{a+x} + y^2,\ y(0) = 0,\ h = 0.05,\ a = 1 + 0.4k,\ k = 0..5$.

№25. $y' = e^{-ax}\cdot\left(y^2 + b\right) + 1,\ y(0) = 0,\ h = 0.05,\ a = 1 + 0.4k,\ k = 0..5,\ b = 1 + 0.4n,\ n = 0..5$.

№26. $\begin{cases} y' = \sin\left(ay^2\right) + x + z,\ z(0) = 0.5, \\ z' = x + y - bz^2;\ y(0) = 1, h = 0.05,\ a = 2 + 0.5k,\ k = 0..3, b = 2 + 0.5n,\ n = 0,\ldots,5. \end{cases}$

№27. $\begin{cases} y' = -2axy^2 + z^2 - x - 1, y(0) = \dfrac{1}{\alpha}, \\ z' = \dfrac{1}{\alpha\cdot z^2} - y - \dfrac{y}{x},\ z(0) = 1, h = 0.05,\ \alpha = 1 + 0.2k,\ k = 0..5, \end{cases}$

№28. $\begin{cases} y' = \ln\left(bx + \sqrt{a^2\cdot x^2 + z^2}\right),\ y(0) = 0.5, h = 0.05, \alpha = 2 + 0.5k,\ k = 0,\ldots,3, \\ z' = \sqrt{a^2\cdot x^2 + y^2},\ z(0) = 1,\ \beta = 2 + 0.5k,\ k = 0,\ldots,5. \end{cases}$

№29. $y' = -\dfrac{y}{x} + \ln x\cdot y^2,\ y(1) = -2,\ h = 0.1,\ a = 1,\ b = 1.5$.

№30. $y' = y^2 + \dfrac{y}{x} + \dfrac{1}{x^2},\ y(1) = 0,\ h = 0.1,\ a = 1,\ b = 1.5$.

15. Чегаравий масалаларни сонли ечиш усуллари

1-мисол. Отишув усули.

$$\frac{d^2}{dx^2}u(x) + p(x)\cdot\frac{d}{dx}u(x) + q(x)\cdot u(x) = f(x)$$

$$\alpha_0\cdot u(a) + \alpha_1\cdot\frac{d}{dx}u(a) = A\ ,\ \ \beta_0\cdot u(b) + \beta_1\cdot\frac{d}{dx}u(b) = B$$

чегаравий масалани сонли ечиш талаб қилинган бўлсин. Бу ерда $p(x), q(x), f(x)$ функциялар берилган ва улар $[a,b]$ оралиқда узлуксиз, $\alpha_0, \alpha_1, \beta_0, \beta_0, A, B$ - ўзгармас сонлар. Масала ягона $u(x)$ ечимга эга бўлиши учун $|\alpha_0| + |\alpha_1| \neq 0, |\beta_0| + |\beta_1| \neq 0$ шартларнинг бажарилиши зарурдир. Мисол учун

$$p(x) := 1\ \ q(x) := x \qquad f(x) := x^3 + 2x + 2$$

$$\alpha_0 := 1\ \ A := 0\ \ \alpha_1 := 1 \qquad \beta_0 := 1\ \ B := 3\ \ \ \beta_1 := 1$$

деб оламиз. У ҳолда, аниқ ечим $u(x) := x^2$ бўлади. Отишув усулида чегаравий масаланинг ечими $u = c\cdot v + w$ кўринишда изланади, бунда v - ушбу

$$\frac{d^2}{dx^2}v(x) + p(x)\cdot\frac{d}{dx}v(x) + q(x)\cdot v(x) = 0;$$

$$v(a) = \alpha_1\ ,\ \ \frac{d}{dx}v(a) = -\alpha_0\ ,$$

Коши масаласининг ечими, w эса

$$\frac{d^2}{dx^2}w(x)+p(x)\cdot\frac{d}{dx}w(x)+q(x)\cdot w(x)=0;$$

$$w(a)=\frac{A}{\alpha_1},\ \frac{d}{dx}w(a)=0,$$

Коши масаласининг ечимидан иборат. c ўзгармас ўнг чегаравий шартларга асосланиб, қуйидаги формула ёрдамида топилади:

$$c=\frac{B-\left(\beta_0 w(b)+\beta_1\frac{d}{dx}w(b)\right)}{\beta_0 v(b)+\beta_1\frac{d}{dx}v(b)}.$$

$v(x)$, $w(x)$ функцияларни мос Коши масалаларидаги айирмали масалалар ёрдамида топамиз. Шу мақсадда $[a,b]$ ораликни $h:=0.001$ қадам билан $n:=1000$ бўлакка бўлиб, $i:=0..n$ тартиб билан $x_i:=i\cdot h$ тугун нуқталарни ҳосил қиламиз. $v(x)$ функцияни ушбу тугун нуқталарда

$$v_0:=\alpha_1\qquad v_1:=\frac{\alpha_1\cdot(1+p(x_1))-\alpha_0\cdot h\cdot\left(1+\frac{p(x_1)}{2}\right)\cdot h}{1+p(x_1)\cdot h+\frac{q(x_1)}{2}\cdot h^2}$$

$$j:=1..n\qquad v_{j+1}:=\frac{v_j\cdot\left(2-q(x_j)\cdot h^2\right)-v_{j-1}\cdot\left(1-\frac{p(x_j)}{2}\cdot h\right)}{1+p(x_1)\cdot h+\frac{q(x_1)}{2}\cdot h^2}$$

айирмали схема орқали ва $w(x)$-ни эса

$$w_0:=\frac{A}{\alpha_1},\qquad w_1:=\frac{\frac{1}{2}\cdot f(x_1)\cdot h^2+\frac{A}{\alpha_1}\cdot(1+p(x_1)\cdot h)}{1+p(x_1)\cdot h+\frac{q(x_1)}{2}\cdot h^2},$$

$$j:=1,...,n,\qquad w_{j+1}:=\frac{w_j\cdot\left(2-q(x_j)\cdot h^2\right)-w_{j-1}\cdot\left(1-\frac{p(x_j)}{2}\cdot h\right)+f(x_j)\cdot h^2}{1+\frac{p(x_j)}{2}\cdot h}$$

айирмали схема орқали топилади. c доимий эса

$$c:=\frac{B-\left(\beta_0 w_n+\beta_1\frac{3w_n-4w_{n-1}+w_{n-2}}{2h}\right)}{\beta_0 v_n+\beta_1\frac{3v_n-4v_{n-1}+v_{n-2}}{2h}}$$

формула ёрдамида топилади. Ниҳоят, тақрибий ечим $y_i:=c\cdot v_i+w_i$ орқали топилади. Аниқ ечимни x_i тугун нуқталарда $u_i:=(x_i)^2$ формула ёрдамида ҳисоблаб, тақрибий ечим билан солиштирамиз:



1-расм. Аниқ ечим ва тақрибий ечим графиклари.

Тақрибий ечимнинг аниқ ечимга интилишини (яқинлашиш) кузатиш учун $z_i := y_i - u_i$ хатолик функцияси графигига мурожаат қиламиз.



2-расм. Хатолик функцияси графиги.

2-мисол. Айирмали усул.

$$\frac{d^2}{dx^2}u(x) - p(x)\cdot u(x) = f(x)$$

$$u(a) = A\ ,\ \ u(b) = B\ ,\ \ a \le x \le b$$

чегаравий масалани сонли ечиш талаб қилинган бўлсин. Бу ерда $p(x), f(x)$ функциялар берилган ва улар $[a,b]$ ораликда узлуксиз, A, B - ўзгармас сонлар. Масалан,

$$p(x) := 1,\ \ f(x) := 2 - x^2$$

$$A := 0\ \ a := 0\ \ b := 1\ \ B := 1$$

деб оламиз. У ҳолда аниқ ечим $u(x) := x^2$ бўлади. Шу мақсадда $[a,b]$ ораликни $n := 10$ бўлакка, $h := \frac{b-a}{n}$ қадам билан бўлиб, $i := 0..n$ тартиб билан $x_i := i\cdot h$ тугун нуқталарни ҳосил қиламиз. Айирмали усул чегаравий масалани

$$y_{i-1} - \left(2 + h^2\cdot p_i\right)\ y_i + y_{i+1} = h^2\cdot f\ \ ,\ \ 1 \le i \le n;$$

$$y_0 := A\ \ ,\ \ y_n := B$$

кўринишдаги чизиқли алгебраик тенгламалар системаси билан алмаштиради. Бу алгебраик тенгламалар системасини ҳайдаш усули билан ечиб, тақрибий ечимни топамиз:

Тўғри ҳайдаш

Дастлаб $\alpha_1 := 0 \quad \beta_1 := A \; j := 1..n-1$ бўлганда $\alpha_{j+1} := \dfrac{1}{\left(2+h^2 \cdot p(x_j)\right)-\alpha_j}$

$\beta_{j+1} := \dfrac{\beta_j - h^2 \cdot f(x_j)}{\left(2+h^2 \cdot p(x_j)\right)-\alpha_j}$ коэффициентлар топилади.

Тескари ҳайдаш

Топилган коэффициентлардан фойдаланиб, $k := n-1, n-2..0$ бўлганда $y_k := \alpha_{k+1} \cdot y_{k+1} + \beta_{k+1}$ ечимлар топилади.

Аниқ ечимни x_i тугун нуқталарда $u_i := (x_i)^2$ формула ёрдамида ҳисоблаб, тақрибий ечим билан солиштирамиз:



1-расм. Аниқ ечим ва тақрибий ечим графиклари.

Тақрибий ечимнинг аник ечимга интилишини (яқинлашиш) кузатиш учун $z_i := y_i - u_i$ хатолик функцияси графигига мурожаат қиламиз:



2-расм. Хатолик функциясининг графиги

МИСОЛЛАР:

№1. $y'' + y \cdot y' - 2 = 0,\ y(0) = 0,\ y'(0) = 0,\ y(x)$ ечимни ифодаловчи қаторнинг дастлабки тўрт ҳади топилсин; $y(0.5)$ қиймат ва $\int_0^x y(x)dx$ интеграл 0,001 гача аниқлик билан топилсин.

№2. $y'' = y \cdot y' - x^2,\ y(0) = 1,\ y'(0) = 1,$ ечим дастлабки олтита ҳади билан даражали қатор кўринишида топилсин.

№3. $y'' + y' + x^2 \cdot y = \dfrac{x}{1-x},\ y(0) = 0,\ y'(0) = 1,\ 0 \le x \le 0.2,\ h = 0.05,\ \varepsilon = 1 \cdot 10^{-4}$.

№4. $y'' - x \cdot y' - 2y = e^{-x^2},\ y(0) = 1,\ y'(0) = 0.5,\ y(x)$ ва $y'(x)$ нинг $0 \le x \le 0.15$ ораликдаги қийматлари $h = 0.05$ қадам билан 0,00001 аниқликда топилсин.

№5. $x \cdot y'' + 2y' + x \cdot y = 0,\ y(0) = 1,\ y'(0) = 0,\ 0 \le x \le 0.2,\ h = 0.05,\ \varepsilon = 1 \cdot 10^{-4}$.

№6. $\begin{cases} y' = x \cdot y + z \\ z' = y - z,\ y(0) = 0,\ z(0) = 1,\ 0 \le x \le 0.2,\ h = 0.05,\ \varepsilon = 1 \cdot 10^{-4}. \end{cases}$

№7. $\begin{cases} y' = x + z^2 \\ z' = y \cdot z,\ y(0) = 1,\ z(0) = -1,\ 0 \le x \le 0.2,\ h = 0.05,\ \varepsilon = 1 \cdot 10^{-4}. \end{cases}$

№8. Ушбу $y' = \dfrac{\alpha}{x^2 + y^2 + \beta},\ y(0) = 0$ масала хусусий ечимининг $[0{,}0.5]$ ораликдаги қийматлари $h = 0.1$ қадам билан $1 \cdot 10^{-5}$ аниқликда топилсин:

a) $\alpha = 1,\ \beta = 2.6$; b) $\alpha = 2.6,\ \beta = 2.2$;

c) $\alpha = 1.8,\ \beta = 1.4$; d) $\alpha = 2.5,\ \beta = 1.9$.

Қуйидаги чегаравий масалаларни ечимлари берилган ораликларда $h = 0.1$ қадам билан 10^{-3} аниқликда топилсин:

№9. $y'' + xy' + y = x + 1,\ y(0.5) + 2y'(0.5) = 1,\ y'(0.8) = 0.2$.

№10. $y'' + 0.5xy' + (1 + 2p^2 \cdot x^2)y = 4x,\ y(0) = 1,\ y(1) = 1.367$.

№11. $y'' + (x-1)y' + 3.125y = 4x,\ y(0) = 1,\ y(1) = 1.367$.

№12. $y'' + 2xy' + 2y = \dfrac{2(5-2x)}{(2-x)^3},\ y(0) = 1,\ y(1) = 1.367$.

№13. $y'' + (1 + x^3)y' + (1 - x^2)y = e^{1-2.5x^2},\ y(0) = 0,\ y(1) = 0$.

IV. МАТЕМАТИК-ФИЗИКА МАСАЛАЛАРИНИ ЕЧИШНИНГ СОНЛИ УСУЛЛАРИ

16. Чекли айирмали схемалар. Айирмали аппроксимация

1-мисол. Ҳосиланинг айирмали аппроксимацияси. Фараз қиламиз, $[a,b]$ оралиқда $y=u(x)$ функцияси берилган бўлсин. Ушбу функциянинг ўнг, чап ва марказий айирмали ҳосиласини ҳисоблаш талаб қилинган булсин. Шу мақсадда мисол сифатида $a:=0, b:=1$ деб, $[a,b]$ оралиқни $h:=\frac{b-a}{n}$ қадам билан $n:=10$ бўлакка бўлиб, $x:=a,a+h,...,b$ тугун нуқталарни ҳосил қиламиз. Функция сифатида эса $u(x):=x^2$ функцияни оламиз. Айирмали ҳосилаларни ҳисоблаш билан биргаликда, уларнинг ҳар бири $\frac{d}{dx}u$ ни танланган тугун нуқталарда аппроксимация қилишини ҳам кузатамиз. Шу боис учта $ur(x), ul(x), uc(x)$ - ўнг, чап, марказий айирмали ҳосилаларга мос аппроксимация хатолиги функциялари қийматларини барча тугун нуқталарда ҳисоблаймиз:

$$ur(x):=\frac{u(x+h)-u(x)}{h}-\frac{d}{dx}u(x)$$

$$ul(x):=\frac{u(x)-u(x-h)}{h}-\frac{d}{dx}u(x)$$

$$uc(x):=\frac{u(x+h)-u(x-h)}{2h}-\frac{d}{dx}u(x)$$

$$us(x):=\frac{u(x+h)-2u(x)+u(x-h)}{h^2}-\frac{d^2}{dx^2}u(x)$$



1-расм. Ўнг айирмали ҳосиланинг аппроксимация хатолиги



2-расм. Чап айирмали ҳосиланинг аппроксимация хатолиги



3-расм. Марказий айирмали ҳосиланинг аппроксимация хатолиги хатолиги.



4-расм. Иккинчи тартибли айирмали ҳосиланинг аппроксимация

<u>2-мисол. Лаплас операторининг айирмали аппроксимацияси.</u> Фараз қиламиз, $D := \{(x,y) : a \le x \le b, c \le y \le d\}$ соҳада $u = f(x,y)$ функцияси берилган бўлсин. Лаплас операторининг айирмали аппроксимациясини қуриш ва унинг хатолигини ҳисоблаш талаб қилинган бўлсин. Шу мақсадда мисол сифатида $a := 0$ $b := 1$ $c := 0$ $d := 1$ деб олиб, D соҳани x йўналиши бўйича $n := 10$ бўлакга $hx := \frac{b-a}{n}$ қадам билан ва y йўналиши бўйича $m := 10$ бўлакга $hy := \frac{d-c}{m}$ қадам билан бўлиб, $x := a, a + h \cdot x .. b$ $y := c, c + h \cdot y .. d$ тугун нуқталарни ҳосил киламиз. Функция мисоли сифатида $u(x,y) := \sin(x^2 + y^2) \cdot 10$ функцияни оламиз. Лаплас операторидаги иккинчи тартибли хусусий ҳосилаларни айирмали муносабатлар билан алмаштириб, аппроксимация хатолиги функциялари қийматларини барча тугун нуқталарда ҳисоблаймиз:

$$Rx(x,y) := \frac{u(x+hx,y) - 2u(x,y) + u(x-hx,y)}{hx^2} - \frac{d^2}{dx^2}u(x,y)$$

$$Ry(x,y) := \frac{u(x,y+hy) - 2u(x,y) + u(x,y-hy)}{hy^2} - \frac{d^2}{dy^2}u(x,y)$$

$$R(x,y) := Rx(x,y) + Ry(x,y)$$

$$i := 1 .. n-1 \qquad j := 1 .. m-1$$

$$S_{i,j} := R(ihx, jhy) \qquad \max(S) = 136.593$$



5-расм. Лаплас операторининг аппроксимация хатолиги

МИСОЛЛАР:

Қуйидаги чегаравий масалаларни ечимларини берилган (x_m, t_n), $x_m = 0{,}2m$, $t_n = 0{,}2n$ тўрда 10^{-3} аниқликда топилсин:

1. $\dfrac{\partial^2 u(x,y)}{\partial x^2} + \dfrac{\partial^2 u(x,y)}{\partial y^2} = 4, \quad 0 \le x \le 0.8, 0 \le y \le 0.8,$

$u(0,y) = y^2$, $u(0.8,y) = y^2 + 0.64$, $0 \le y \le 0.8$, $u(x,0) = x^2$, $u(x,0.8) = x^2 + 0.64$, $\quad 0 \le x \le 0.8$.

2.

$$\frac{\partial^2 u(x,y)}{\partial x^2} + \frac{\partial^2 u(x,y)}{\partial y^2} = \frac{2}{1+y}\left[1 + \left(\frac{x+\alpha}{1+y}\right)^2\right], \quad 0 \le x, y \le 1,$$

$u(0,y) = \dfrac{\alpha^2}{1+y}$, $u(1,y) = \dfrac{(1+\alpha)^2}{1+y}$, $0 \le y \le 1$, $u(x,0) = (x+\alpha)^2$, $u(x,1) = \dfrac{(x+\alpha)^2}{2}$, $\quad 0 \le x \le 1$,

$\alpha = 0{,}2k, k = 1,2,\ldots,10$.

3. $\dfrac{\partial^2 u(x,y)}{\partial x^2} + \dfrac{\partial^2 u(x,y)}{\partial y^2} = 2(1+\alpha), \quad u(x,0) = x^2, u(0,y) = \alpha\, y^2 \le x, y \le 1,$

$u|_{\Gamma} = (1-\alpha)x^2 + \alpha$, Γ соҳа $x^2 + y^2 = 1$ айлананинг $x \ge 0, y \ge 0$ бўлган қисми бўлиб,
$\alpha = 0{,}3k$, $k = 1,2,\ldots,10$.

17. Иссиқлик ўтказувчанлик ва тор тенгламаси учун айирмали схемалар

1-мисол.Ошкор схема. $\{0 \le x \le l, 0 \le t \le T\}$ соҳада

$$\frac{\partial u}{\partial t} = \frac{\partial^2 u}{\partial x^2} + f(x,t)$$

Иссиқлик ўтказувчанлик тенгламасини қаноатлантирувчи ва $t = 0$ да $u(x,0) = u0(x)$, $0 \le x \le l$ ҳамда $x = 0$ ва $x = l$ да

$$u(0,t) = \mu 1(t)$$
$$u(l,t) = \mu 2(t)$$

чегаравий шартларни қаноатлантирувчи $u(x,t)$ функция топилсин. Аниқлик учун $l := 1, T := 1, f(x,t) := -1, u0(x) := x^2, \mu 1(t) := t, \mu 2(t) := t^2 + 1$ деб оламиз. Ошкор схемани қўриш мақсадида соҳани x - йўналиши бўйича $N := 5$ бўлакга бўлиб, тугун нуқталар $h := \frac{1}{N}, i := 0..N, x_i := ih$ ни ҳисоблаймиз. Ошкор схема шартли турғун бўлганлиги сабабли, $r := 0.5\ (r < 0.5)$ турғунлик коэффициентини киритамиз. Унда t - йўналиши бўйича бўлиниш қадами $\tau := r \cdot h^2$ формула ёрдамида ҳисобланади ва бўлакчалар сони $K := ceil\left(\frac{T}{\tau}\right)$ орқали, тугун нуқталар $t_n := n \cdot \tau, n := 0..K$ формулалар ёрдамида ҳисобланади. Ушбу тугун нуқталарда аниқ ечим $u_{i,n} := t_n + (x_i)^2$ ёрдамида ҳисобланади. Ошкор схемада тақрибий ечим қатлам бўйича топилади ва унинг Mathcad тизимидаги дастури қуйидагича бўлади:

```
y := | for i∈ 0.. N
     |   y[i,0] ← u0(x[i])
     | for n∈ 0.. K
     |   | y[0,n] ← μ1(t[n])
     |   | y[N,n] ← μ2(t[n])
     | for n∈ 0.. K − 1
     |   for i∈ 1.. N − 1
     |     y[i,n+1] ← y[i,n] + r·[(y[i+1,n] − 2·y[i,n]) + y[i−1,n]] + τ·f(x[i], t[n])
     | y
```

Ошкор схема хатолиги $z := y - u$ ёрдамида ва аппроксимация хатолиги

$i := 1..N - 1 \quad n := 0..K - 1$

$$\psi_{i,n} := \frac{u_{i,n} - u_{i,n+1}}{\tau} + \frac{u_{i+1,n} - 2u_{i,n} + u_{i-1,n}}{h^2} + f(x_i, t_n)$$

ёрдамида ҳисобланади.



1-расм.Аппроксимация хатолиги.

2-мисол. Тор тенгламаси учун ошкор схема. $\{0 \le x \le l, 0 \le t \le T\}$ соҳада

$$\frac{\partial^2}{\partial t^2}u = \frac{\partial^2}{\partial x^2}u + f(x,t)$$

Иссиқлик ўтказиш тенгламасини қаноатлантирувчи ва $t = 0$ да $u(x,0) = u0(x)$, $0 \le x \le l$ ҳамда $x = 0$ ва $x = l$ да

$$u(0,t) = \mu 1(t)$$

$$u(l,t) = \mu 2(t)$$

чегаравий шартларни қаноатлантирувчи $u(x,t)$ функция топилсин. Аниқлик учун $l := 1, T := 1, f(x,t) := -1, u0(x) := x^2, \mu 1(t) := t, \mu 2(t) := t^2 + 1$ деб оламиз. Ошкор схемани қуриш мақсадида соҳани x - йўналиши бўйича $N := 10$ бўлакга бўлиб, тугун нуқталарни $h := \frac{1}{N}, i := 0..N, x_i := ih$ ни ҳисоблаймиз. Ошкор схема шартли турғун бўлганлиги сабабли $r := 0.8$ турғунлик коэффициентини киритамиз. Унда t- йўналиши бўйича бўлиниш қадами $\tau := r \cdot h$ формула ёрдамида ҳисобланади ва бўлакчалар сони $K := ceil\left(\frac{T}{\tau}\right)$ орқали, тугун нуқталар $n := 0..K$, $t_n := n \cdot \tau$ формулалар ёрдамида ҳисобланади.Ушбу тугун нуқталарда аниқ ечим $u_{i,n} := (t_n)^2 + (x_i)^2$ ёрдамида ҳисобланади. Ошкор схемада тақрибий ечимлар қатламлар бўйича топилади.

$$
y := \left|
\begin{array}{l}
\text{for } i \in 1..N-1 \\
\quad \left| \begin{array}{l}
y_{i,0} \leftarrow u0(x_i) \\
y_{i,1} \leftarrow y_{i,0} + \tau \cdot u1(x_i) + \dfrac{\tau^2}{2} \cdot \dfrac{u0(x_{i+1}) - 2 \cdot u0(x_i) + u0(x_{i-1})}{h^2}
\end{array} \right. \\
\text{for } n \in 0..K \\
\quad \left| \begin{array}{l}
y_{0,n} \leftarrow \mu 1(t_n) \\
y_{N,n} \leftarrow \mu 2(t_n)
\end{array} \right. \\
\text{for } n \in 1..K-1 \\
\quad \text{for } i \in 1..N-1 \\
\quad\quad y_{i,n+1} \leftarrow (y_{i,n} \cdot 2 - y_{i,n-1}) + r^2 \cdot (y_{i+1,n} - 2 \cdot y_{i,n} + y_{i-1,n}) \\
y
\end{array}
\right.
$$

Ошкор схема хатолиги $z := y - u$ ёрдамида ва аппроксимация хатолиги

$$i := 1..N-1 \quad n := 0..K-1$$

$$\psi_{i,n} := \frac{u_{i,n+1} - 2 \cdot u_{i,n} + u_{i,n+1}}{\tau^2} + \frac{u_{i+1,n} - 2u_{i,n} + u_{i-1,n}}{h^2} + f(x_i, t_n)$$

ёрдамида ҳисобланади.



ψ

2-расм. Аппроксимация хатолиги

МИСОЛЛАР:

Қуйидаги чегаравий масалаларнинг ечимлари айирмали схемалардан фойдаланиб, сонли ечинг.

1. $\frac{\partial u}{\partial t}=\frac{\partial^2 u}{\partial x^2}+\alpha\left(x^2-2t\right)$, $0\le x\le 1, 0\le t\le 0{,}02$, тенгламанинг $x=0{,}1m$, $m=0{,}1,\dots 10$, $t=0{,}02$ учун $u(x,0)=0$, $u(0,t)=0$, $u(1,t)=\alpha t$, $0\le t\le 0{,}02$ $\alpha=0{,}5k$, $k=1,2,3,4,5,6$ шартларни қаноатлантирувчи ечимларини

а) $h=0.1, \tau=0{,}005$ бўлганда, ошкор схема ёрдамида,

б) $h=0.1, \tau=0{,}02$ бўлганда, ошкормас схема ёрдамида топинг ва натижаларни таққосланг.

2. $\frac{\partial u}{\partial t}=\frac{1}{\alpha}\frac{\partial^2 u}{\partial x^2}$, $0\le x\le 1, 0\le t\le 0{,}02$, тенгламанинг $x=0{,}1m$, $m=0{,}1,\dots 10$, $t=0{,}02$ учун $u(x,0)=e^{-\alpha x}$, $u(0,t)=e^{\alpha t}$, $u(1,t)=e^{\alpha(t-1)}$, $0\le t\le 0{,}02$ $\alpha=2+0{,}3k$, $k=-4,-3,-2,-1,1,2,3,4$ шартларни қаноатлантирувчи ечимларини

а) $h=0.1, \tau\le\frac{\alpha}{2}h^2$ бўлганда, ошкор схема ёрдамида,

б) $h=0.1, \tau=0.02$ бўлганда, ошкормас схема ёрдамида топинг ва натижаларни таққосланг.

3. $\frac{\partial u}{\partial t}=\frac{\partial^2 u}{\partial x^2}+\left(-\alpha^2 t+1\right)e^{-\alpha x}$, $0\le x\le 1, 0\le t\le 0.01$ тенгламанинг $u(x,0)=0$, $u(0,t)=t$, $u(1,t)=te^{-\alpha}$, $0\le t\le 0{,}01$ $\alpha=0{,}5k$, $k=1,2,3,4,5,6$ шартларни қаноатлантирувчи $u(x,t)$ ечимининг $t=0.01$ даги қийматларини топинг.

4. $\frac{\partial u}{\partial t}=\frac{\partial^2 u}{\partial x^2}+\left(1+\alpha x\right)^4-12\alpha^2 t\left(1+\alpha x\right)^2$, $0\le x\le 1, 0\le t\le 0{,}1$ тенгламанинг $u(x,0)=0$, $u(0,t)=t$, $u(1,t)=t(1+\alpha)^4$, $0\le t\le 0{,}1$ $\alpha=1+0{,}4k$, $k=1,2,3,4,5$ шартларни қаноатлантирувчи $u(x,t)$ ечимининг $t=0{,}1$ даги қийматларини топинг.

Гиперболик тенгламага қўйилган аралаш масала ечимининг (x_m,t_n), $x_m=0{,}1m$, $t_n=0{,}1n$, $m,n=0,1,2,\dots 10$ тўрдаги қийматларини топинг.

5. $$\frac{\partial^2 u(x,t)}{\partial t^2}=\frac{\partial^2 u(x,t)}{\partial x^2}+\frac{2\left(\alpha^2-1\right)}{\left(x+\alpha t+1\right)^3},\quad 0\le x\le 1, 0\le t\le 1$$

$u(0,t)=\frac{1}{\alpha t+1}$, $u(1,t)=\frac{1}{\alpha t+2}$, $0\le t\le 1$, $u(x,0)=\frac{1}{1+x}$, $\frac{\partial u(x,0)}{\partial t}=-\frac{\alpha}{(1+x)^2}$, $0\le x\le 1$, $\alpha=0{,}5+0{,}1k$, $k=0,1,\dots,10$.

6. $$\frac{\partial^2 u(x,t)}{\partial t^2}=\frac{\partial^2 u(x,t)}{\partial x^2},\quad 0\le x\le 1, 0\le t\le 1$$

$u(0,t)=\frac{1}{\alpha+t}$, $u(1,t)=\frac{1}{\alpha+t+1}$, $0\le t\le 1$, $u(x,0)=\frac{1}{\alpha+x}$, $\frac{\partial u(x,0)}{\partial t}=-\frac{1}{(\alpha+x)^2}$, $0\le x\le 1$, $\alpha=0{,}5+0{,}1k$, $k=0,1,\dots,10$.

7. $$\frac{\partial^2 u(x,t)}{\partial t^2}=\frac{\partial^2 u(x,t)}{\partial x^2}+\frac{2\alpha}{\left[\alpha\left(x+t\right)+2\right]^2},\quad 0\le x\le 1, 0\le t\le 1$$

$$u(0,t)=0,\ u(1,t)=\frac{1}{\alpha\left(t+1\right)+2},\quad 0\le t\le 1,\quad u(x,0)=\frac{x}{2+\alpha x},\ \frac{\partial u(x,0)}{\partial t}=-\frac{\alpha x}{\left(2+\alpha x\right)^2},0\le x\le 1,$$

$\alpha=0{,}2k,\ k=0,1,\ldots,10.$

8. $\dfrac{\partial^2 u(x,t)}{\partial t^2}=\dfrac{\partial^2 u(x,t)}{\partial x^2},\quad 0\le x\le 1,\ 0\le t\le 1$

$$u(0,t)=e^{\alpha t},\ u(1,t)=e^{\alpha(t+1)},\quad 0\le t\le 1,\quad u(x,0)=e^{\alpha x},\ \frac{\partial u(x,0)}{\partial t}=\alpha\, e^{\alpha x},0\le x\le 1,$$

$\alpha=0{,}5k,\ k=-5,-4,-3,-2,-1,1,2,3,4,5.$

9. $\dfrac{\partial^2 u(x,t)}{\partial t^2}=\dfrac{\partial^2 u(x,t)}{\partial x^2},\quad 0\le x\le 1,\ 0\le t\le 1$

$$u(0,t)=0,\ u(1,t)=0,\quad 0\le t\le 1,\quad u(x,0)=0,\ \frac{\partial u(x,0)}{\partial t}=\pi\sin\pi x,\ 0\le x\le 1.$$

18. Айирмали схемаларда аппроксимация ва турғунлик тушунчаси

<u>1-мисол. Ошкор схемада аппроксимация.</u> $\{0\le x\le l, 0\le t\le T\}$ соҳада

$$\frac{\partial}{\partial t}u-\frac{\partial}{\partial x}u=0$$

тенгламасини қаноатлантирувчи ва $t=0$ да $u(x,0)=u0(x),\ 0\le x\le l$ ҳамда $x=l$ да

$$u(l,t)=\mu(t)$$

чегаравий шартларни қаноатлантирувчи $u(x,t)$ функция топилсин. Аниқлик учун $l:=l$ $T:=1$ $u0(x):=x$ $\mu(t):=t+1$ деб оламиз. Ошкор схемани қуриш мақсадида соҳани x йўналиши бўйича $N:=50$ бўлакга бўлиб, тугун нуқталарни $h:=\frac{1}{N}$ $i:=0..N$ $x_i:=ih$ бўйича ҳисоблаймиз. Ошкор схема шартли турғун бўлганлиги сабабли $r:=0.9\ (r<1)$ турғунлик коэффициентини киритамиз. Унда t- йўналиши бўйича бўлиниш қадами $\tau:=r\cdot h$ формула ёрдамида ҳисобланади ва бўлакчалар сони $K:=ceil\left(\frac{T}{\tau}\right)$ орқали, тугун нуқталар $n:=0..K$ $t_n:=n\cdot\tau$ формулалар ёрдамида ҳисобланади.Ушбу тугун нуқталарда аниқ ечим $u_{i,n}:=t_n+(x_i)$ ёрдамида ҳисобланади. Ошкор схемада тақрибий ечимлар қатламлар бўйича топилади.

```
y := | for  i ∈ 0.. N
     |   y[i,0] ← u0(x[i])
     | for  n ∈ 0.. K
     |   y[N,n] ← μ(t[n])
     | for  n ∈ 0.. K − 1
     |   for  i ∈ 0.. N − 1
     |     y[i,n+1] ← y[i,n] + r(y[i+1,n] − y[i,n])
     | y
```

Ошкор схема хатолиги $z := y - u$ ёрдамида ва аппроксимация хатолиги

$$i := 1..N-1 \quad n := 0..K-1$$

$$\psi_{i,n} := \frac{u_{i,n} - u_{i,n+1}}{\tau} + \frac{u_{i+1,n} - u_{i,n}}{h}$$

ёрдамида ҳисобланади.

2-мисол. Турғунлик тушунчаси. Агар юқоридаги масала учун $\mu(t) := 0$ ва $u0(x) := 0$ ни $\varepsilon := 10^{-5}$ миқдорга ўзгартирсак, мос айирмали схема ечимини $r < 1$ (масалан $r := 0.9$) да кузатамиз. Аниқлик учун $u_{i,0} := (-1)^i \cdot \varepsilon$ деб олиб айирмали схема аниқ ечими

$$N := 100 \qquad i := 0..N \qquad K := ceil\left(\frac{T}{r \cdot \frac{1}{N}}\right) \qquad n := 0..K \quad u_{i,n} := (1-2r)^n \cdot (-1)^i \cdot \varepsilon$$

кўринишда бўлади. Кўриниб турибдики, N-нинг қиймати ошганлиги сари u ечимнинг қиймати катталашиб боради.





19. Айирмали схемалар учун максимум принципи. Пуассон тенгламаси учун Дирихле масаласининг аппроксимацияси

1-мисол. Пуассон тенгламаси учун Дирихле масаласининг аппроксимацияси.

Фараз қиламиз, $D := \{(x,y): 0 \le x1 \le l1, 0 \le x2 \le l2\}$ соҳада

$$\frac{\partial^2 u}{\partial x_1^2} + \frac{\partial^2 u}{\partial x_2^2} = -f(x,y)$$

тенгламани қаноатлантирувчи ва соҳа чегарасида $u(x) = \mu(x)$ чегаравий шартларни қаноатлантирувчи $u(x)$ функция топилиши талаб қилинсин. Аниқлик учун $l1 := 1$ $l2 := 1$ $f(x1,x2) := -4$ $\mu1(x2) := x2^2$ $\mu2(x2) := x2^2 + l2^2$ $\mu3(x1) := x1^2$ $\mu4(x1) := x1^2 + l1^2$ деб оламиз.

$$\mu(x1,x2) := \begin{array}{|l} \mu1(x2) \text{ if } x1 = 0 \\ \mu2(x2) \text{ if } x1 = l1 \\ \mu3(x1) \text{ if } x2 = 0 \\ \mu4(x1) \text{ if } x2 = l2 \end{array}$$

Айирмали схемани қуриш мақсадида соҳани $x1$- йўналиши бўйича $N1 := 5$ бўлакга бўлиб, тугун нуқталарни $h1 := \frac{1}{N1}$ $i := 0..N1$ $x1_i := i \cdot h1$ бўйича топамиз. Худди шундай, соҳани $x2$- йўналиши бўйича $N2 := 5$ бўлакга бўлиб, тугун нуқталарни $h2 := \frac{1}{N2}$ $j := 0..N2$ $x2_j := j \cdot h2$ бўйича хисоблаймиз. У ҳолда Дирихле масаласининг аниқ ечими $u_{i,j} := (x1_i)^2 + (x2_j)^2$ формула ёрдамида ҳисобланади. Пуассон тенгламаси учун Дирихле масаласининг айирмали аппроксимациясини қуриш ва унинг хатолигини ҳисоблаш талаб қилинган бўлсин. Шу мақсадда мисол сифатида

$$\frac{y_{i+1,j} - 2y_{i,j} + y_{i-1,j}}{h1^2} + \frac{y_{i,j+1} - 2y_{i,j} + y_{i,j-1}}{h2^2} = -f_{i,j} \qquad i := 1..N1-1 \quad j := 0..N2-1$$

$$y_{i,0} := \mu(x1_i, 0) \qquad y_{i,N2} := \mu(x1_i, l2)$$

$$y_{0,j} := \mu(0, x2_j) \qquad y_{N1,j} := \mu(l1, x2_j)$$

айирмали аппроксимация хатолигини ҳисоблаймиз.

$$\psi1_{i,j} := \left| \left(\frac{u_{i+1,j} - 2u_{i,j} + u_{i-1,j}}{h1^2} + \frac{u_{i,j+1} - 2u_{i,j} + u_{i,j-1}}{h2^2} \right) + f(x1_i, x2_j) \right|$$

$$\psi2_{i,j} := \left| u_{i,0} - \mu(x1_i, 0) \right| \qquad \psi3_{i,j} := \left| u_{i,N2} - \mu(x1_i, l2) \right|$$

$$\psi4_{i,j} := \left| u_{0,j} - \mu(0, x2_j) \right| \qquad \psi5_{i,j} := \left| u_{N1,j} - \mu(l1, x2_j) \right|$$

турли функциялар ёрдамида аппроксимация хатолиги функцияси

$$\psi_{i,j} := \psi1_{i,j} + \psi2_{i,j} + \psi3_{i,j} + \psi4_{i,j} + \psi5_{i,j}$$

ёрдамида ҳисобланади.



ψ

1-расм. Аппроксимация хатолиги функцияси графиги.

20. Пуассон тенгламаси учун Дирихле айирмали масаласининг турғунлиги ва яқинлашиши

1-мисол. Пуассон тенгламаси учун Дирихле масаласининг аппроксимацияси.

Фараз қиламиз, $D := \{(x,y): 0 \le x1 \le l1, 0 \le x2 \le l2\}$ соҳада

$$\frac{\partial^2}{\partial x_1^2}u + \frac{\partial^2}{\partial x_2^2}u = -f(x,y)$$

тенгламани қаноатлантирувчи ва соҳа чегарасида $u(x) = \mu(x)$ чегаравий шартларни қаноатлантирувчи $u(x)$ функция топилиши талаб қилинсин. Аниқлик учун $l1 := 1$ $l2 := 1$ $f(x1,x2) := -4$ $\mu1(x2) := x2^2$ $\mu2(x2) := x2^2 + l2^2$ $\mu3(x1) := x1^2$ $\mu4(x1) := x1^2 + l2^2$ деб оламиз.

$$\mu(x1,x2) := \left| \begin{array}{l} \mu1(x2) \text{ if } x1 = 0 \\ \mu2(x2) \text{ if } x1 = l1 \\ \mu3(x1) \text{ if } x2 = 0 \\ \mu4(x1) \text{ if } x2 = l2 \end{array} \right.$$

Айирмали схемани қуриш мақсадида соҳани $x1$- йўналиши бўйича $N1 := 5$ бўлакга бўлиб, тугун нуқталарни $h1 := \frac{1}{N1}$ $i := 0..N1$ $x1_i := ih1$ бўйича қурамиз. Худди шундай соҳани $x2$- йўналиши бўйича $N2 := 5$ бўлакга бўлиб тугун нуқталарни $h2 := \frac{1}{N2}$ $j := 0..N2$ $x2_j := jh2$ бўйича ҳисоблаймиз. У ҳолда Дирихле масаласининг аниқ ечими $u_{i,j} := (x1_i)^2 + (x2_j)^2$ формула ёрдамида ҳисобланади. Тақрибий ечимни Якоби усулида $\varepsilon := 10^{-2}$ аниқликда топамиз. Ечимни ушбу аниқликда топиш учун $N0$ - итерациялар сони ҳисобланади:

$$\xi := \tan\left(\frac{\pi \cdot h1}{2}\right)^2 \quad \rho := \frac{1-\xi}{1+\xi} \quad N0 := ceil\left(\frac{\ln\left(\frac{1}{\varepsilon}\right)}{\ln\left(\frac{1}{\rho}\right)}\right) \quad N0 = 22$$

Ечим эса қуйидагича ҳисобланади:

```
y(ε1,ε2) := | for i∈ 1.. N1 − 1
            |   for j∈ 1.. N2 − 1
            |     w[i,j] ← [[μ3(x1[i])·(1 − x2[j]) + μ4(x1[i])·x2[j]]·x1[i]·(1 − x1[i]) + [μ1(x2[j])·(1 − x1[i]) + μ2(x2[j])·(x1[i])]·x2[j]·(1 − x2[j])]
            | for j∈ 0.. N2
            |   | w[0,j] ← μ1(x2[j]) + ε1
            |   | w[N1,j] ← μ2(x2[j]) + ε1
            | for i∈ 0.. N1
            |   | w[i,0] ← μ3(x1[i]) + ε1
            |   | w[i,N2] ← μ4(x1[i]) + ε1
            | r ← w
            | for I∈ 1.. N0
            |   | v ← w
            |   | for i∈ 1.. N1 − 1
            |   |   for j∈ 1.. N2 − 1
            |   |     w[i,j] ← 1/4·[v[i−1,j] + v[i+1,j] + v[i,j−1] + v[i,j+1] + h1^2·(f(x1[i], x2[j]) + ε2)]
            |   | S[I] ← w
            | S
```

Ушбу функция юқоридаги масала ўнг томонини $\varepsilon 2$ кичик миқдорга ва чегаравий функцияларни $\varepsilon 1$ кичик миқдорга ўзгартирганда ечимни ҳисоблаб беради. Биз ҳозир ана шу боғланишни кузатамиз. Шу мақсадда аввал $\varepsilon 1$ сифатида $l := 1..10$, $\mu 1 := 10^{-1}$ кичик миқдорларга мос $Y_1 := norme(y(\mu 1,0)N0)$ ечим қийматларини ҳисоблаймиз ва графигини кузатамиз.



1-расм. Чегаравий шартларнинг кичик ўзгаришига ечимнинг ҳам кичик ўзгариши мос келиши (турғунлик)

2-расм.Ўнг томонининг кичик ўзгаришига ечимнинг ҳам кичик ўзгариши мос келиши (турғунлик)

$\varepsilon 1$ сифатида $F1 := 10^{-1}$ кичик миқдорларга мос $Z_1 := norme(y(\mu 1,0)_{N0})$ ечим қийматларини ҳисоблаймиз ва графигини кузатамиз.

21. Айирмали схемаларнинг турғунлик назарияси. Икки ва уч қатламли айирмали схемаларнинг каноник кўриниши ва турғунлик шартлари

<u>1-мисол. Иссиқлик ўтказувчанлик тенгламаси учун вазнли схема.</u> $\{0 \le x \le l, 0 \le t \le T\}$ соҳада

$$\frac{\partial}{\partial t}u = \frac{\partial^2}{\partial x^2}u + f(x,t)$$

тенгламасини қаноатлантирувчи ва $t = 0$ да $u(x,0) = u0(x)$, $0 \le x \le l$ ҳамда $x = 0$ ва $x = l$ да

$$u(0,t) = \mu 1(t)$$
$$u(1,t) = \mu 2(t)$$

чегаравий шартларни қаноатлантирувчи $u(x,t)$ функция топилсин. Аниқлик учун $l := 1$ $T := 1$ $f(x,t) := 0$ $u0(x) := \sin\left(\frac{2\pi}{l}x\right)$ $\mu 1(t) := 0$ $\mu 2(t) := 0$ деб оламиз. Вазнли схемани қуриш мақсадида соҳани x йўналиши бўйича $N := 20$ бўлакга бўлиб, тугун нуқталарни $h := \frac{1}{N}$ $i := 0..N$ $x_i := ih$ бўйича ҳисоблаймиз ва t йўналиши бўйича $K := 20$ бўлакга бўлиб, тугун нуқталарни $\tau := \frac{t}{K}$ $n := 0..K$ $t_n := n\tau$ формула ёрдамида ҳисобланади. Ушбу тугун нукталарда аниқ ечим $u_{n,i} := \sin(2\pi \cdot x_i) \cdot e^{-\left(\frac{2\pi}{l}\right)t_n}$ ёрдамида ҳисобланади. Юқоридаги масала учун вазнли айирмали схема:

$$\frac{y_{n+1,i} - 2y_{n,i}}{\tau} = \sigma \cdot \frac{y_{n+1,i+1} - 2y_{n+1,i} + y_{n+1,i-1}}{h^2} + (1-\sigma) \cdot \frac{y_{n,i+1} - 2y_{n,i} + y_{n,i-1}}{h^2} \quad (*),$$

$$y_{n,0} := 0 \qquad y_{n,N} := 0 \qquad y_{0,i} := u0(x_i), i = 1..N-1$$

кўринишида ёзилади. Бу ерда σ - схема вазни дейилади ва у одатда турғунлик шартдан танланади. Ушбу айирмали схемани каноник кўринишда ёзиш учун

$$Ay_i = -\frac{y_{i+1} - 2y_i + y_{i-1}}{h^2}, \quad y_0 = y_N = 0, \ i = 1..N-1$$

орқали A операторни, $y_n = (y_1^n, ..., y_{N-1}^n)^T$ векторни киритиб, (*) тенгликни

$$\frac{y_{n+1} - y_n}{\tau} = \sigma \cdot (Ay_{n+1}) + (1-\sigma) \cdot (Ay_n)$$

ёки

$$B \cdot \frac{y_{n+1} - y_n}{\tau} + A \cdot y_n = \phi_n$$

кўринишида тасвирлаймиз. Бу ерда $B = E + \sigma\tau A$. У ҳолда вазнли айирмали схеманинг турғунлик шарти $B \ge 0.5 \cdot \tau \cdot A$ ёки $\sigma \ge \frac{1}{2} - \frac{h^2}{4\tau}$ орқали берилади. Биз ҳозир ушбу турғунлик шартини тадқиқ қилиш учун фиксирланган σ

параметрнинг қийматида ечим қийматини ҳисоблаб берувчи функцияни тузамиз. σ параметрининг

$$l := 0..2 \quad , \quad \sigma_l := \left(\frac{1}{2} - \frac{h^2}{4\tau}\right) + \frac{l-1}{2} \quad , \quad \sigma = \begin{pmatrix} -0.013 \\ 0.487 \\ 0.988 \end{pmatrix}$$

қийматлар кетма-кетлиги учун

$$z_l := norme(y(\sigma_l) - u) \quad z = \begin{pmatrix} 5.792 \cdot 10^{65} \\ 0.449 \\ 0.687 \end{pmatrix}$$

хатолик функцияси қийматлари нормаларини ҳисоблаймиз.



1- расм. Хатолик функциясининг
σ -параметрга боғлиқлиги.

Ушбу графикдан кўриниб турибдики, σ_1 учун хатолик киймати жуда ҳам катта, яъни схема турғунмаслигини кузатамиз. Ҳакикатдан ҳам, ушбу қийматда турғунлик шарти бажарилмайди. σ параметрининг қолган қийматларида турғунлик шартлари бажарилган.

V. ТЎР ТЕНГЛАМАЛАРНИ ЕЧИШ УСУЛЛАРИ

22. Матрицавий прогонка усули

Матрицавий прогонка алгоритми.

$$\begin{aligned} &-C_0 \cdot y_0 + B_0 \cdot y_1 = -F_0 \\ &A_i \cdot y_{i-1} - C_i \cdot y_i + B_i \cdot y_{i+1} = -F_i \quad , \quad i = 1..N-1 \quad (1) \\ &A_N \cdot y_{N-1} - C_N \cdot y_N = -F_N \end{aligned}$$

тенгламалар системасини ҳал этиш талаб қилинсин. Бу ерда

A_i , B_i , C_i - M ўлчовли квадрат матрицалар;

F_i - M ўлчовли берилган векторлар;

y - M ўлчовли номаълум векторлар;

Ушбу системани матрицавий прогонка ёрдамида ҳал киладиган функцияни тузамиз:

$$
\mathrm{MatrProg}(A,B,C,F,N) := \left|\begin{array}{l}
\alpha_1 \leftarrow (C_0)^{-1}\cdot B_0 \\
\beta_1 \leftarrow (C_0)^{-1}\cdot F_0 \\
\text{for } i \in 1..N \\
\quad \left|\begin{array}{l}
\alpha_{i+1} \leftarrow (C_i - A_i\cdot\alpha_i)^{-1}\cdot B_i \\
\beta_{i+1} \leftarrow (C_i - A_i\cdot\alpha_i)^{-1}\cdot(A_i\cdot\beta_i + F_i)
\end{array}\right. \\
y_N \leftarrow \beta_{N+1} \\
\text{for } i \in N-1..0 \\
\quad y_i \leftarrow \alpha_{i+1}\cdot y_{i+1} + \beta_{i+1} \\
y
\end{array}\right.
$$

1-мисол. Дирихле масаласи. $G = \{0 < x1 < l1, 0 < x2 < l2\}$ соҳада

$$\frac{\partial^2}{\partial x_1^{\,2}}u + \frac{\partial^2}{\partial x_2^{\,2}}u = -f(x_1, x_2)$$

тенгламани қаноатлантирувчи ва соҳа чегарасида $u(x) = \mu(x)$ чегаравий шартларни қаноатлантирувчи $u(x)$ функция топилсин. Аниқлик учун

$$l1 := 1, l2 := 1,\ f(x1,x2) := -4, \mu1(x2) := x2^2, \mu2(x2) := x2^2 + l1^2,$$
$$\mu3(x1) := x1^2,\ \mu4(x1) := x1^2 + l2^2$$

$$
\mu(x1,x2) := \left|\begin{array}{l}
\mu1(x2) \ \text{ if } x1 = 0 \\
\mu2(x2) \ \text{ if } x1 = l1 \\
\mu3(x1) \ \text{ if } x2 = 0 \\
\mu4(x1) \ \text{ if } x2 = l2
\end{array}\right.
$$

деб оламиз. Айирмали схемани қуриш мақсадида соҳани $x1$ - йўналиши бўйича $N1 := 5$ бўлакга бўлиб, тугун нуқталарни $h1 := \frac{1}{N1}, i := 0..N1, x1_i := ih1$ бўйича аниклаймиз. Худди шундай $N2 := 5$ бўлакга бўлиб тугун нуқталарни $h2 := \frac{1}{N2}, j := 0..N2, x2_j := jh2$ топиб оламиз. У ҳолда Дирихле масаласининг аниқ ечими $u_{i,j} := (x1_i)^2 + (x2_j)^2$ ёрдамида ҳисобланади. Тақрибий ечимни матрицавий прогонка усулида $\varepsilon := 10^{-10}$ аниқликда топамиз. Шу мақсадда

$$\frac{y_{i-1,j} - 2y_{i,j} + y_{i+1,j}}{h1^2} + \frac{y_{i,j-1} - 2y_{i,j} + y_{i,j+1}}{h2^2} = -f_{i,j}$$

$$y_{0,j} = \mu_{0,j} \qquad y_{N1,j} = \mu_{N1,j} \qquad j := 1..N2-1$$

$$y_{i,0} = \mu_{i,0} \qquad y_{i,N2} = \mu_{i,N2} \qquad i := 1..N1-1$$

айирмали схемадан фойдаланамиз. Ушбу системани матрицавий прогонка ёрдамида ечиш учун уни (1) кўринишда ёзиб оламиз. Шу мақсадда $E2$ орқали $N2-1$ ўлчовли бирлик матрицани, ҳамда O оркали нол матрицани белгилаймиз: $E2 := identity(N2-1)$ $\quad O := identity(N2-1) - identity(N2-1)$ ва

$$\Lambda 2 := \left| \begin{array}{l} \text{for } i \in 0..N1-2 \\ \quad \text{for } j \in 0..N2-2 \\ \quad\quad \Lambda 2_{i,j} \leftarrow \left| \begin{array}{ll} -2 & \text{if } i = j \\ 1 & \text{if } (i = j-1) + (i = j+1) \\ 0 & \text{otherwise} \end{array} \right. \\ \Lambda 2 \leftarrow \Lambda 2 \cdot h2^{-2} \end{array} \right.$$

орқали уч диагоналли $N2-1$ ўлчовли $x2$ - йўналиши бўйича иккинчи тартибли айирмали ҳосила операторининг матрицасини белгилаймиз. MO, MN векторлар ёрдамида эса мос равишда $\mu 1$ ва $\mu 2$ функция қийматларидан ташкил топган векторларни белгилаб оламиз

$$M0 := \left| \begin{array}{l} \text{for } j \in 0..N2-2 \\ \quad M0_j \leftarrow \mu 1\left(x2_{j+1}\right) \\ M0 \end{array} \right. \qquad MN := \left| \begin{array}{l} \text{for } j \in 0..N2-2 \\ \quad MN_j \leftarrow \mu 2\left(x2_{j+1}\right) \\ MN \end{array} \right.$$

Энди (1) системадаги A, B, C, F - матрицалар ва векторни ташкил қилиш билан шугулланамиз. Бизнинг мисолимиз учун

$$F := \left| \begin{array}{l} \text{for } i \in 1..N1-1 \\ \quad \left| \begin{array}{l} \text{for } j \in 1..N2-1 \\ \quad a_{j-1} \leftarrow \left| \begin{array}{ll} f\left(x1_i, x2_1\right) + \dfrac{\mu 3\left(x1_i\right)}{h2^2} & \text{if } j = 1 \\ f\left(x1_i, x2_j\right) & \text{if } 2 \le j \le N2-2 \\ f\left(x1_i, x2_{N2-1}\right) + \dfrac{\mu 4\left(x1_i\right)}{h2^2} & \text{if } j = N2-1 \end{array} \right. \\ F_i \leftarrow a \end{array} \right. \\ F_0 \leftarrow -M0 \\ F_{N2} \leftarrow -MN \\ F \end{array} \right.$$

$$A := \left| \begin{array}{l} \text{for } i \in 1..N1-1 \\ \quad A_i \leftarrow h1^{-2} \cdot E2 \\ A_{N1} \leftarrow O \\ A \end{array} \right.$$

$$B := \left| \begin{array}{l} \text{for } i \in 1..N1-1 \\ \quad B_i \leftarrow h1^{-2} \cdot E2 \\ B_0 \leftarrow O \\ B_{N1} \leftarrow O \\ B \end{array} \right. \qquad C := \left| \begin{array}{l} \text{for } i \in 1..N1-1 \\ \quad C_i \leftarrow (h1)^{-2} \cdot E2 \cdot 2 - \Lambda 2 \\ C_{N1} \leftarrow -E2 \\ C_0 \leftarrow -E2 \\ C \end{array} \right.$$

Ушбу матрицалар ва векторга эга булган (1) системани матрицавий прогонка ёрдамида ҳал қиламиз:

$$y := Matr\,\mathrm{Pr}\,og(A,B,C,F,N1)$$

$\mu 3$ ва $\mu 4$ функция қийматларидан тузилган векторларни

$$i := 0..N1\,,\;\; \mu 0_i := \mu 3(x1_i)\,,\;\; \mu N_i := \mu 4(x1_i)$$

тарзда ҳисоблаймиз. Ва нихоят матрицавий прогонка ёрдамида ҳисобланган тақрибий ечимни, чегаравий қийматлари билан биргаликда

$$v := \left| \begin{array}{l} w_0 \leftarrow y_0 \\ \text{for } j \in 1..N2 \\ \quad w_j \leftarrow \mathrm{augment}(w_{j-1}, y_j) \\ w1 \leftarrow \mathrm{stack}\left(\mu 0^T, w_{N2}\right) \\ w2 \leftarrow \mathrm{stack}\left(w1, \mu N^T\right) \\ w2 \end{array} \right.$$

тартибда езиб оламиз. У ҳолда хатолик функцияси

$$z := u - v$$

формула ёрдамида ҳисобланади. Аппроксимация хатолиги

$$\psi_{i,j} := \frac{u_{i-1,j} - 2u_{i,j} + u_{i+1,j}}{h1^2} + \frac{u_{i,j-1} - 2u_{i,j} + u_{i,j+1}}{h2^2} + f(x1_i, x2_j)$$

$$j := 1..N2-1 \qquad i := 1..N1-1$$

ёрдамида ҳисобланади.

1 расм. Аниқ ечим.



2 расм. Тақрибий ечим.



3 расм. Хатолик функцияси.



Ψ

$\max(z) = 0.063325739776461 \cdot 10^{-16}$

$\min(z) = 0$

4 расм. Аппроксимация хатолиги функцияси.



$\max(\psi) = 0.029368297104094$
$\min(\psi) = -0.029368297104094$

МИСОЛЛАР:

№2. Учлари $A(0,0), B(0,1), C(1,1), D(1,0)$ нуқталарда жойлашган квадрат учун Лаплас тенгламасининг ечимини топинг. Ечим қийматларири $h = 0.25$ қадам билан ҳисобланг. Чегара шартлари: $u(AB) = 30y$, $u(BC) = 30(1-x)$, $u(CD) = 0$, $u(AD) = 0$

№3. $x = 0.1 \cdot m, m = 0..10, t = 0.02$ тўрда $\frac{\partial}{\partial t}u = \frac{\partial^2}{\partial t^2}u + \alpha \cdot (x^2 - 2t),\ 0 \le x \le 1,\ 0 \le t \le 0.02$ тенгламанинг $u(x,0) = 0$, $u(0,t) = 0$, $u(l,t) = \alpha t$ шартларни қаноатлантирувчи ечими топилсин, $\alpha = 0.5 \cdot k$, $k = 1..6$, $h = 0.1$, $l = 0.02$.

№4. $x = 0.1 \cdot m, m = 0..10, t = 0.02$ тўр учун $\frac{\partial}{\partial t}u = \frac{\partial^2}{\partial t^2}u \cdot \frac{1}{\alpha},\ 0 \le x \le 1,\ 0 \le t \le 0.02$ тенгламанинг $u(x,0) = e^{-\alpha \cdot x}$, $u(0,t) = e^{\alpha \cdot t}$, $u(l,t) = e^{\alpha \cdot (t-1)}$ шартларни қаноатлантирувчи ечими топилсин, $\alpha = 2 + 0.3k$, $k = -4,-3,-2,-1,1,2,3,4....$, $h = 0.1$.

№5.
$\frac{d^2}{dx^2}u(x,y) + \frac{d^2}{dy^2}u(x,y) = 2(1+\alpha),\ 0 \le x,\ y \le 1,\ u(x,0) = x^2,\ u(0,y) = \alpha \cdot y^2,$
$u(\Gamma) = (1-\alpha) \cdot x^2 + \alpha$, Пуассон тенгламаси учун чегаравий масала $(x_m, y_n), x_m = 0.2 \cdot m,\ y_n = 0.2 \cdot n$ тўрда ечилсин, бунда Γ-айлананинг бир қисми, $x \ge 0,\ y \ge 0$ да $x^2 + y^2 = 1, \alpha = 0.3 \cdot k,\ k = 0..10$.

№6. $h = l = 0.1$ квадрат тўрда $u(x,0) = (1.5x^2 + 1.2)\cdot \sin \pi x$, $u_\tau(x,0) = 0.1x$, $u(0,t) = 0$, $u(l,t) = 0$

№7. $h = l = 0.1$ квадрат тўрда $u(x,0) = (1.5x^2 + 0.9)\cdot e^{-x}$, $u_\tau(x,0) = 0$, $u(0,t) = 0$, $u(l,t) = 2.4e^{-1}$

23. Тўр тенгламаларни ечиш усуллари. Итерацион усуллар

1-мисол. Чебишев параметрлари билан ошкор итерацион усул. $G = \{0 < x1 < l1, 0 < x2 < l2\}$ соҳада

$$\frac{\partial^2}{\partial x_1^{\,2}} u + \frac{\partial^2}{\partial x_2^{\,2}} u = -f(x_1, x_2)$$

тенгламани қаноатлантирувчи ва соҳа чегарасида $u(x) = \mu(x)$ чегаравий шартларни қаноатлантирувчи $u(x)$ функция топилсин. Аниқлик учун $l1 := 1, l2 := 1,\ f(x1, x2) := \sin(2\pi \cdot x1)\cdot \sin(2\pi \cdot x2), \mu(x1, x2) := 0$ деб оламиз. Айирмали схемани қуриш мақсадида соҳани $x1$ йўналиши бўйича $N1 := 10$ бўлакга бўлиб тугун нуқталарни $h1 := \frac{1}{N1}, i := 0..N1,\ x1_i := ih1$ бўйича оламиз. Худди шундай $N2 := 10$ бўлакга бўлиб тугун нуқталарни $h2 := \frac{1}{N2}, j := 0..N2,\ x2_j := jh2$ бўйича топиб оламиз. У ҳолда Дирихле масаласининг аниқ ечими $u_{i,j} := \frac{\sin(2\pi \cdot x1)\cdot \sin(2\pi \cdot x2)}{8 \cdot \pi^2}$ ни $\varepsilon := h1^3 + h2^3$ аниқликда топамиз. Шу мақсадда

$$\frac{y_{i-1,j} - 2y_{i,j} + y_{i+1,j}}{h1^2} + \frac{y_{i,j-1} - 2y_{i,j} + y_{i,j+1}}{h2^2} = -f_{i,j}$$

$$y_{0,j} = \mu_{0,j} \qquad y_{N1,j} = \mu_{N1,j} \qquad j := 1..N2 - 1$$

$$y_{i,0} = \mu_{i,0} \qquad y_{i,N2} = \mu_{i,N2} \qquad i := 1..N1 - 1$$

айирмали схемадан фойдаланамиз. Ушбу системани Чебишев итерацион усули ёрдамида ечиш учун уни

$$A \cdot y = f$$

кўринишида ёзиб оламиз. У ҳолда A матрица симметрик бўлади ва унинг энг кичик ва энг катта хос сонлари мос равишда

$$\gamma 1 := \frac{8}{h1^2} \cdot \sin^2\left(\frac{\pi \cdot h1}{2}\right) \qquad \gamma 2 := \frac{8}{h2^2} \cdot \sin^2\left(\frac{\pi \cdot h2}{2}\right)$$

формулалар бўйича ҳисобланади. Демак, ушбу системани Чебишев итерацион усули ёрдамида ҳисоблаш мумкин. Шу мақсадда

$$\xi := \frac{\gamma 1}{\gamma 2}\ ,\ \rho 0 := \frac{1-\xi}{1+\xi}\ ,\ \tau_0 := \frac{2}{\gamma 1+\gamma 2}\ ,\ \rho 1 := \frac{1-\sqrt{\xi}}{1+\sqrt{\xi}}$$

$$n := ceil\left[\frac{\ln\left(\frac{2}{\varepsilon}\right)}{\ln\left(\frac{1}{\rho 1}\right)}\right]\quad k := 1..n\ ,\ t_k := \cos\left[\frac{(2k-1)\cdot\pi}{2n}\right],\qquad \tau_k := \frac{\tau_0}{1+\rho 0\cdot t_k}$$

Чебишев параметрларини ҳисоблаб чиқамиз.

$$n := n - ceil\left(\frac{n}{5}\right)$$

$$F := \left|\begin{array}{l} F_0 \leftarrow y \\ r \leftarrow y \\ \text{for } k \in 1..n \\ \quad \left|\begin{array}{l} \text{for } i \in 1..N1-1 \\ \quad \text{for } j \in 1..N2-1 \\ \qquad r_{i,j} \leftarrow -\left[\left(\frac{y_{i-1,j} - 2\cdot y_{i,j} + y_{i+1,j}}{h1^2} + \frac{y_{i,j-1} - 2\cdot y_{i,j} + y_{i,j+1}}{h2^2}\right) + f(x1_i, x2_j)\right] \\ F_k \leftarrow y - \tau_k\cdot r \\ y \leftarrow F_k \end{array}\right. \\ F \end{array}\right.$$

Хатолик функцияси Евклид нормасининг k- итерация сонига боғлиқлигини кузатамиз:

$$k := 0..n\ ,\ z_k := norme(F_k - u)$$

1 расм. Хатолик нормаси.



$$j := 1..N2-1$$

Аппроксимация хатолиги

$$\psi_{i,j} := \frac{u_{i-1,j} - 2u_{i,j} + u_{i+1,j}}{h1^2} + \frac{u_{i,j-1} - 2u_{i,j} + u_{i,j+1}}{h2^2} + f(x1_i, x2_j)$$

$$j := 1..N2-1 \qquad i := 1..N1-1$$

ёрдамида ҳисобланади.

М И С О Л Л А Р :

№1. Ўзгармас куч таъсири остида квадрат пластинканинг деформацияланиши $\Delta u = -1$ Пуассон тенгламасига келади. Чегара қийматлари нолга тенг. Тенглама тўрлар усули қўлланилиб ечилсин.

№2. Учлари $A(0,0), B(0,1), C(1,1), D(1,0)$ нуқталарда жойлашган квадрат учун Лаплас тенгламасининг ечимини топинг. Ечим қийматларири $h = 0.25$ қадам билан ҳисобланг. Чегара шартлари: $u(AB) = 30y$, $u(BC) = 30(1-x)$, $u(CD) = 0$, $u(AD) = 0$

№3. $x = 0.1 \cdot m,\ m = 0..10,\ t = 0.02$ тўрда $\frac{\partial}{\partial t}u = \frac{\partial^2}{\partial t^2}u + \alpha \cdot (x^2 - 2t),\ 0 \le x \le 1,\ 0 \le t \le 0.02$ тенгламанинг $u(x,0) = 0$, $u(0,t) = 0$, $u(l,t) = \alpha t$ шартларни қаноатлантирувчи ечими топилсин, $\alpha = 0.5 \cdot k$, $k = 1..6$, $h = 0.1$, $l = 0.02$.

№4. $x = 0.1 \cdot m,\ m = 0..10,\ t = 0.02$ тўр учун $\frac{\partial}{\partial t}u = \frac{\partial^2}{\partial t^2}u \cdot \frac{1}{\alpha},\ 0 \le x \le 1,\ 0 \le t \le 0.02$ тенгламанинг $u(x,0) = e^{-\alpha x}$, $u(0,t) = e^{\alpha t}$, $u(l,t) = e^{\alpha(t-1)}$ шартларни қаноатлантирувчи ечими топилсин, $\alpha = 2 + 0.3k$, $k = -4,-3,-2,-1,1,2,3,4....$, $h = 0.1$.

№5.
$\frac{d^2}{dx^2}u(x,y) + \frac{d^2}{dy^2}u(x,y) = 2(1+\alpha),\ 0 \le x,\ y \le 1,\ u(x,0) = x^2$, $u(0,y) = \alpha \cdot y^2$, $u(\Gamma) = (1-\alpha) \cdot x^2 + \alpha$, Пуассон тенгламаси учун чегаравий масала $(x_m, y_n), x_m = 0.2 \cdot m,\ y_n = 0.2 \cdot n$ тўрда ечилсин, бунда Γ-айлананинг бир қисми, $x \ge 0,\ y \ge 0$ да $x^2 + y^2 = 1, \alpha = 0.3 \cdot k,\ k = 0..10$.

№6. $h = l = 0.1$ квадрат тўрда $u(x,0) = (1.5x^2 + 1.2) \cdot \sin \pi x$, $u_\tau(x,0) = 0.1x$, $u(0,t) = 0$, $u(l,t) = 0$

№7. $h = l = 0.1$ квадрат тўрда $u(x,0) = (1.5x^2 + 0.9) \cdot e^{-x}$, $u_\tau(x,0) = 0$, $u(0,t) = 0$, $u(l,t) = 2.4e^{-1}$

VI. МАТЕМАТИК-ФИЗИКА ТЕНГЛАМАЛАРИНИ ЕЧИШНИНГ БОШҚА УСУЛЛАРИ

24. Математик - физика масалаларини ечишнинг вариацион-айирмали усуллари

<u>**1-мисол. Гиперболик тенглама.**</u> $\{0 < x < 1,\ 0 < t < T\}$ соҳада

$$\frac{\partial}{\partial t}u + a\cdot\frac{\partial}{\partial x}u = 0\ ,\ a > 0$$

тенгламани қаноатлантирувчи ва $t = 0$ да $u(x,0) = u0(x)$ бошланғич шартни қаноатлантирувчи, ҳамда $x = 0$ ва $x = 1$ да $u(0,t) = u(l,t)$ чегаравий шартларни қаноатлантирувчи $u(x,t)$ функция топилсин. Аниқлик учун $l := 1$, $T := 1$, $u0(x) := \sin(2\pi x)$ деб оламиз. Соҳани x- йўналиши бўйича $N := 10$ бўлакга бўлиб, тугун нуқталарни $h := \frac{1}{N}$, $i := 0..N$, $x_i := i\cdot h$ ва ҳар бир нуқтага $\phi_i(x)$ базис функцияни мос қўямиз. Соддалик учун $\phi_i(x) = \phi(x, x_{i-1}, x_i, x_{i+1})$, $i := 1..N-1$

$$\phi(x,a,b,c) := \begin{cases} \dfrac{x-a}{h} & \text{if } a \le x \le b \\ \dfrac{c-x}{h} & \text{if } b \le x \le c \\ 0 & \text{otherwise} \end{cases}$$

$$\phi_N(x) = \phi N(x, x_0, x_1, x_{N-1}, x_N),\ \ i := 1..N-1$$

$$\phi N(x,a,b,c,d) := \begin{cases} \dfrac{x-c}{h} & \text{if } c \le x \le d \\ \dfrac{b-x}{h} & \text{if } a \le x \le b \\ 0 & \text{otherwise} \end{cases}$$

деб оламиз. Юқоридаги аралаш масала ечимини

$$u(x,t)_h = \sum_{i=1}^{N} a(t)_i \cdot \phi(x)_i$$

кўринишда излаймиз. Бу ерда $a(t)_i$

$$\left(\frac{d}{dt}u_h, \phi_j\right)\cdot(t) + \left(a\cdot\frac{d}{dx}u_h, \phi_j\right)\cdot(t) = 0$$

$$(u_h, \phi_j)\cdot(0) = \left[u_{(0)}, \phi_j\right]$$

ёки

$$M\cdot\frac{d}{dt}a + A\cdot a = 0$$

$$M\cdot a(0) = a_{(0)}$$

$$a_{(0)} = \left[u_{(0)}, \phi_j\right]$$

оддий дифференциал тенгламалар системасидан аниқланади. Оддий ҳисоблашлардан кейин

$$i := 0..N-1$$

$$j := 0..N-1$$

$$\frac{2}{3}h = 0.067$$

$$M_{i,j} := \begin{vmatrix} \frac{2}{3}\cdot h \ \text{ if } i = j \\ \frac{1}{6}\cdot h \ \text{ if } (i = j+1) + (i = j-1) \\ \frac{1}{6}\cdot h \ \text{ if } (i = N-1)\cdot(j = 0) \\ \frac{1}{6}\cdot h \ \text{ if } (j = N-1)\cdot(i = 0) \end{vmatrix} \qquad A_{i,j} := \begin{vmatrix} 0 \ \text{ if } i = j \\ \frac{1}{2} \ \text{ if } (i = j-1) \\ -\frac{1}{2} \ \text{ if } (i = j+1) \\ \frac{1}{2} \ \text{ if } (i = N-1)\cdot(j = 0) \\ -\frac{1}{2} \ \text{ if } (j = N-1)\cdot(i = 0) \\ 0 \ \text{ otherwise} \end{vmatrix}$$

$$a0_i := \int_0^1 u0(q)\cdot\left(\begin{vmatrix} \phi(q, x_i, x_{i+1}, x_{i+2}) \ if \ \ 0 \le i \le N-2 \\ \phi N(q, x_0, x_1, x_{N-1}, x_N) \ if \ \ i = N-1 \end{vmatrix}\right)dq$$

ҳосил киламиз. Юқоридаги оддий дифференциал тенгламалар системаси учун Коши масаласини қуйидаги кўринишда ёзиб оламиз:

$$\frac{d}{dt}a = -\left(M^{-1}\cdot A\cdot a\right)$$

$$a(0) = M^{-1}\cdot a_{(0)}$$

Ҳосил бўлган Коши масаласини Mathcad системасининг ички қурилган $rkfixed(y, t1, t2, npo\operatorname{int}s, D)$ функцияси ёрдамида $[t1, t2]$ кесмада ҳисоблаймиз.Бу ерда y - бошланғич шартлар вектори; $t1, t2$ - ечим изланаетган кесманинг чегаралари; $npo\operatorname{int}s$ - эса ечим топилиши лозим бўлган тўрдаги нуқталар сони; D - система матрицаси. $rkfixed$ функцияси шундай матрицаки, унинг биринчи устуни тўр нуқталарини ва қолган устунлари эса ечим қийматларидан иборат.

$$y := M^{-1}\cdot a0\ ,\ t1 := 0\ ,\ t2 := T\ ,\ npo\operatorname{int}s := 20\ ,\ D(t, y) := -M^{-1}\cdot A\cdot y$$

$$B := rkfixed(y, t1, t2, npo\operatorname{int}s, D)$$

У ҳолда ечим

$$m := 0..npo\operatorname{int}s\ ,\ Nx := 50\ ,\ j := 0..Nx\ ,\ v_j := j\cdot\frac{1}{Nx}$$

$$uh_{m,j} := \sum_{k=1}^{N} B_{m,k}\left[\begin{vmatrix} \phi N(v_j, x_0, x_1, x_{N-1}, x_N) \ if \ \ k = N \\ \phi(v_j, x_{k-1}, x_k, x_{k+1}) \ if \ \ (1 \le k \le N-1) \end{vmatrix}\right]$$

формула ёрдамида ҳисобланади. Аниқ ечим эса

$$u_{m,j} := \sin\left(v_j\cdot 2\pi - m\cdot 2\pi\cdot\frac{T}{npo\operatorname{int}s}\right)$$

формула ёрдамида ҳисобланади. Хатолик функцияси $z := u - u\cdot h$ тенг бўлади.

1 Расм. Аниқ ечим.



2 Расм. Чекли элементлар усули ёрдамида топилган ечим



МИСОЛЛАР:

Ушбу $\frac{\partial^2}{\partial t^2}u = \frac{\partial^2}{\partial x^2}u$ тенгламанинг $0 \le t \le 0.5$, $0 \le x \le 1$ текисликдаги ечими $h = 0.1$ кадам билан топилсин. Бошланғич ва чегаравий шартлар қуйида берилган:

№1. $u(x,0) = (1.2x^2 + 1.1)\cdot \sin \pi x$, $u_t(x,0) = 0$, $u(0,t) = 0$, $u(l,t) = 0$

№2. $u(x,0) = (1.1x^2 + 1)\cdot \sin \pi x$, $u_t(x,0) = 0$, $u(0,t) = 0$, $u(l,t) = 1$

№3. $u(x,0) = (1.3x^2 + 1.1)\cdot \sin \pi x$, $u_t(x,0) = 0$, $u(0,t) = 0$, $u(l,t) = 0$

№4. $u(x,0) = (1.4x^2 + 1.1)\cdot \sin \pi x$, $u_t(x,0) = 0$, $u(0,t) = 0$, $u(l,t) = 0$

№5. $u(x,0) = (1.5x^2 + 1.1)\cdot \sin \pi x$, $u_t(x,0) = 0$, $u(0,t) = 0$, $u(l,t) = 0$

№6. $h = l = 0.1$ квадрат тўрда $u(x,0) = (1.5x^2 + 1.2)\cdot \sin \pi x$, $u_t(x,0) = 0.1x$, $u(0,t) = 0$. $u(l,t) = 0$

№7. $h = l = 0.1$ квадрат тўрда $u(x,0) = (1.5x^2 + 0.9)\cdot e^{-x}$, $u_t(x,0) = 0$, $u(0,t) = 0$, $u(l,t) = 2.4e^{-1}$

№8. $u(x,0) = (x+1)\cdot x$, $u_t(x,0) = \cos x$, $u(0,t) = 0$, $u(l,t) = 2(t+1)$

№9. $u(x,0)=x^2-0.5x-0.5$, $u_t(x,0)=\sin(x+0.2)$, $u(0,t)=t-0.5$, $u(l,t)=3t$

№10. $u(x,0)=-3x^2+3x$, $u_t(x,0)=\cos(x+0.5)$, $u(0,t)=2t$, $u(l,t)=0$

№11. $u(x,0)=0.5\cdot(x^2+1)$, $u_t(x,0)=x\sin 2x$, $u(0,t)=0.5+3t$, $u(l,t)=1$

№12. $u(x,0)=x\cdot\cos\pi x$, $u_t(x,0)=(x+1)^2$, $u(0,t)=2t$, $u(l,t)=0$

№13. $u(x,0)=(x+1)\cdot\sin\pi x$, $u_t(x,0)=x^2+x$, $u(0,t)=0$, $u(l,t)=0.5t$

№14. $u(x,0)=0.5x\cdot(x+1)$, $u_t(x,0)=x\sin x$, $u(0,t)=2t^2$, $u(l,t)=1$

№15. $u(x,0)=(x+1)\cdot\cos\left(\frac{\pi x}{2}\right)$, $u_t(x,0)=1-x^2$, $u(0,t)=0.5t$, $u(l,t)=2$

№16. $u(x,0)=(1-x^2)\cdot\sin\pi x$, $u_t(x,0)=2x+0.8$, $u(0,t)=1+0.5t$, $u(l,t)=0$

№17. $u(x,0)=(x+0.5)^2$, $u_t(x,0)=(x+1)\cdot\cos x$, $u(0,t)=0.5\cdot(0.5+t)$, $u(l,t)=3$

№18. $u(x,0)=x\cdot(2x-0.5)$, $u_t(x,0)=\sin 2x$, $u(0,t)=t^2$, $u(l,t)=1.8$

№19. $u(x,0)=(x+0.6)\cdot(x+0.5)$, $u_t(x,0)=\sin(x+0.3)$, $u(0,t)=0.5$, $u(l,t)=3-2t$

№20. $u(x,0)=(2-x)\cdot\cos\pi x$, $u_t(x,0)=(x+0.8)^2$, $u(0,t)=0.5t$, $u(l,t)=0$

№21. $u(x,0)=(x+0.6)\cdot\sin\frac{\pi x}{2}$, $u_t(x,0)=0.3\cdot(x^2+1)$, $u(0,t)=0.5$, $u(l,t)=1.2t$

№22. $u(x,0)=(x+0.1)\cdot(0.5x+1)$, $u_t(x,0)=2\sin\left(x+\frac{\pi}{6}\right)$, $u(0,t)=2$, $u(l,t)=4.5-3t$

№23. $u(x,0)=(x+0.2)\cdot\cos\frac{\pi x}{2}$, $u_\tau(x,0)=1+x^2$, $u(0,t)=0.4t$, $u(l,t)=1.2$

№24. $u(x,0)=(x^2+0.6)\cdot(1-x)$, $u_t(x,0)=1-\cos x$, $u(0,t)=1$, $u(l,t)=0.5t$

№25. $u(x,0)=(x^2+0.6)\cdot\sin\pi x$, $u_t(x,0)=(x+0.3)^2$, $u(0,t)=0.5$, $u(l,t)=2t-1$

$\frac{\partial}{\partial t}u=\frac{\partial^2}{\partial x^2}u$, $u(x,0)=f(x)$, $u(0,t)=\phi(t)$, $u(l,t)=\psi(t)$, $0\le t\le T$ чегаравий масала ечилсин, x бўйича қадам $h=0.1$:

№26. $f(x)=(1.3x^2+1.4)\cdot\sin\pi x$, $\phi(t)=0$, $T=0.02$

№27. $f(x)=e^{-bx}\cdot\sin\frac{\pi}{12}x$, $\phi(t)=e^{-0.1}\cdot\sin\frac{\pi}{12}$, $T=0.02$

VII. ИНТЕГРАЛ ТЕНЛАМАЛАРНИ ТАҚРИБИЙ ЕЧИШ УСУЛЛАРИ

25. Интеграл тенгламаларни тақрибий ечиш

1-мисол. Айниган ядрога алмаштириш усули.

$$\phi(x)-\lambda\cdot\int_0^1 K(x,y)\cdot\phi(y)dy=f(x) \qquad (1)$$

интеграл тенгламани ечиш талаб қилинган бўлсин. Ушбу мисолимиз учун тенгламанинг ўнг томони, коэффициенти ва ядроси мос равишда

$$\lambda:=0.5 \qquad K(x,y):=e^{\frac{xy}{25}}$$

$$f(x):=\sin(2\pi x)-\lambda\cdot\left[-1250\cdot\exp\left(\frac{1}{25}x\right)\cdot\frac{\pi}{(x^2+2500\cdot\pi^2)}+1250\cdot\frac{\pi}{(x^2+2500\cdot\pi^2)}\right]$$

кўринишга эга булсин. Ядрони Тейлор қаторига ёйиш усули билан айниган ядрога келтирамиз. Шу мақсадда Тейлор қаторидаги биринчи тартибли ҳадларии олиш билан кифояланамиз.

$$Kx(x,y):=\frac{\partial}{\partial x}K(x,y) \qquad Ky(x,y):=\frac{\partial}{\partial y}K(x,y)$$

$$K1(x,y,x0,y0):=K(x0,y0)+(x-x0)\cdot(Kx(x0,y0))+(y-y0)\cdot(Ky(x0,y0))$$

Тейлор қаторига ёйишни $x0:=\frac{1}{2}$, $y0:=\frac{1}{2}$ нуқтада амалга оширамиз. $K1(x,y,x0,y0)$ функцияни $K1(x,y,x0,y0)=\alpha 1(x)\cdot\beta 1(y)+\alpha 2(x)\cdot\beta 2(y)$ кўринишда ёзиб оламиз. Бу ерда

$$\alpha 1(x):=K(x0,y0)+(x-x0)\cdot(Kx(x0,y0)), \quad \beta 1(y):=1$$

$$\beta 2(y):=(y-y0)\cdot(Ky(x0,y0)), \quad \alpha 2(x):=1$$

Интеграл тенглама ечимини

$$\phi(x):=f(x)+(A_0\cdot\alpha 1(x)+A_1\cdot\alpha 2(x))$$

кўринишда излаймиз. Номаълум коэффициентлар

$$A_i-\lambda\cdot\sum_{j=0}^{1}A_j\cdot\beta_{i,j}=\lambda\cdot F_i \quad , \qquad i:=0..1$$

алгебраик тенламалар системасидан аниқланади. Ушбу система коэффициентлари ва ўнг томони қуйидаги формулалар ёрдамида ҳисобланади.

$$F_0 := \int_0^1 f(x)\cdot \beta 1(x)dx \qquad F_1 := \int_0^1 f(x)\cdot \beta 2(x)dx$$

$$\beta_{0,0} := \int_0^1 \alpha 1(x)\cdot \beta 1(x)dx \qquad \beta_{0,1} := \int_0^1 \alpha 2(x)\cdot \beta 1(x)dx$$

$$\beta_{1,0} := \int_0^1 \alpha 1(x)\cdot \beta 2(x)dx \qquad \beta_{1,1} := \int_0^1 \alpha 2(x)\cdot \beta 2(x)dx$$

У ҳолда чизиқли алгебраик тенгламалар системасининг ечими ва унга мос интеграл тенгламанинг тақрибий ечими

$$A := (identity(2) - \lambda\cdot\beta)^{-1}\cdot\lambda\cdot F$$

$$\phi(x) := f(x) + (A_0\cdot\alpha 1(x) + A_1\cdot\alpha 2(x))$$

формулалар ёрдамида ҳисобланади.

$$N := 20,\ i := 0..N\ ,\ x_i := i\cdot\frac{1}{N}\ ,\ \psi_i := \phi(x_i)\ ,\ u_i := \sin(2\pi\cdot x_i)$$

1 расм. Аниқ ечим. 2 расм. Тақрибий ечим.





$r_i := u_i - \psi_i$

3 расм. Хатолик функцияси..



М И С О Л Л А Р :

Кетма-кет яқинлашишлар усулидан фойдаланиб ҳисоблансин:

№1. $y(x)=1+\int_0^1 x\cdot t^2\cdot y(t)dt$

№2. $y(x)=\frac{5}{6}x+\frac{1}{2}\cdot\int_0^1 x\cdot t\cdot y(t)dt$

№3. $y(x)=x^2+\int_0^1 x\cdot t^2 dt$

Қуйидаги мисолларда кўрсатилган квадратур формуладан фойдаланилсин:

№4. $y(x)+\int_0^1 \frac{y(t)}{1+x^2+t^2}dt=1.5-\alpha\cdot x^2$ (трапециялар формуласи, $n=4$, $\alpha=1{,}5$)

№5. $y(x)-0.3\cdot\int_0^1 \frac{1}{\ln(\alpha-xt)}dt=1+e^x$ (трапециялар формуласи, $n=4$, $\alpha=2..10$)

№6. $y(x)-\int_0^{0.96} \frac{(1+\alpha x+t)\cdot y(t)}{2+x^2+t^2}dt=e^{-x}$ (Симпсон формуласи, $n=4$, $\alpha=1..10$)

№7. $y(x)-\frac{1}{3}\cdot\int_0^1 arctg\left(\frac{x}{\beta+y}\right)\cdot y(t)dt=\frac{1}{1+x}$ (Симпсон формуласи, $n=6$, $\beta=1..10$)

№8. $y(x)+\frac{1}{4}\cdot\int_0^1 \cos\left(\frac{x}{\gamma+t}\right)\cdot y(t)dt=e^x$ (Гаусс формулалари, $n=4$, $\gamma=1..10$)

№9. $y(x)-\frac{1}{8}\cdot\int_0^1 \frac{x-t}{10t+\gamma}\cdot y(t)dt=\frac{1}{1+x^2}$ (Гаусс формулаларидан бири, $n=4$, $\gamma=10..15$)

Келтирилган интеграл тенгламаларни ечишда ҳар хил усуллардан фойдаланилсин:

№11. $y(x)=a+\int_0^x x\cdot t^\alpha\cdot y(t)dt$, $\alpha=0..10$, $a=1..10$

№12. $y(x)=e^{-\alpha}+\int\limits_0^x e^{x+\beta t}\cdot y(t)dt$, $\alpha=0..10$, $\beta=1..10$

№13. $y(x)=x^{\alpha}+\int\limits_0^x x\cdot t^{\beta}\cdot y(t)dt$, $\alpha=0..10$, $\beta=1..10$

Интеграл тенглама кўрсатилган квадратур формула қўлланилиб, $1\cdot10^{-3}$ аниқликда ечилсин:

№14. $y(x)+\int\limits_0^{0.5}\frac{(1+t)\cdot y(t)}{2+\sin(\beta\pi(x+t))}dt=1+\alpha\sin(\pi x)$, $\alpha=1$, $\beta=0.3$, (трапеция)

№15. $y(x)-\int\limits_0^{0.8}\frac{y(t)}{1+\gamma\cdot e^{-xt}}dt=\delta\cdot ch(x)$, $\gamma=0.2$, $\delta=1$, (Симпсон)

№16. $y(x)-\int\limits_0^1\frac{\cos(\eta\cdot x\cdot t)}{t}\cdot y(t)dt=f(x)$, $\eta=0.5+0.1\cdot2$, $f(x)=x^2$

№17. $y(x)-\int\limits_0^1(1+t)\cdot\left(e^{\mu\cdot x\cdot t}-1\right)dt=f(x)$, $\mu=0.3+0.2$, $f(x)=x^3$

№18. $y(x)=\int\limits_0^x\frac{y(t)}{(x-t)^{\alpha}}dt$, $0<\alpha<1$

№19. $y(x)=\int\limits_1^n e^{-xt}\cdot y(t)dt=f(x)$, $0<\alpha<1$

№20. $y(x)=\int\limits_0^n e^{-xt}\cdot y(t)dt=f(x)$, $0<\alpha<1$

№21. $y(x)=e^x-x-\int\limits_0^1 x\cdot\left(e^{xt}-1\right)\cdot y(t)dt$

№22. $y(x)=\sin x+\int\limits_0^1(1-x\cdot\cos(xt))\cdot y(t)dt$

№23. $y(x)=1+\int\limits_0^1 xt^2\cdot y(t)dt$

8. Тест топшириқлари

1. Хатоликлар манбаи қуйидагилардан иборат:

а) йўқотилмас хато, қўпол хато, аҳамиятсиз хато;
б) усул ҳатоси, яхлитлаш хатоси;
в) йўқотилмас хато, усул хатоси, ҳисоблаш хатоси;
г) қўпол хато, усул хатоси, тақрибий натижалар хатоси;
д) хеч қайсиси эмас.

2. Бир хил ишорали тақрибий сонлардан иборат бўлган йиғиндининг абсолют хатоси нимага тенг?
а) қўшилувчилар абсолют хатоликларининг энг каттасига;
б) қўшилувчилар абсолют хатоликларининг энг кичигига;
в) қўшилувчилар абсолют хатоликларининг ўрта арифметигига;
г) қўшилувчилар абсолют хатоликларининг йиғиндисига;
д) номаълум

3. Тақрибий сонлар кўпайтмасининг нисбий хатоси.
а) кўпайтувчилар нисбий хатоликларининг кўпайтмасига тенг;
б) кўпайтувчилар нисбий хатоликларнинг энг каттасига тенг;
в) кўпайтувчилар абсолют хатоликларнинг йиғиндисига тенг;
г) аниқланмаган;
д) кўпайтувчилар нисбий хатоликларнинг йиғиндисига тенг;

4. π сонининг олтита ишончли рақами бор, унинг абсолют хатолиги қандай бўлади?

а) $\Delta\pi \le 10^{-6}$, б) $\Delta\pi \le \frac{1}{2}10^{-6}$, в) $\Delta\pi \le \frac{1}{6}$, г) $\Delta\pi - 3\cdot 10^{-6}$, д) $\Delta\pi \le \frac{1}{2}10^{-5}$.

5. $a = 0{,}312$; $b = 1{,}004$ бўлиб, барча рақамлар ишончли бўлса, $c = a\cdot b$ нинг ишончли рақамлари қанча бўлади?
а) 2; б) 3; в) 4; г) 1; д) 12.

6. $tg\frac{\pi}{3}$ нинг нисбий хатолиги 0,5% бўлса, ишончли рақамлари сони нечта бўлади?
а) 1; б) 2; в) 5; г) 4; д) 3.

7. $a = 35{,}92$ ва $b = 3{,}043$ тақрибий сонларнинг барча рақамлари ишончли $c = a:b$ нинг нисбий хатолиги қандай бўлади?

а) $\delta c = 0$, б) $\delta c < 0$, в) $\delta c \le \frac{2}{3}10^{-3}$, г) $\delta c \le 10^{-4}$, д) $\Delta c \le \frac{1}{2}10^{-5}$.

8. $\sqrt{a}, \sqrt{b}$ тақрибий сонларнинг ишончли рақамлари сони бешга тенг бўлса, $c = \sqrt{a} : \sqrt{b}$ – тақрибий соннинг нисбий хатолиги қандай бўлади. Бу ерда $4 < a < 5,\ \ 1- < b < 11$.

а) $\delta c \le \frac{5}{6}10^{-4}$; б) $\delta c \le \frac{1}{6}10^{-4}$; в) $\delta c \le \frac{1}{6}10^{-5}$; г) $\delta c \le \frac{1}{2}10^{-5}$; д) $\delta c \le 10^{-5}$.

9. Агар $\Delta x = \frac{1}{2}10^{-4}$ бўлса, $\left[10^{-2}, 1\right]$ оралиқда $y = ln x$ нинг хатолиги қандай бўлади?

а) $\Delta y \le \frac{1}{2}10^{-2}$; б) $\Delta y \le 10^{-1}$; в) $\Delta y \le \frac{1}{4}10^{-3}$; г) $\Delta y \le \frac{1}{8}10^{-1}$; д) $\Delta y \le \frac{1}{25}10^{-2}$.

10. $y = tgx$ функциянинг $\left[\frac{\pi}{6}, \frac{\pi}{3}\right]$ оралиқда аргумент қийматининг абсолют хатолиги $\Delta x = \frac{1}{8}10^{-2}$ бўлса функциянинг абсолют хатолиги қандай бўлади?

а) $\Delta y \le \frac{1}{6}10^{-2}$; б) $\Delta y \le 10^{-1}$; в) $\Delta y \le \frac{4}{3}10^{-2}$; г) $\Delta y \le 10^{-3}$; д) $\Delta y \le \frac{1}{8}10^{-3}$.

11. $\sum_{i=0}^{k} l_{ki}(x)$ – йиғинди нимага тенг. Бу ерда

$$l_{ki}(x) = \frac{\omega_{k+1}(x)}{(x - x_i)\omega_{k+1}(x_1)},\ \omega_{k+1}(x) = \prod_{i=0}^{k}(x - x_i)$$

а) 1; б) 2; в) 0; г) k – даражали полином, д) $k+1$ – даражали полином.

12. $[-1,1]$ да берилган $y = f(x)$ функция n – тартибли Лагранж интерполяцион кўпҳадига алмаштирилган. Интерполяция тугун нуқталари $x_i \in [-1,1]$ $i = \overline{0,n}$ лар қандай танланса, интерполяция – лаш хатолиги энг кичик бўлади?

а) тугун нуқталар $[-1,1]$ да тенг тақсимланса;

б) тугун нуқталар жойлашиши хатоликка таъсир этмайди;

в) тугун нуқталар $n+1$ – тартибли Лежандр кўпҳадининг ноллари бўлса;

г) тугун нуқталар $n+1$ – тартибли биринчи тур Чебишев кўпҳади ноллари бўлса;

д) $x_0 = -1,\ x_n = 1$ бўлиб, $x_i,\ i = \overline{1, n-1}$ лар ихтиёрий бўлса.

13. $y = ln x$ функциянинг $x \in [100;200]$ да жадвалини тузишда қадам h қандай бўлса чизиқли интерполяциялашнинг хатолиги $\frac{1}{4}10^{-6}$ дан катта бўлмайди?

а) $h < 1$; б) $h = 1$; в) $h < 10^{-1}$; г) $h \leq \sqrt{0,5}$; д) $h = \frac{5}{3}$.

14. Чекли айирмаларни ишлатувчи интерполяцион кўпҳадларни (и.к) кўрсатинг.
а) Лагранж интерполяцион кўпҳади;
б) Гаусс интерполяцион кўпҳади, Стирлинг интерполяцион кўпҳади;
в) Ньютоннинг тенгмас оралиқлар учун интерполяцион кўпҳади;
г) Ньютоннинг I, II интерполяцон кўпҳади, Сплайн интерполяцион кўпҳади;
д) Барча жавоблар тўғри.

15. $y = tgx$ функциянинг $\left[0; \frac{\pi}{4}\right]$ оралиқда h қадам билан жадвали берилган. Чизиқли интерполяциялаш хатолигини баҳоланг.

а) $R_1 \leq \frac{\sqrt{2}}{4}h^2$; б) $R_1 \leq \frac{h^2}{4}$; в) $R_1 \leq \frac{\sqrt{3}}{24}h^2$; г) $R_1 \leq h^2$; д) $R_1 = 10^{-1}h^2$.

16. Функция жадвал билан берилган.
$f(2)$ нинг қийматини топинг.
а) 4; б) 6; в) 8; г) 0; д) 7.

x	1	3	5
$f(x)$	2	10	2

17. $S(n) = \sum_{k=1}^{n} k^2$ нинг қайси тартибли чекли айирмалари ўзгармас бўлади?
а) ҳеч қандай; б) 5; в) 4; г) 1; д) 3.

18. Қуйидагилардан қайсиси Лагранж интерполяцион кўпҳадининг хатолигини баҳоси эмас.

I. $|R_n(x)| \leq \frac{\max\limits_{[a,b]}|f(x)|}{(n+1)!}|\omega_{n+1}(x)|$, II. $|R_n(x)| \leq \frac{\max\limits_{0 \leq i \leq n}|f^{(n+1)}x_i|}{(n+1)!}|\omega_{n+1}(x)|$,

III. $|R_n(x)| \leq \frac{\max\limits_{0 \leq i \leq n}|f(x_i)|}{(n+1)!}|\omega_{n+1}(x)|$.

а) ҳаммаси; б) I. II; в) I, III; г) II; д) II, III.

19. Қуйидагиларнинг қайсиси нотўғри?

I. $f(x_i, x_{i+1},...,x_{i+k}) = \dfrac{\Delta^k f_i}{k!h^k}$; II. $f(x_i, x_{i+1},...,x_{i+k}) = \dfrac{\Delta^{k+i} f_{k+i}}{(k+i)!h^{k+i}}$;

III. $f(x_i, x_{i+1},...,x_{i+k}) = \dfrac{\Delta^i f_k}{i!h^i}$; IV. $f(x_i, x_{i+1},...,x_{i+k}) = \Delta^k f_i$.

а) ҳаммаси; б) I,II; в) I, II, IV; г) III, IV; д) II, III, IV.

20. $y = \ln x$ нинг $x_i = 100 + i,\ i = \overline{0,5}$ нуқталарда қиймати берилган бўлса, $\ln 102{,}5$ ни ҳисоблагандаги хатоликни баҳоланг.

а) $R_s \le \dfrac{3}{512}10^{-2}$; б) $R_s \le \dfrac{1}{2}10^{-2}$; в) $R_s \le \dfrac{1}{8}10^{-2}$; г) $R_s \le \dfrac{1}{16}10^{-1}$;

д) $R_s \le \dfrac{4}{9}10^{-1}$.

21. $[10^{-1},1]$ оралиқда $y = \ln x$ функцияни чизиқли интерполяциялаш хатолиги $\dfrac{1}{2}10^{-4}$ бўлиши учун қадам h қандай бўлиши керак?

а) $h \le 2\cdot 10^{-3}$; б) $h \le 10^{-1}$; в) $h \le 10^{-2}$; г) $h = \dfrac{1}{2}10^{-3}$; д) $h = 0{,}4\cdot 10^{-1}$.

22. Қуйидагиларнинг қайси бири Ньютоннинг иккинчи интерполяцион кўпҳадининг қолдиқ ҳади.

I. $R_n(x) = h^{n+1}\dfrac{q(q-1)(q-2)...(q-n)}{(n+1)!}f^{(n+1)}(\xi)$;

II. $R_n(x) = \dfrac{f^{(n+1)}(\xi)}{(n+1)!}(x-x_0)...(x-x_n)$;

III. $R_{2n}(x) = \dfrac{h^{2n+1}}{(2n+1)!}q(q^2-1^2)...(q^2-n^2)\cdot f^{(2n+1)}(\xi)$.

а) I; б) II; в) III; г) I, II; д) ҳеч қайси бири.

23. $y = f(x)$ функция $[a,b]$ да k −тартибли $P_k(x) = \sum\limits_{i=0}^{k} c_i\varphi_i(x)$ кўпхад билан ўртача квадратик маънода яқинлаштирилганда, қандай ҳолда коэффициентларни $c_m = (f(x),\varphi_m(x))$, $m = \overline{0,k}$ кўринишда топилади?

а) $\varphi_i(x) = x^i$, $i = \overline{0,k}$;

б) $\{\varphi_i(x)\}_{i=0}^{n}[a,b]$ да чизиқли боғлиқсиз ва тўлиқ бўлса;

в) $\{\varphi_i(x)\}_{i=0}^{n}$ $[a,b]$ да ортонормал система бўлса;

г) $\{\varphi_i(x)\}_{i=0}^{n}$ $[a,b]$ да ортогонал система бўлса;

д) $\{\varphi_i(x)\}_{i=0}^{n}$ $[a,b]$ да Чебишев системасини ташкил этмаса.

24. $x = Ax + b$ чизиқли алгебраик тенгламалар системаси учун оддий итерация жараёнини яқинлашишининг етарли шартини кўрсатинг.
а) $\|A\| \le 1$; б) $\|A\| = 1$; в) $\|A\| > 1$; г) $\|A\| < 1$; д) $\|A\| \le 2$.

25. Чизиқли алгебраик тенгламалар системасини ечишнинг итерацион усулларини кўрсатинг
а) Гаусс усули;
б) Бош элементлар усули;
в) Квадрат илдизлар усули;
г) Зейдел усули, градиентлар усули;
д) Хайдаш усули.

26. $A = \begin{pmatrix} -1 & 2 & 3 \\ 4 & -5 & 6 \\ 7 & 8 & 9 \end{pmatrix}$ матрицанинг октаэдрик нормасини топинг.

а) 10; б) 5; в) 0; г) 18; д) 24;

27. $A = \begin{bmatrix} -1 & 2 & 3 \\ 4 & -5 & 6 \\ 7 & 8 & 9 \end{bmatrix}$ матрицани нормал Фробениус кўринишига келтиришда Данилевский методидаги M_2 матрицани топинг.

а) $M_2 = \begin{bmatrix} 1 & 0 & 0 \\ 7 & -8 & -9 \\ 0 & 0 & 1 \end{bmatrix}$; б) $M_2 = \begin{bmatrix} 1 & 0 & 0 \\ -\frac{7}{8} & \frac{1}{8} & \frac{9}{8} \\ 0 & 0 & 1 \end{bmatrix}$; в) $M_2 = \begin{bmatrix} 1 & 0 & 0 \\ 0 & 1 & 0 \\ 7 & 8 & -9 \end{bmatrix}$;

г) $M_2 = \begin{bmatrix} -1 & 2 & 3 \\ 4 & -5 & 6 \\ 0 & 0 & 1 \end{bmatrix}$; д) $M_2 = \begin{bmatrix} 1 & 0 & 0 \\ -\frac{4}{8} & \frac{5}{8} & -\frac{6}{8} \\ 0 & 0 & 1 \end{bmatrix}$.

28. $A = \begin{bmatrix} 1 & 2 & 3 \\ 2 & 3 & 1 \\ 3 & 2 & 1 \end{bmatrix}$, $y^{(0)} = \begin{bmatrix} 1 \\ 0 \\ 0 \end{bmatrix}$ бўлса $y^{(k)} = Ay^{(k-1)}$ дан фойдаланиб $y^{(3)}$ векторни топинг.
а) $y^{(3)} = (66,71,66)'$; б) $y^{(3)} = (14.11,10)'$; в) $y^{(3)} = (14,22,10)'$;
г) $y^{(3)} = (28,33,20)'$; д) $y^{(3)} = (42,11,10)'$.

19. Фан бўйича жорий ва оралиқ назоратларга ажратилган умумий баллнинг 55 фоизи саралаш балл ҳисобланиб, ушбу фоиздан кам балл тўплаган талабалар якуний назоратга киритилмайди.

Жорий ва оралиқ назорат турлари бўйича 55 ва ундан юқори баллни тўплаган талаба фанни ўзлаштирган деб ҳисобланади ва ушбу фан бўйича якуний назоратга кирмаслигига йўл қўйилади.

Тиббиёт олий таълим муассасаларида фан бўйича жорий, оралиқ ва якуний назоратларнинг ҳар бирига ажратилган баллнинг 55 фоизи саралаш балл этиб белгиланади ва бунда жорий ва оралиқ назоратларнинг ҳар бирига ажратилган баллнинг 55 ва ундан юқори фоиздаги баллни тўплаган талабалар ушбу фан бўйича якуний назоратга киритилади.

20. Талабанинг семестр давомида фан бўйича тўплаган умумий балли ҳар бир назорат туридан белгиланган қоидаларга мувофиқ тўплаган баллари йиғиндисига тенг.

IV. Назорат турларини ўтказиш муддати

21. Оралиқ ва якуний назорат турлари календарь тематик режага мувофиқ деканат томонидан тузилган рейтинг назорат жадваллари асосида ўтказилади. Якуний назорат семестрнинг охирги 2 ҳафтаси мобайнида ўтказилади.

22. Талаба фан бўйича курс лойиҳаси (иши)ни ушбу фан бўйича тўплаган баллари умумлаштирилишига қадар топшириши шарт.

23. Жорий ва оралиқ назоратларда саралаш баллидан кам балл тўплаган ва узрли сабабларга кўра назоратларда қатнаша олмаган талабага қайта топшириш учун, навбатдаги шу назорат турига, сўнгги жорий ва оралиқ назоратлар учун якуний назоратгача бўлган муддат берилади.

Касаллиги сабабли дарсларга қатнашмаган ҳамда белгиланган муддатларда жорий, оралиқ ва якуний назоратларни топшира олмаган талабаларга факультет декани фармойиши асосида, ўқишни бошлаганидан сўнг икки ҳафта муддатда топширишга рухсат берилади.

24. Талабанинг семестрда жорий ва оралиқ назорат турлари бўйича тўплаган баллари ушбу назорат турлари умумий баллининг 55 фоизидан кам бўлса ёки семестр якунида жорий, оралиқ ва якуний назорат турлари бўйича тўплаган баллари йиғиндиси 55 баллдан кам бўлса, у академик қарздор ҳисобланади.

Тиббиёт олий таълим муассасаларида семестр якунида фан бўйича жорий, оралиқ ёки якуний назорат турларини ҳар бири бўйича саралаш баллидан кам балл тўплаган талаба академик қарздор ҳисобланади.

Академик қарздор талабаларга семестр тугаганидан кейин қайта ўзлаштириш учун бир ой муддат берилади. Шу муддат давомида фанни ўзлаштира олмаган талаба, факультет декани тавсиясига кўра белгиланган тартибда ректорнинг буйруғи билан талабалар сафидан четлаштирилади.

25. Талаба назорат натижаларидан норози бўлса, фан бўйича назорат тури натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб бир кун мобайнида факультет деканига ариза билан мурожаат этиши мумкин. Бундай ҳолда факультет деканининг тақдимномасига кўра ректор буйруғи билан 3 (уч) аъзодан кам бўлмаган таркибда апелляция комиссияси ташкил этилади.

Апелляция комиссияси талабаларнинг аризаларини кўриб чиқиб, шу куннинг ўзида хулосасини билдиради.

26. Баҳолашнинг ўрнатилган талаблар асосида белгиланган муддатларда ўтказилиши ҳамда расмийлаштирилиши факультет декани,

кафедра мудири, ўқув бўлими ҳамда ички назорат ва мониторинг бўлими томонидан назорат қилинади.

V. Рейтинг натижаларини қайд қилиш ва таҳлил этиш тартиби

27. Талабанинг фан бўйича назорат турларида тўплаган баллари семестр якунида рейтинг қайдномасига бутун сонлар билан қайд қилинади. Рейтинг дафтарчасининг "Ўқув режасида ажратилган соат" устунига семестр учун фанга ажратилган умумий ўқув юклама соатлари, "Фандан олинган баҳо" устунига эса 100 баллик тизимдаги ўзлаштириши қўйилади.

Талабанинг саралаш балидан паст бўлган ўзлаштириши рейтинг дафтарчасига қайд этилмайди.

28. Ҳар бир фан бўйича ўтказиладиган назорат турларининг натижалари гуруҳ журнали ҳамда қайдномада қайд этилади ва шу куннинг ўзида (назорат тури ёзма иш шаклида ўтказилган бўлса, 2 (икки) кун муддат ичида) талабалар эътиборига етказилади.

29. Якуний назорат натижаларига кўра фан ўқитувчиси талабаларнинг фан бўйича рейтингини аниқлайди ҳамда рейтинг дафтарча ва қайдномаларнинг тегишли қисмини тўлдиради.

30. Талабанинг рейтинги унинг билими, кўникмаси ва малакалари даражасини белгилайди. Талабанинг семестр (курс) бўйича умумий рейтинги барча фанлардан тўпланган рейтинг баллари йиғиндиси орқали аниқланади.

31. Талабалар умумий рейтинги ҳар бир семестр ва ўқув йили якунлангандан сўнг эълон қилинади.

32. Диплом иловаси ёки академик маълумотномани деканат томонидан расмийлаштиришда фан бир неча семестр давом этган бўлса, рейтинглар йиғиндиси олинади.

Талабага имтиёзли диплом белгилашда унинг ҳар бир семестр якунидаги фанлар бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи ҳисобга олинади.

33. Талабаларнинг назорат турлари бўйича эришган натижалари кафедралар, деканатлар ва ўқув-методик бўлинмаларида компьютер хотирасига киритилиб, мунтазам равишда таҳлил қилиб борилади.

34. Жорий, оралиқ ва якуний назорат натижалари кафедра йиғилишлари, факультет ва олий таълим муассасаси Илмий кенгашларида мунтазам равишда муҳокама этиб борилади ва тегишли қарорлар қабул қилинади.

VI. Якуний қоидалар

35. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази тест баҳолари ва рейтинг балларининг ҳолислигини текширишни ташкил этади ва назорат қилади.

36. Ушбу Низомда белгиланган масалалар бўйича келиб чиққан низолар қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилинади.

37. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси, "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик компанияси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Навоий кон-металлургия комбинати билан келишилган.

16. Слайдлар

Ўзбекистон Миллий Университети

Хисоблаш технологиялари ва математик моделлаштириш

Ҳисоблаш математикаси

ДОЦ. Г.Н.ИСМАТУЛЛАЕВ
ДОЦ. А.А.МАХМУДОВ
ДОЦ. С.А БАХРОМОВ

ХАТОЛИК НАЗАРИЯСИ

Фараз қилайлик, a - бирор миқдорнинг аниқ қиймати бўлиб, a^* унинг маълум тақрибий қиймати бўлса, у вақтда тақрибий a^* сонининг абсолют хатоси деб $\Delta a^* = |a - a^*|$ га айтилади.

Абсолют хатони тақрибий миқдорнинг абсолют қийматига нисбати тақрибий соннинг *нисбий хатоси* *деб айтилади* δa^*

$$\delta a^* = \frac{\Delta a^*}{|a^*|}$$

235

АБСОЛЮТ ХАТОДАН КИЧИК БЎЛМАГАН, ҲАР ҚАНДАЙ СОНГА a^* ТАҚРИБИЙ СОННИНГ *ЛИМИТ АБСОЛЮТ ХАТОЛИГИ ДЕЙИЛАДИ* ВА У УЧУН ҚУЙИДАГИ ТЕНГСИЗЛИК ЎРИНЛИДИР:

$$\Delta a^* \le \Delta(a^*)$$

- Худди шунга ўхшаш лимит нисбий хато $\delta(a^*)$ тушунчасини киритиш мумкин:

$$\delta(a^*) = \frac{\Delta(a^*)}{|a^*|}$$

Бундан $\Delta(a^*) = \delta(a^*)|a^*|$ келиб чиқади.

ФУНКЦИЯНИ ИНТЕРПОЛЯЦИЯЛАШ

Масаланинг қўйилиши: даражаси n дан ошмаган шундай алгебраик кўпҳад қурилсинки, у берилган турли $n+1$ та $x_0, x_1, \ldots, x_n$ тугун нуқталарда берилган

$$f(x_0),\ f(x_1),\ \ldots,\ f(x_n) \qquad (1)$$

Қийматларни қабул қилсин, яъни

$$P_n(x) = a_0 + a_1 x + \ldots + a_n x^n$$

кўпҳад учун ушбу

$$a_0 + a_1 x_k + \cdots + a_n x_k^n = f(x_k) \quad \left(k = \overline{0,n}\right), \qquad (2)$$

тенгликлар бажарилсин.

Бу тенгламалар системасининг матрицаси Вандермонд матрицасидир, у эса махсус эмас, чунки $x_i \neq x_j, \quad i \neq j$

Демак, (2) система ягона ечимга эга, бу эса (1) кўпҳад Ягоналигини билдиради. Биз қуйида (2) шартни бажарадиган (1) кўпҳадни турли кўринишларини келтирамиз:

$$P_n(x) = \sum_{i=0}^{n} \frac{\omega_{n+1}(x)}{(x-x_i)\omega'_{n+1}(x_i)} f(x_i) \qquad (3)$$

бу ерда $\omega_{n+1}(x) = (x-x_0)(x-x_1)\dots(x-x_n)$.

Бу кўринишдаги кўпхад Лагранж интерполяцион кўпхади дейлади. Агар $f(x)$ функция $[a,b]$ да $(n+1)$-тартибли узлуксиз ҳосилага эга бўлса, у ҳолда интерполяция қолдиқ ҳадини

$$R_n(x) = f^{(n+1)}(\xi)\frac{\omega_{n+1}(x)}{(n+1)!}$$

кўринишда ифодалаш мумкин. Бу ерда $\xi \in [a,b]$.

қолдиқ ҳад баҳоси

$$R_n \le \frac{M_{n+1}}{(n+1)!} \max_{a \le x \le b} \left|\omega_{n+1}(x)\right|$$

бу ерда $\quad M_{n+1} = \max_{a \le x \le b} \left| f^{(n+1)}(x) \right|$

ЎРТА КВАДРАТИК ЯҚИНЛАШИШ

Фараз қилайлик $\{\varphi_i(x)\}_{i=0}^n$ функциялар системаси чизиқли эркли бўлиб, етарлича силлиқ бўлсин.

$L_p^2[a,b]$ га тегишли $f(x)$ функцияни

$$P_n(x)=\sum_{i=0}^n a_i\varphi_i(x)$$

умумлашган кўпҳад билан алмаштирайликки, қуйидаги

$$\delta_n=\int_a^b p(x)[P_n(x)-f(x)]^2dx=\int_a^b p(x)\left[\sum_{i=0}^n a_i\cdot\varphi_i(x)-f(x)\right]^2dx$$

ифода энг кичик қийматга эга бўлсин, яъни

$$\delta_n = \delta(a_o, a_1, \ldots, a_n)$$

- функция $a_0, a_1, \ldots, a_n$ ларга нисбатан квадратик кўпҳад ва бўлганлиги учун унинг минимуми мавжуд.

$$\frac{1}{2}\frac{\partial\delta_n}{\partial a_k} \equiv \int_a^b p(x)\left[\sum_{i=o}^{n} a_i\varphi_i(x) - f(x)\right]\cdot \varphi_k(x)dx = 0 \quad \left(k = \overline{0,n}\right)$$

ИНТЕРПОЛЯЦИОН КУБИК СПЛАЙН ҚУРИШ

Қуйидаги тўрт шартни қаноатлантирувчи $S_3(x)$ ушбу функция интерполяцион кубик сплайн дейилади:

1. Ҳар бир $[x_i, x_{i+1}]$ $(i=\overline{0,n-1})$ оралиқда $S_3(x) \in H_3(P)$ даражаси учдан ошмайдиган кўпҳадлар тўплами.

2. $S_3(x) \in C_2[a,b]$

3. $S_3(x_i) = f(x_i)$ $(i=\overline{0,n-1})$

4. $S_3''(x)$ учун

$$S_3''(a) = S_3''(b) = 0 \qquad (1)$$

чегаравий шартлар ўринли.

$S_3''(x)$ $[x_{i-1}, x_i]$ кесмада узлуксиз бўлганлигидан

$$x_{i-1} \le x \le x_i$$

да ушбу

$$S_3''(x) = M_{i-1}\frac{x_i - x}{h_i} + M_i\frac{x - x_{i-1}}{h_i} \qquad (2)$$

тенгликни ёзиш мумкин. Бу ерда

$$h_i = x_i - x_{i-1}, \quad M_i = S_3''(x_i)$$

(2) тенгликни икки марта интеграллаймиз:

$$S_3(x) = M_{i-1}\frac{(x_i - x)^3}{6h_i} + M_i\frac{(x - x_{i-1})^3}{6h_i} + A_i\frac{(x_i - x)}{h_i} + B_i\frac{(x - x_{i-1})}{h_i} \qquad (3)$$

бунда A_i ва B_i интеграллаш доимийлари бўлиб, улар таърифнинг учинчи шартидан топилади, яъни (3) да $x = x_{i-1}$, $x = x_i$ деб, мос равишда

$$M_{i-1}\frac{h_i^2}{6}+A_i=f_{i-1},\quad M_i\frac{h_i^2}{6}+B_i=f_i$$

ларни ҳосил қиламиз. Бундан A_i ва B_i топиб (3) га қўйиб, қуйидагиларга ега бўлиш мумкин:

$$S_3(x)=M_{i-1}\frac{(x_i-x)^3}{6h_i}+M_i\frac{(x-x_{i-1})^3}{6h_i}+\left(f_{i-1}-\frac{M_{i-1}h_i^2}{6}\right)\frac{(x_i-x)}{h_i}+$$

$$+\left(f_i-\frac{M_ih_i^2}{6}\right)\frac{(x-x_{i-1})}{h_i}\qquad(4)$$

17. Муаллифлар ҳақида маълумот

Ўзбекистон Миллий университети механика-математика факультети,
Ҳисоблаш технологиялари ва математик моделлаштириш кафадраси

Ғайбуллла Патхуллаевич Исматуллаев, физика-математика фанлари номзоди, доцент,

Абдукарим Абдумажидович Маҳмудов физика-математика фанлари номзоди, доцент

СайфиддинАкбарович Бахрамов физика-математика фанлари номзоди

18. Адабиётлар

1. Исроилов М.И. Ҳисоблаш методлари. 1, 2 қисм. Тошкент: Ўқитувчи, 2000.
2. Исматуллаев Ғ.П., Жўраев Ғ.У. Ҳисоблаш усулларидан методик қўлланма. Тошкент: Университет, 2005.
3. Исматуллаев Ғ.П., Пўлатов С.И., Фаязов Қ.С. Сонли усуллардан қўлланма. Тошкент: Университет, 2008.
4. Алоев Р.Д., Шарипов Т. Сонли усуллардан маърузалар тўплами. БухДУ, 1995.
5. Алоев Р.Д., Худойберганов М.Ў.Ҳисоблаш усуллари курсидан лаборатория машғулотлари тўплами. ЎзМУ 2008 й.Ўқув қўлланма. 110б.

19. Хорижий адабиётлар

1. Крылов В.И., Бобков В.В., Монастырний П.И. Вычислительные методы высшей математики. 1,2-том. Минск, Выща школа. 1972, 1975.
2. Самарский А.А., Гулин А.В. Численные методы. -М., Наука. 1989.
3. Березин И.С., Жидков Н.П. Методы вычислений. Т. 1. М.: Физматгиз. 1962.
4. Самарский А.А. Введение в численные методы. -М., Наука. 1987.
5. Марчук Г.И. Методы вычислительной математики. М., Наука. 1989.
6. Бахвалов Н.С. Численные методы. -М., Наука. 1987.
7. Сборник задач по методам вычислений. Под редакцией Монастырного П.И. Минск, Выща школа. 1983.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ҲИСОБЛАШ УСУЛЛАРИ фанидан

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

518.12(07) Численные методы

Мазкур мажмуада “Ҳисоблаш усуллари” фанидан ишчи ўқув дастури, таълим технологияси, назорат турлари учун тайёрланган топшириқлар вариантлари, тест саволари, фандан умумий назорат саволлари ва изоҳли луғат жамланган.

Ушбу ўқув-услубий мажмуа олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари учун тавсия этилади. Шу билан бирга ўқув-услубий мажмуадан илмий ходимлар, аспирант ва тадқиқотчилар ҳамда “Ҳисоблаш усуллари” фанига қизиқувчилар фойдаланишлари мумкин.

Масъул муҳаррир: ф.-м.ф.н.,Худойберганов М.Ў.

Тузувчилар: ф.-м.ф.н., доц. Исматуллаев Г.П.
ф.-м.ф.н., Бахрамов С.А.

Тақризчи: ф.-м.ф.н., Ҳаётов А.Р.

Ўқув-услубий мажмуа Ўзбекистон Миллий университети Илмий техник кенгашининг 16 июндаги № 3 сонли қарорига мувофиқ ўқув жараёнига тадбиқ этиш учун тавсия этилган.

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА МУНДАРИЖАСИ

1. Фан дастурлари

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди
№_______________
20__ йил «__»_____

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус
таълим вазирининг
20__ йил «__»
______даги
«__» – сонли буйруғи
билан тасдиқланган

«ҲИСОБЛАШ МАТЕМАТИКАСИ» фанининг

ЎҚУВ ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 400000 – Фан

Таълим йўналиши: 5460100 – Математика

Тошкент – 2010

Фаннинг ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб – ҳунар таълими ўқув – услубий бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 20__ йил «___»________даги «_____» – сон мажлис баёни билан маъқулланган.

Фаннинг ўқув дастури МИРЗО УЛУҒБЕК номидаги ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИда ишлаб чиқилди.

Тузувчи:

Исматуллаев Г.П. – «Ҳисоблаш технологиялари ва математик моделлаштириш» кафедраси доценти, ф.–м. ф.н.

Тақризчилар:

Маҳмудов А.А. – Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети доценти, физика–математика фанлари номзоди.

Шодиметов Х.М. – Математика ва ахборот технологиялари институти бўлим бошлиғи, физика–математика фанлари доктори.

Фаннинг ўқув дастури Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети Илмий – методик кенгашида тавсия қилинган. (20__ йил "___"________даги "_____" – сонли баённома).

Кириш

Мазкур курс олий таълим буйича кадрлар тайёрлаш муаммоларини ҳал этищдаги ҳисоблаш математикаси фанининг асосларини эгаллащдаги ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Сонли усуллар ҳозирги кунда кўпгина амалиёт масалаларини ечишда, айниқса, моделлари дифференциал тенгламалар терминида ифодаланадиган воқеа, жараёнларни тадқиқ қилишнинг ажралмас қисми сифатида муҳим ўрин эгаллайди. Бундай моделларни самарали реализация қилиш у ёки бу ҳисоблаш алгоритмларини танлаш ва компьютерда дастурлаш усуллари билан бевосита боғлиқ. Шу сабабли масалаларни ечишда тежамли сонли усулларни танлай биладиган ва уларни компьютерда реализация қила оладиган мутахассислар тайёрлаш катта аҳамиятга эга.

Óøáó фан àëãåáðà, математик àíàëèç, îääèé äèôôåðåíöèàë òåíãëàìàëàð, ìàòåìàòèê ôèçèêà òåíãëàìàëàðè фанëàðè áèëàí ÷àìààð÷àñ àî\ëè=äèð.

Маърузалар мазмуни (44 соат)

Функцияларни яқинлаштириш. Ўртача квадратик яқинланиш. Жадвал кўринишида берилган функцияларни ўртача квадратик маънода яқинлаштириш. Сплайн билан яқинлашиш.

Тақрибий интеграллаш. Чебишев типидаги квадратур формула. Гаусс типидаги квадратур формула. Каррали интегралларни тақрибий ҳисоблаш усуллари.

Алгебраик ва трансцендент тенгламаларни такрибий ечиш. Алгебраик тенглама илдизлари чегарасини аниқлаш, илдизларни ажратиш. Итерация усули. Ньютон усули. Юқори тартибли итерацион жараён қуришда Чебешев усули.

Чизиқли алгебранинг тақрибий усуллари. Чизиқли алгебрадан баъзи бир маълумотлар. Оддий итерация, Зейдел усуллари. Методларнинг яқинлашиш. Хос қийматларнинг тўлиқ муаммосини ҳал этишда Крилов, Данилевский усуллари. Хос қийматларни қисмий муаммоси; Леверье методи, модули бўйича энг катта хос сон ва унга мос хос векторни топиш.

Оддий дифференциал тенгламалар учун қўйилган Коши масаласини тақрибий ечиш. Бир қадамли методлар: Эйлер ҳамда унинг модификацияланган усуллари; Рунге—Кутта усули. Кўп қадамли методлар: Адамснинг экстраполяцион ва интерполяцион методлари.

Оддий дифференциал тенгламалар учун чегаравий масалаларни тақрибий ечиш. Редукция методи. Тур усули. Хайдаш усули, унинг яқинлашиши ва турғунлиги.

Хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун чегаравий масалаларни сонли ечиш усуллари. Эллиптик турдаги дифференциал тенгламаларни айирмали тенгламалар билан аппроксимация қилиш. Аппроксимация ва яқинлашиш масаласи ва уларнинг боғлиқлиги. Чегаравий шартларни аппроксимация этиш. Тўр тенгламалар системасининг ечимга эгалиги ва ягоналиги. Тўр тенгламалар системасини ечишда итерацион усул. Гиперболик турдаги тенгламаларни тўр усули билан ечиш. Параболик турдаги тенгламани тўр усули билан ечиш. Ошкор ва ошкормас схемалар. Ошкор схема турғунлиги. Абсолют ва шартли турғун айирмали схемалар.

Вариацион ва проекцион усуллар. Оддий дифференциал тенгламалар учун қўйилган чегаравий масалаларни ечишда Ритц, Коллокация, Галеркин, кичик квадратлар усули. Эллиптик турдаги хусусий ҳосилали дифференциал тенглама учун чегаравий масалани ечишда Ритц, Коллокация, Галеркин ва кичик квадратлар усуллари.

Интеграл тенгламаларни тақрибий ечиш. Квадратуралар усули. Кетма—кет яқинлашиш ва ажралувчи ядролар усули.

Амалиёт машғулотлари мавзулари (30 соат)

Сплайн функциялар билан яқинлашиш.

Каррали интегрални тақрибий ҳисоблаш.

Алгебраик тенглама илдизлари чегарасини аниқлаш, илдизларни ажратиш. Итерация, Ньютон, Чебишев усуллари.

ЧАТСни ечишда оддий итерация, Зейдел усуллари. Яқинлашиш шартлари.

Коши масаласини ечишда бир қадамли усуллар: Эйлер усули ва унинг модификацияси.

Оддий дифференциал тенглама учун чегаравий масалани ечишда редукция методи. Тўр усули.

Ҳайдаш усули, турғунлик. Эллиптик турдаги дифференциал тенгламаларни айирмали тенгламалар билан аппроксимация этиш.

Гиперболик турдаги тенгламаларни ечишда тўр усули.

Параболик турдаги тенгламаларни тўр усули билан ечиш.

Оддий дифференциал тенглама учун қуйилган чегаравий масалани ечишда коллокация, кичик квадратлар, Галеркин усуллари. Ритц методи.

Интеграл тенгламаларни ечишда квадратуралар усули. Кетма—кет яқинлашиш усуллари.

Лаборатория машғулотлари мавзулари (28 соат)

Ўртача квадратик яқинлашиш. Жадвал билан берилган функцияларни ўртача квадратик маънода яқинлаштириш.

Матрица хос қийматларнинг қисмий муаммоси (Леверье методи,модули бўйича энг катта хос сон ва хос векторини топиш).

Рунге—Кутта усули. Унинг хатолиги.

Кўп қадамли методлар: Адамс усуллари. Хатолиги.

Оддий дифференциал тенглама учун чегаравий масалани ечищда редукция методи. Тўр усули. Ҳайдаш усули. Тўр тенгламалар системасини ечищда итерацион усул. Ошкор ва ошкормас схемалар.

Гиперболик турдаги тенгламаларни ечищда тўр усули.

Параболик турдаги тенгламаларни тўр усули билан ечиш.

Оддий дифференциал тенглама учун қуйилган чегаравий масалани ечищда коллокация, кичик квадратлар, Галеркин усуллари. Ритц методи.

Эллиптик типдаги тенглама учун чегаравий масалани ечищда Ритц ва бошқа усуллар.

Интеграл тенгламаларни ечищда квадратуралар, кетма—кет яқинлашиш, хос ядро усуллари.

Адабиётлар

1. Исроилов М.И. Ҳисоблаш методлари. Тошкент: Ўқитувчи, 2000.
2. Крылов В.И., Бобков В.В., Монастырний П.И. Вычислительные методы высшей математики. 1,2—том. Минск, Выща школа. 1972, 1975.
3. Самарский А.А., Гулин А.В. Численные методы. —М., Наука. 1989.

Қўшимча адабиётлар

1. Березин И.С., Жидков Н.П. Методы вычислений. Т. 1. М.: Физматгиз. 1962.
2. Самарский А.А. Введение в Численные методы. —М., Наука. 1987.
3. Марчук Г.И. Методы вычислительной математики. М., Наука. 1989.
4. Бахвалов Н.С. Численные методы. —М., Наука. 1987.
5. Сборник задач по методам вычислений. Под редакцией Монастырного П.И. Минск, Выща школа. 1983.
6. Исматуллаев Ғ.П., Жураев Ғ.У. Ҳисоблаш усулларидан методик қўлланма. Тошкент: Университет, 2005.
7. Исматуллаев Ғ.П., Пўлатов С.И., Фаязов Қ.С. Сонли усуллардан қўлланма. Тошкент: Университет, 2008.
8. Алоев Р.Д., Шарипов Т. Сонли усуллардан маърузалар тўплами.БухДУ,1995.

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таьлим вазирлиги

Рўйхатга олинди
№_______________
2008 йил "___"__________

Ўзбекистон Рспубликаси
Олий ва ўрта махсус таъми
вазирлигининг
2008 йил "___" ____________
даги "___" сонли буйруғи билан
тасдиқланган

ҲИСОБЛАШ УСУЛЛАРИ
фанининг

ЎҚУВ ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 400000 – Фан

Таълим соҳаси: 480000 – Амалий математика ва информатика

Таълим йўналиши: 5480100 – Амалий математика ва информатика

Тошкент – 2008

Фаннинг ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб—ҳунар таълими ўқув—услубий бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2008 йил "____" __________ даги "_____"— сонли мажлис баёни билан маъқулланган.

Фаннинг ўқув дастури Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

Маҳмудов А.А. — "Ҳисоблаш технологиялари ва математик моделлаштириш" кафедраси доц., ф.—м.ф.н.

Бахрамов С.Б. — "Ҳисоблаш технологиялари ва математик моделлаштириш" кафедраси доц., ф.—м.ф.н.

Тақризчилар:

Шодиметов Х.М. — Математика ва ахборот технологиялари институти бўлим бошлиғи, ф.—м.ф.д., проф.

Жўраев Ғ.У. — "Ҳисоблаш технологиялари ва математик моделлаштириш" кафедраси доценти.

Фаннинг ўқув дастури Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Илмий—услубий кенгашида тавсия қилинган (2008 йил 27 июнидаги 9— сонли баённома).

Ҳисоблаш усуллар фанидан намунавий ўқув дастури

1. Фаннинг мазмуни. Ушбу курс мақсади математик анализ,алгебра,оддий дифференциал тенгламалар ва математик физика тенгламалари масалаларини сонли ечишдан иборат. Бу фан талабаларни математик моделлаштириш билан ҳақиқий муҳит қонуниятларини ўрганишда ва амалиётида келиб чиқадиган математик масалаларни ЭҲМ ёрдамида қўлланиладиган ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқиш ва қўллаш усули билан ечишни ўрганишга бағишланади. Мазкур курс алгебра, анализ, оддий дифференциал тенгламалар математик физика тенгламалари курслари билан чамбарчас боғлиқдир.

Ҳисоблаш экспериментидаги математик моделлаштириш билан ЭҲМ да дастурлаш поғоналари орасида жойлашган сонли усуллар (дискрет модел ва ҳисоблаш алгоритми) математик, амалий математика ва информацион технологиялар бўйича мутахассис тайёрлашда муҳимдир.

Хатоликлар назарияси элемент. Хатоликлар тури ва уларни Ҳисоблаш. Функцияларни яқинлаштириш ва интерполяциялаш масаласининг қўйилиши. Ечимнинг мавжудлиги ва ягоналиги. Лагранж интерполяцион кўпҳади. Қолдиқ ҳад баҳоси. Айирмалар нисбати иштирокида тузилган интерполяцион кўпҳад. Чекли айирмалар. Тенг оралиқлар учун интерполяцион кўпҳадлар. Сонли дифференциаллаш. Уч тугун нуқтали формула. Сплайн билан яқинлашиш(чизиқли ва кубик). Ўртача квадратик яқинлашиш. Якинлашиш масаласи. Кичик квадратлар усули.

Тақрибий интеграллаш. Интерполяцион: тўғритўртбурчак , трапеция, Симпсон формулалари. Умумлашган квадратур формулалар. Алгебраик аниқлиги энг юқори квадратур формула.

Чизиқли алгебранинг тақрибий усуллари. Зейделъ ва оддий итерация усуллари. Хос қийматларни тўлиқ ва қисмий муаммоларини ҳал этиш.

Оддий дифференциал тенгламалар учун Коши масаласини ечишнинг сонли усуллари.Бир қадамли усуллар: Эйлер ва Рунге–Кутта усуллари. Оддий дифференциал тенгламаларни ечишда кўп қадамли чекли айирмали усуллардан. Адамс экстраполяцион ва интерполяцион формулалари.

Оддий дифференциал тенгламалар учун чегаравий масалаларни ечишнинг сонли усуллари. Редукция усули. Аппроксимация тартиби.

Хусусий дифференциал тенгламалар учун чегаравий масалаларни ечишнинг сонли усуллари. Элипптик турдаги тенгламани ечишда тўр усули. Чегаравий шартларни аппроксимация этиш. Либман усули.

Гиперболик ва параболик турдаги тенгламаларни тўр усули билан ечиш. Ошкормас схемаларнинг турғунлиги.

Вариацион ва проекцион усуллар. Ритц.коллокация,Галеркин,кичик квадратурлар усули.

2. Амалий ва лаборатория машғулотлари мазмуни. Хатоликлар ва уларни Ҳисоблаш. Функцияларни интерполяцион кўпҳадлар билан якинлаштириш. Лагранж интерполяцион кўпҳади.Эйткен схемаси ва унинг алгоритми. Айирмалар нисбати иштирокида тузилган интерполяцион кўпҳадлар. Тенг оралиқлар учун интерполяцион кўпҳадлар. Эрмит кўпҳадлари. Сплайнлар билан якинлашиш (чизиқли ва кубик). Ўртача квадратик якинлашиш. Кичик квадратлар усули ва алгоритмни тузиш.

Тақрибий интеграллаш. Тўғри тўртбурчак,трапеция,Симпсон формулалари. Хатоликни баҳолашда Рунге коидаси. ЭҲМ учун алгоритм тузиш. Алгебраик аниқлиги энг юқори квадратур формула.

Чизикли алгебранинг тақрибий усуллари. Якоби, Зейделъ ва оддий итерация усуллари. Матрицанинг хос қийматларни ва хос сонларни аниқлаш.

Оддий дифференциал тенгламалар учун Коши масаласини ечишнинг сонли усуллари.Эйлер ва Рунге – Кутта усуллари. Оддий дифференциал тенгламаларни ечишда кўп қадамли чекли айирмали усуллар. Адамс экстраполяцион ва интерполяцион формулалари.

Оддий дифференциал тенгламалар учун чегаравий масалаларни ечишнинг сонли усуллари. Редукция усули. Дифференциал ҳайдаш усули.Отиш усули. Тўр усули. Математик физиканинг хусусий ҳосилали чегаравий масаласини ечишнинг сонли усуллари.

3. Мустақил ишлар мазмуни. Чебешев кўпҳади билан функцияларни яқинлаштириш. Интерполяциялашда қолдик ҳад баҳоси. қолдиқ ҳадни минимумлаштириш. Чекли айирмалар. Нъютоннинг биринчи ва иккинчи тур интерполяцион формулалари. Тенг оралиқлар учун интерполяцион кўпҳадлар. Каррали тугун нуқтали интерполяцион кўпҳадлар. Сплайнлар билан яқинлашиш (чизиқли ва кубик). Ўртача квадратик яқинлашиш. Яқинлашиш масаласи Кичик квадратлар усули ва алгоритмни тузиш.

Умумлашган квадратур формулалар. Хатоликни баҳолашда Рунге қоидаси. ЭҲМ учун алгоритм тузиш. Алгебраик аниқлиги энг юқори квадратур формула. Чебишев, Эрмит квадратур формулалари. Норегуляр ҳолда интегрални ҳисоблаш. Каррали интегралларни тақрибий ҳисоблаш усуллари.

Оддий дифференциал тенгламалар системаси учун Коши масаласини ечишнинг сонли усуллари. Бир қадамли усуллар. Оддий дифференциал тенгламаларни ечишда кўп қадамли чекли айирмали усуллар,уларни яқинлашиш ва турғунлиги Адамс экстраполяцион ва интерполяцион формулалари.

Оддий дифференциал тенгламалар учун чегаравий масалаларни ечишнинг турли сонли усуллари.

Хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун чегаравий масалани ечишнинг сонли усуллари. Эллиптик турдаги тенгламани ечишда тўр усули. Чегаравий шартларни аппроксимация этиш. Либман усули.

Гиперболик ва параболик турдаги тенгламаларни тўр усули билан ечиш. Ошкормас схемаларнинг турғунлиги.

Вариацион ва проекцион усуллар. Ритц коллокация, Галеркин, кичик квадратурлар ва чекли элементлар усули. Интеграл тенгламаларни ечишда квадратурлар, кетма—кет яқинлашиш ва ажралувчи ядролар усуллари.

Адабиётлар

1. Исроилов М.И. Ҳисоблаш методлари. Тошкент: Ўқитувчи, 2000.

2. Крылов В.И., Бобков В.В., Монастырний П.И. Вычислительные методы высшей математики. 1,2—том. Минск, Выща школа. 1972, 1975.

3. Самарский А.А., Гулин А.В. Численные методы. —М., Наука. 1989.

Қўшимча адабиётлар

1. Березин И.С., Жидков Н.П. Методы вычислений. Т. 1. М.: Физматгиз. 1962.
2. Самарский А.А. Введение в Численные методы. —М., Наука. 1987.
3. Марчук Г.И. Методы вычислительной математики. М., Наука. 1989.
4. Бахвалов Н.С. Численные методы. —М., Наука. 1987.
5. Сборник задач по методам вычислений. Под редакцией Монастырного П.И. Минск, Выща школа. 1983.
6. Исматуллаев Ғ.П., Жураев Ғ.У. Ҳисоблаш усулларидан методик қўлланма. Тошкент: Университет, 2005.
7. Исматуллаев Ғ.П., Пўлатов С.И., Фаязов Қ.С. Сонли усуллардан қўлланма. Тошкент: Университет, 2008.
8. Алоев Р.Д., Шарипов Т. Сонли усуллардан маърузалар тўплами.БухДУ,1995.

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таьлим вазирлиги

Рўйхатга олинди
№_______________
20   йил "___" ___________

Ўзбекистон Рспубликаси
Олий ва ўрта махсус таъми
вазирлигининг
2008   йил "____"
_____________ даги "____"
сонли буйруғи билан
тасдиқланган

СОНЛИ УСУЛЛАР
фанининг

ЎҚУВ ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 400 000 – Фан

Таълим соҳаси: 480 000 – Амалий математика ва информатика

Таълим йўналиши: 5480200 – Информацион технологиялар

Тошкент – 2008

Фаннинг ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб—ҳунар таълими ўқув—услубий бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 20   йил "_____" __________ даги "_____"— сонли мажлис баёни билан маъқулланган.

Фаннинг ўқув дастури Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

Маҳмудов А.А. — "Ҳисоблаш технологиялари ва математик моделлаштириш" кафедраси доц., ф.—м.ф.н.

Бахрамов С.А. — "Ҳисоблаш технологиялари ва математик моделлаштириш" кафедраси доц., ф.—м.ф.н.

Тақризчилар:

Шодиметов Х.М. — Математика ва ахборот технологиялари институти бўлим бошлиғи, ф.—м.ф.д., проф.

Жўраев Ғ. У. — "Ҳисоблаш технологиялари ва математик моделлаштириш" кафедраси доценти.

Фаннинг ўқув дастури Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Илмий—услубий кенгашида тавсия қилинган (20   йил "_____" __________ даги   — сонли баённома).

Кириш

Сонли усуллар ўрганадиган турли амалий ва назарий фанлар тадқиқотларида учрайдиган масалаларни тақрибий ечиш асосларини етарли даражада ўқитиш ҳамда бу билимлар ёрдамида муайян математик масалани ечишни ўрганади. Хатоликлар назарияси, алгебранинг сонли усуллари, функцияларни яқинлаштириш, тақрибий интеграллаш, оддий дифференциал тенгламаларни ечиш, математик физика масалаларини ечишнинг сонли усуллари, тўр тенгламаларни ечиш усуллари, интеграл тенгламаларни тақрибий ечиш усуллари кўзда тутилган.

Ўқув фанининг мақсади вазифалари

"Ҳисоблаш усуллари" предметининг ўқитилишидан мақсад талабаларда турли математик масалаларни ечишда турли алгоритмларни сифатини ва ишлатиш имкониятларини таҳлил қила билиш ҳамда алгоритмларни ярата билиш кўникмаларни ҳосил қилищдан иборат. Берилган масаланинг турини аниқлай олиш ва маълум алгоритмларни тўғри қўллай билиш ва маълум усулларнинг турғунлигини аниқлай билиш. Дастурлаш тилларини қўллаган ҳолда шахсий ЭҲМларда масалаларни еча олиш. Ҳисоб—китоб натижаларини малакали равишда таҳлил қила билиш.

Курс мобайнида функцияларни яқинлаштириш, тақрибий дифференциялаш ва интеграллаш, алгребанинг сонли усуллари ҳамда дифференциал тенгламаларни тақрибий ечишни ўрганади.

Фан бўйича талабаларнинг билимига, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар

Сонли усуллар ўқув қанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:

- Ҳисоблаш жараёнида қўйиладиган хатоликларни таҳлил қилиш;
- жадвал кўринишида берилган функцияни аналитик функция билан алмаштириш; тақрибий диференцилаш ва интеграллашни амалга ошириш;
- трансцендент ва алгебраик тенламаларни тақрибий ечиш; тенгламалар системасини тақрибий ечиш;
- хос ва хос векторларни тақрибий топиш;
- дифференциал ва интеграл тенглаламаларни тақрибий ва сонли ечимлари топиш кўникмасига эга бўлиши керак.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги

Сонли усуллар табиий-илмий фан бўлиб 5,6- семестрларда ўқитилади. Дастурни амалга ошириш учун ўқув режадаги математик анализ, алгебра, аналитик геометрия, дифференциал тенгламалар, математик физика тенгламалари, ЭҲМ ва дастурлаш билан боғлиқ бўлиб, уларнинг натижаларидан кенг фойдаланилади.

Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни

Сонли усуллар амалиётда учрайдиган масалаларни тақрибий ечиш билан шуғулланади. Маълумки, табиий фанлар ҳамда техника фанларида учрайдиган кўпгина масалалар чизиқсиз дифференциал тенгламаларга келтирилади, яъни уларнинг аналитик ечимини топиш ниҳоятда мураккаб масала, шу сабабли тақрибий ечиш усулларидан фойдаланиш кўпроқ самара беради.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Сонли усуллар фанини ўзлаштириш учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларидан фойдаланиш, янги информацион-педагогик технологияларни татбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллар, виртуал стендлар ҳамда ишчи ҳолатдаги математик моделлардан ва илғор педагогик технологиялардан фойдаланилади.

Асосий қисм

Кириш

Ҳисоблаш усуллари замонавий математиканинг бир ажралмас қисми сифатида. Сонли усуллар кўпгина амалиёт масалаларини ечишда, айниқса, моделлари дифференциал тенгламалар терминида ифодаланадиган жараён, жараёнларни тадқиқ қилишнинг ажралмас қисми эканлиги. Бундай моделларни самарали татбиқ қилиш у ёки бу ҳисоблаш алгоритмларини танлаш ва компьютерда дастурлаш усуллари билан бевосита боғлиқлиги. Дискретлаштириш. Сезгирлик, шартланганлик, хатолик. Ҳисоблаш усули. Масала ечимининг хатолиги.

Хатоликлар назарияси

Хатоликлар манбалари. Абсолют ва нисбий ва лимит нисбий хатолик. Қийматли ва ишончли рақамлар. Ишончли рақамлар сони билан лимит нисбий хатолик ўртасидаги боғланиш. Амал хатоликлари. Функция хатолиги. Хатоликнинг тескари масаласи.

Алгебранинг сонли усуллари

Бир номаълумли тенгламаларнинг илдизлари чегаралари, илдизларни тақрибий топиш: оддий итерация, Ньютон, ватарлар усуллари ва модификациялари. Чизиқли алгебраик тенгламалар системасини ечишнинг аниқ усуллари. Гаусс усули. Тескари матрицани топиш. Чизиқли алгебраик тенгламалар системасини ечимини топишда итерацион усуллар. Чебишев параметрларининг гуруҳи қатнашган итерацион усуллар. Чизиқсиз тенгламалар системасини ечишда Нъютон усусли. Хос сон ва хос векторларни топишнинг сонли усуллари.

Функцияларни яқинлаштириш

Функцияларни яқинлаштириш усуллари. Алгебраик кўпҳадлар билан яқинлаштириш. Интерполяцион масала ечимининг ягоналиги. Лагранж интерполяцион формуласи ва хатолиги. Айирмалар нисбати ва уларнинг хосслари. Ньютоннинг тенгмас ораликлар учун интерполяцион формуласи. Чекли айирмалар ва уларнинг хосслари. Тенг ораликлар учун интерполицион формулалар. Сплайн—яқинлаштириш. Сплайн интерполяция. Эйлер типидаги кубик сплайн. Касрли—рационал яқинлаштириш. Ўрта квадратик маънода яқинлаштириш.

Тақрибий интеграллаш

Интерполяцион квадратур формулалар. Ньютон—Котес типидаги квадратур формулалар, трапеция ва симпсон квадратур формулалари ва уларнинг хатоликлари. Ортогонал кўпҳадлар ва уларнинг хоссалари. Гаусс типидаги квадратур формулалар. Хосмас интегралларни тақрибий ҳисоблаш. Каррали интегралларни ҳисоблаш.

Оддий дифференциал тенгламаларни ечиш

Оддий дифференциал тенгламалар учун қўйилган Коши масаласини ечишнинг сонли усуллари. Кетма—кет яқинлашиш, Эйлер, Рунге—Кутта усуллари. Адамснинг интерполяцион ва экстрапроляцион усуллари. Системаларни интеграллаш. Чегаравий масалаларни ечишнинг сонли усуллари. Уч диагоналли системага келтириш ва прогонка усули. Вариацион масалага келтириш ва вариацион усуллар, Галеркин, коллокация, Ритц методлари.

Математик физика масалаларини ечишнинг сонли усуллари

Дастлабки тушунчалар. Чекли айирмали схемалар. Айирмали аппроксимация. Иссиқлик ўтказиш масалалари учун айирмали схемалар. Айирмали схемалар учун максимум принципи. Пуассон тенгламаси учун қўйилган Дирихле айирмали масаласининг турғунлиги ва яқинлашиши. Либман процесси. Чегаравий масалаларни ечишда вариацион усуллар. Вариацион ва вариацион—айирмали схемалар.

Интегралли тенгламаларни ечиш усуллари

Интегралли тенгламаларни ечиш усуллари. Биринчи турдаги интегралли тенгламалар. Коррект бўлмаган масалаларни ечиш. Иккичи тур интегралли тенгламалар. Чекли йиғиндилар усули. Ажралувчан (хос) ядро усули.

Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Лаборатория ишларида талабалар сонли усуллар фанига оид мисол ва масалаларни алгоритмларини тузиб, компьютер имкониятларидан фойдаланиб ечишни ўрганадилар.

Лаборатория ишларга тақдим этиладиган мавзулар:

1. Функцияларини яқинлаштиришда Ньютоннинг интерполяцион формулалари.
2. Чизиқсиз тенгламаларни тақрибий ечиш.
3. Чизиқли тенгламаларни тақрибий ечиш.
4. Хос сонни топишда итерацион усул.
5. Айирмали тенгламаларни ечиш.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотларда талабалар турли масалаларни тақрибий ечишни усулларини ўрганадилар.

Амалий машғулотларнинг тахминий тавсия этиладиган мавзулари:

1. Амал хатоликларини баҳолаш.
2. Лагранж интерполяцион формуласи ва унинг хатолиги.
3. Тенгмас оралиқлар учун Ньютон интерполяцион формуласи.
4. Тенг оралиқлар учун Ньютон интерполяцион формуласи.
5. Сплайнлар билан яқинлаштириш.
6. Ўрта квадратик яқинлаштириш.
7. Интегралларни тақрибий ҳисоблашда трапеция формуласи.
8. Интегралларни тақрибий ҳисоблашда Симпсон формуласи.
9. Интегралларни тақрибий ҳисоблашда Гаусс формуласи.
10. Хосмас интегралларни тақрибий ҳисоблаш.
11. Каррали интегралларни тақрибий ҳисоблаш.
12. Бир номаълумли алгебраик тенгламаларнинг илдизлари чегараси.
13. Чизиқсиз тенгламалар системани ечиш учун оддий итерация усули.
14. Чизиқсиз тенгламалар системани ечиш учун Ньютон итерация усули.
15. Чизиқсиз тенгламалар системани ечиш учун ватарлар усули.
16. Чизиқсиз тенгламалар системасини ечишда Ньютон ва Монте Карло усуллари.
17. Чизиқли тенламаларни ечиш.
18. Матрицанинг хос сон ва хос векторини топиш.
19. Оддий дифференциал тенгламаларни ечиш учун Эйлер усули.
20. Оддий дифференциал тенгламаларни ечиш учун Рунге—Кутта усули.
21. Оддий дифференциал тенгламаларни ечиш учун Адамс усули.

22. Оддий дифференциал тенгламаларни ечиш учун вариацион усуллар.

23. Математик физика масалаларини ечиш.

24. Айирмали тенгламаларни ечиш.

25. Математик физика масалаларини вариацион, вариацион—айирмали усул билан ечиш.

26. Интеграл тенгламаларни тақрибий ечиш.

Мустақил ишнинг ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Талаба мустакил ишни тайёрлашда муайян фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади.

- ♦ дарслик ва ўқув қўлланмалар бўйича фан боблари ва мавзуларини ўрганиш;
- ♦ тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- ♦ автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи тизимлар билан ишлаш;
- ♦ махсус адабиётлар бўйича фанлар бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- ♦ янги жараёнлар ва технологияларни ўрганиш;
- ♦ талабанинг ўқув—илмий—тадқиқот ишларини бажариш билан боғлик бўлган фанлар бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш;
- ♦ фаол ва муаммоли ўқитиш услубидан фойдаланиладиган ўқув машғулотлари;
- ♦ масофавий (дистанцион) таълим.

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари:

1. Тенг оралиқлар учун Гаусс, Стирлинг ва бошқа интерполяцион кўпҳадлар.
2. Чизиқли алгебраик тенгламалар системасини ечищда квадрат илдизлар усули.
3. Матрицанинг характеристик кўпҳадини топищда Данилевский усули.
4. Иккинчи тартибли аппроксимация шарти.
5. Тор тебраниш тенгламаси учун айирмали схемалар.
6. Айирмали масаланинг қўйилиши ва аппроксимация хатолигини баҳолаш.
7. Турғунлигини текшириш.

Адабиётлар

1. Исроилов М.И. Ҳисоблаш методлари. Тошкент: Ўқитувчи, 2000.

2. Крылов В.И., Бобков В.В., Монастырний П.И. Вычислительные методы высшей математики. 1,2—том. Минск, Выща школа. 1972, 1975.

3. Самарский А.А., Гулин А.В. Численные методы. —М., Наука. 1989.

Қўшимча адабиётлар

1. Березин И.С., Жидков Н.П. Методы вычислений. Т. 1. М.: Физматгиз. 1962.
2. Самарский А.А. Введение в Численные методы. —М., Наука. 1987.
3. Марчук Г.И. Методы вычислительной математики. М., Наука. 1989.
4. Бахвалов Н.С. Численные методы. —М., Наука. 1987.
5. Сборник задач по методам вычислений. Под редакцией Монастырного П.И. Минск, Выща школа. 1983.
6. Исматуллаев Ғ.П., Жураев Ғ.У. Ҳисоблаш усулларидан методик Қўлланма. Тошкент: Университет, 2005.
7. Исматуллаев Ғ.П., Пўлатов С.И., Фаязов Қ.С. Сонли усуллардан Қўлланма. Тошкент: Университет, 2008.

8. Алоев Р.Д., Шарипов Т. Сонли усуллардан маърузалар тўплами.БухДУ,1995.**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Рўйхатга олинди
№________________
20___ йил «___»_____

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус
таълим вазирининг
20___ йил «___»
______даги
«___» — сонли буйруғи
билан тасдиқланган

«ҲИСОБЛАШ МАТЕМАТИКАСИ» фанининг

ЎҚУВ ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 400000 — Фан

Таълим йўналиши: 5440200 — Механика

Тошкент — 2008

Фаннинг ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб — ҳунар таълими ўқув — услубий бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 20__ йил «___»________даги «_____» — сон мажлис баёни билан маъқулланган.

Фаннинг ўқув дастури МИРЗО УЛУҒБЕК номидаги ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИда ишлаб чиқилди.

Тузувчи:

Исматуллаев Г.П. — «Ҳисоблаш технологиялари ва математик моделлаштириш» кафедраси доценти, ф. — м. ф.н.

Тақризчилар:

Маҳмудов А.А. — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети доценти, физика — математика фанлари номзоди.

Шодиметов Х.М. — Математика ва ахборот технологиялари институти бўлим бошлиғи, физика — математика фанлари доктори.

Фаннинг ўқув дастури Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети Илмий — методик кенгашида тавсия қилинган. (20__ йил "___"________даги "_____" — сонли баённома).

Кириш

Мазкур курс олий таълим буйича кадрлар тайёрлаш муаммоларини ҳал этищдаги ҳисоблаш математикаси фанининг асосларини эгаллашдаги ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Сонли усуллар ҳозирги кунда кўпгина амалиёт масалаларини ечищда, айниқса, моделлари дифференциал тенгламалар терминида ифодаланадиган воқеа, жараёнларни тадқиқ қилишнинг ажралмас қисми сифатида муҳим ўрин эгаллайди. Бундай моделларни самарали реализация қилиш у ёки бу ҳисоблаш алгоритмларини танлаш ва компьютерда дастурлаш усуллари билан бевосита боғлиқ. Шу сабабли масалаларни ечищда тежамли сонли усулларни танлай биладиган ва уларни компьютерда реализация қила оладиган мутахассислар тайёрлаш катта аҳамиятга эга.

Ушбу фан алгебра, математик анализ, оддий диференциал тенгламалар, математик физика тенгламалари фанлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Маърузалар мазмуни (44 соат)

Функцияларни яқинлаштириш. Ўртача квадратик яқинланиш. Жадвал кўринишида берилган функцияларни ўртача квадратик маънода яқинлаштириш. Сплайн билан якинлашиш.

Тақрибий интеграллаш. Чебишев типидаги квадратур формула. Гаусс типидаги квадратур формула. Каррали интегралларни тақрибий ҳисоблаш усуллари.

Алгебраик ва трансцендент тенгламаларни тақрибий ечиш. Алгебраик тенглама илдизлари чегарасини аниқлаш, илдизларни ажратиш. Итерация усули. Ньютон усули. Юқори тартибли итерацион жараён куришда Чебешев усули.

Чизиқли алгебранинг тақрибий усуллари. Чизиқли алгебрадан баъзи бир маълумотлар. Оддий итерация, Зейдел усуллари. Методларнинг яқинлашиш. Хос қийматларнинг тўлиқ муаммосини ҳал этищда Крилов, Данилевский усуллари. Хос қийматларни қисмий муаммоси; Леверье методи, модули бўйича энг катта хос сон ва унга мос хос векторни топиш.

Оддий дифференциал тенгламалар учун қўйилган Коши масаласини тақрибий ечиш. Бир қадамли методлар: Эйлер ҳамда унинг модификацияланган усуллари; Рунге—Кутта усули. Кўп қадамли методлар: Адамснинг экстраполяцион ва интерполяцион методлари.

Оддий дифференциал тенгламалар учун чегаравий масалаларни тақрибий ечиш. Редукция методи. Тур усули. Хайдаш усули, унинг яқинлашиши ва турғунлиги.

Хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун чегаравий масалаларни сонли ечиш усуллари. Эллиптик турдаги дифференциал тенгламаларни айирмали тенгламалар билан аппроксимация қилиш. Аппроксимация ва яқинлашиш масаласи ва уларнинг боғлиқлиги. Чегаравий шартларни аппроксимация этиш. Тўр тенгламалар системасининг ечимга эгалиги ва ягоналиги. Тўр тенгламалар системасини ечишда итерацион усул. Гиперболик турдаги тенгламаларни тўр усули билан ечиш. Параболик турдаги тенгламани тўр усули билан ечиш. Ошкор ва ошкормас схемалар. Ошкор схема турғунлиги. Абсолют ва шартли турғун айирмали схемалар.

Вариацион ва проекцион усуллар. Оддий дифференциал тенгламалар учун қўйилган чегаравий масалаларни ечишда Ритц, Коллокация, Галеркин, кичик квадратлар усули. Эллиптик турдаги хусусий ҳосилали дифференциал тенглама учун чегаравий масалани ечишда Ритц, Коллокация, Галеркин ва кичик квадратлар усуллари.

Интеграл тенгламаларни тақрибий ечиш. Квадратуралар усули. Кетма – кет якинлашиш ва ажралувчи ядролар усули.

Амалиёт машғулотлари мавзулари (30 соат)

Сплайн функциялар билан яқинлашиш.

Каррали интегрални тақрибий ҳисоблаш.

Алгебраик тенглама илдизлари чегарасини аниқлаш, илдизларни ажратиш. Итерация, Ньютон, Чебишев усуллари.

ЧАТСни ечишда оддий итерация, Зейдел усуллари. Яқинлашиш шартлари.

Коши масаласини ечишда бир қадамли усуллар: Эйлер усули ва унинг модификацияси.

Оддий дифференциал тенглама учун чегаравий масалани ечишда редукция методи. Тўр усули.

Ҳайдаш усули, турғунлик. Эллиптик турдаги дифференциал тенгламаларни айирмали тенгламалар билан аппроксимация этиш.

Гиперболик турдаги тенгламаларни ечишда тўр усули.

Параболик турдаги тенгламаларни тўр усули билан ечиш.

Оддий дифференциал тенглама учун қуйилган чегаравий масалани ечишда коллокация, кичик квадратлар, Галеркин усуллари. Ритц методи.

Интеграл тенгламаларни ечишда квадратуралар усули. Кетма – кет яқинлашиш усуллари.

Лаборатория машғулотлари мавзулари (28 соат)

Ўртача квадратик яқинлашиш. Жадвал билан берилган функцияларни ўртача квадратик маънода яқинлаштириш.

Матрица хос қийматларнинг қисмий муаммоси (Леверье методи,модули бўйича энг катта хос сон ва хос векторини топиш).

Рунге – Кутта усули. Унинг хатолиги.

Кўп қадамли методлар: Адамс усуллари. Хатолиги.

Оддий дифференциал тенглама учун чегаравий масалани ечишда редукция методи. Тўр усули. Ҳайдаш усули. Тўр тенгламалар системасини ечишда итерацион усул. Ошкор ва ошкормас схемалар.

